

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ЧИРЧИҚ
ФИЛИАЛИ**

ҲАМЗА ЖЎРАЕВ

**БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МАДАНИЙ
ҲАЁТ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1920 – 1924 йй.)**

Тошкент – 2025

Масъул муҳаррир:

Тақризчилар:

Рашидов Ойбек – тарих фанлари доктори, профессор (DSc)

Тоштемирова Саодат – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Муродов Ҳалим – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Монографияда Бухоро амирлиги тугатилиши арафасида маданий ҳаёт, совет ҳокимиятининг Бухородаги маданий сиёсатида янги тамойилларнинг жорий қилиниши, БХСРда маориф ва таълим соҳасида янги тизимнинг барпо этилиши, миллий мутахассис кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Шунингдек маданий оқартув шохобчалари ва уларнинг аҳволи, адабиёт, санъат соҳаларининг ривож ва коммунистик мафкура таъсири, миллий театр ва кино санъатининг шаклланиши ҳамда ўзгаришлар, маданиятнинг турли соҳалари тараққиётининг тарихий таҳлили ҳамда мафкуралаштириш сиёсатининг салбий оқибатлари каби масалалар ёритилган. Мазкур монография олий ўқув юртлари талабалари, тарих фани ўқитувчилари, Ўзбекистон тарихи билан қизқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Ушбу монография Тошкент давлат тиббиёт университети Чирчиқ филиали “Ижтимоий фанлар ва хорижий тиллар” кафедрасида бажарилган ва амалий тадқиқот дойрасида нашр қилинмоқда. Тошкент давлат тиббиёт университети Чирчиқ филиали илмий-техник кенгашининг 2025-йил ноябр – сонли қарорига кўра нашрга тавсия этилган

Ҳ.Жўраев, 2025

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	4
1-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МАДАНИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ	
§1.1. БХСРдаги маданий ҳаёт ва ундаги ўзгаришлар мавзусининг тарихшунослиги ва манбашунослиги.....	6
§1.2. БХСРда миллий маданият учун кураш ва дастлабки амалий натижалар.....	20
2-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕАТР, КИНЕМАТОГРАФИЯ, АДАБИЁТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИНИНГ РИВОЖИ ВА КОММУНИСТИК МАФКУРА ТАЪСИРИ	
§2.1. Миллий театр ва кино санъатининг шаклланиши ҳамда ўзгаришлар.....	33
§2.2. Адабиёт ва санъат соҳаларидаги ўзгаришларнинг тарихий таҳлили ҳамда мафкуралаштириш сиёсатининг салбий оқибатлари.....	47
3-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МАОРИФ, МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЛАТИ	
§3.1. Маориф ва халқ таълими соҳасининг аҳволи, ислохотлар учун кураш.....	80
§3.2. БХСРда миллий замонавий кадрлар тайёрлаш йўлидаги ҳаракатлар.....	98
§3.3. Маданий-оқартув муассасалари ва уларнинг фаолияти.....	113
ХУЛОСА.....	129
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	132

КИРИШ

Жаҳон миқёсида глобаллашув асри бўлмиш ХХІ асрга келиб замонавий маданият кўплаб ўзгаришлар ва янгиликлар билан бойимоқда. Бундай ўзгаришлар бир томондан, ҳар қандай халқ ва миллатнинг асрлар давомида яратган миллий маданиятини анъанавий тарзда ривожлантириш бўлса, иккинчи томондан, Европа ва жаҳон мамлакатлари таъсиридаги глобал маданий ўзгаришлардир. Шунинг баробарида жамиятнинг ахборотлашувида маданият тарихи муҳим роль ўйнамоқда. Шу нуқтаи назардан маданиятнинг шаклланиш, ривожланиш босқичлари ва йўналишларини яхлит тадқиқ этишга зарурат кучаймоқда. Бу ўз навбатида ҳар бир миллатнинг тарихи, маданияти умумбашарий қадриятлари билан уйғунликда тараққий этиш динамикасига бағишланган махсус тадқиқотлар олиб бориш эҳтиёжини юзага келтирди. “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак”¹ – деб, тўғри таъкидлайди Шавкат Мирзиёев.

Жаҳоннинг АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Россия каби давлатларидаги илмий муассасаларда ХХ аср бошларида Бухоро амирлиги ҳамда 1920-1924 йиллардаги Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи ҳақида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, АҚШнинг Мичиган университети ва Карлтон коллежида, Туркиянинг Коч университети (Истанбул), Ҳожаттепа университети (Анқара) ва Зонғулдоқ университетларида Амир Саид Олимхон фаолияти, БХСРнинг ички ва ташқи сиёсати, давлат арбоблари (Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Абдурауф Фитрат ва б.), маданий жараёнлар, Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонда бугунги кунда амалга оширилаётган муҳим ислохотлар, ва янгиликлар, жамият ва халқ ҳаётидаги тарих фанига нисбатан эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши мамлакатимиз

¹ Мирзиёев Ш. Мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ. Халқ сўзи, 2018 йил 21 декабрь.

тарихчилари олдиға янги вазифаларни қўймоқда. “Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс ғоясини фарзандларимиз онига айнан болалик давридан, боғчадан ва мактабдан бошлаб сингдиришимиз зарур. Бунинг учун тарихни, аجدодларимиз меросини, дунё тажрибасини, турли халқларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича ўрганиш керак”² - деб, таъкидлайди Шавкат Мирзиёев. Мустақиллик йилларида БХСР тарихини ўрганишда катта ютуқларга эришилган бўлса ҳам ҳозиргача Бухоро Халқ Совет Республикасидаги маданий ҳаёт ва ундаги ўзгаришлар махсус илмий тадқиқот сифатида алоҳида ўрганилмаган. Шу маънода, неча юз йиллик тарих ва маданиятимиз, миллий ўзлигимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган ўз муқаддас динимизни асраш, аجدодларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш биз учун доимий кун тартибида турадиган муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони³, 2020 йил 8-октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5598-сонли Фармойиши⁴ ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

Бугунги кунда миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бормоқда. Дунёдаги айрим сиёсий марказлар томонидан баъзи ҳудудларда сунъий равишда беқарор вазият юзага келтирилмоқда, норозилик кайфиятлари авж олдирилмоқда. Айниқса, бугун

² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – Б.299.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони // “Янги Ўзбекистон” (Тошкент). № 22. 2022 йил 1 февраль.

⁴ «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-5598-сонли Фармойиши // «Халқ сўзи» (Тошкент). № 212. 2020 йил 9 октябрь.

тобора чуқурлашиб бораётган глобал иқтисодий инқироз турли фитналар учун янада қулай шароит яратишини унутмаслигимиз лозим.

Мана шундай ўта таҳликали шароитда ҳаммамиз сезгир ва огоҳ бўлишимиз, аввало, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, миллий манфаатларимизни ўйлаб яшашимиз керак.

“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”⁵.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – Б.329.

1-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МАДАНИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

1.1. БХСРдаги маданий ҳаёт ва ундаги ўзгаришлар мавзусининг тарихшунослиги ва манбашунослиги

Бухоро Халқ Совет Республикасидаги маданий ҳаёт ва ундаги ўзгаришлар (1920-1924 йй.) мавзусида яратилган тарихий тадқиқотларни қуйидаги учта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) совет даврида яратилган адабиётлар; 2) мустақиллик йилларида ёзилган тарихий тадқиқотлар; 3) хорижий муаллифларнинг асарлари.

Совет даврида яратилган тарихий адабиётларни ҳам шартли равишда иккига ажратиш мумкин. Уларнинг биринчиси: XX аср 20-30 йилларида ёзилган тадқиқотларнинг аксарияти Бухоро Халқ Совет Республикаси раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат⁶ ҳамда Туркистон АССРдан бу ерга юборилган Георгий Сафаров, Турор Рискулов⁷ каби сиёсий арбоблар бўлиб, уларнинг асарларида Бухородаги жадиदчилик ҳаракати, амирлик тузумининг афдарилиши ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши, БХСРдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар таҳлил этилган.

Совет ҳокимияти даврининг иккинчи қисми: XX аср 40-80 йилларида яратилган Б.Гафуров, Н.Прохоров, А.Бобохўжаев, О.Эшонов, А.Гордиенко, С.Зиманов, Ҳ.Иноятов, И.Алимов, Ф.Қосимов, И.Зокиров ва бошқаларнинг тадқиқотларида⁸ БХСР тарихи ва маданиятининг айрим жиҳатлари

⁶ Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари Марказий давлат нашриёти, 1926. – Б.360.; Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926. – 6.176.

⁷ Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). – Москва: Госиздат, 1921. –118 с.; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть II. 1917 – 1919 гг. – Ташкент: Узбекгосиздат, 1925. –78-80 с.

⁸ Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.). – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1955. – 137-141с.; Ўша муаллиф. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969; Изд. САГУ, 1959. – с.59.; Уралов А. Из истории развития Народного образования в БНСР (1920-1924 гг) Общественные науке в Узбекистане. 1961-№3. с. 46-56. Ҳасанов М. Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев. Тошкент: Ўзбекистон КП Марказий Камитетининг Бирлашган нашриёти, 1968.-.40. б. Содиков Й. Файзулла

кўрсатилган. Бу даврда Бухоро Халқ Совет Республикасининг 50 йиллиги муносабати билан Москвада БХСР ва ХХСР тарихига оид коллектив монография⁹ тарихшунослигини бойитиш билан биргаликда мавзу манбашунослигини ҳам янги босқичга кўтарди.

Совет ҳокимияти йилларида яратилган тадқиқотлар ва манбавий аҳамиятга эга бўлган адабиётларда БХСР маданияти масалаларига коммунистик мафкура асосида ёндашув таъсири сезилсада, уларда мавзуга оид айрим далил ва рақамларни олиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ ишлар қаторига Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган коллектив монографиялар¹⁰ ва фундаментал тадқиқотларда,¹¹ хусусан, БХСР тарихи янгича методологик концепция ва ёндашув асосида ёритилди. XX аср 90 йиллари бошларидан то ҳозиргача яратилган Ф.Қосимов, С.Иноятов, У.Рашидов, Д.Алимова¹² ва бошқаларнинг монографияларида

Хўжаев-атоқли давлат арбоби.-Тошкент: Ўзбекистон КП Марказий Комитет нашриёти, 1969. –б.316. Алимов И. Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре (1920-1924 гг.). – Ташкент: Узбекистан, 1970. – 80 с.; Эшонев О. Файзулла Хўжаев (Хаёти ва фаолияти ҳақида очерк). – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. –б. 116. Зиманов С. От освободительных идей к советской государственности в Бухаре и Хиве. – Алма-Ата: Наука, 1976. – 142-144 с; История Бухары с древнейших времён до наших дней. Под редакцией академика И.М.Мўминова.-Тошкент: Фан, 1976. – 384.с. Нуруллин Р, Ҳасанов У. Файзулла Хўжаев. Тошкент: Ёш гвардия, 1977.- б. 64. Зокиров И.Б. Становление и развитие Советского гражданского права в БНСР и ХНСР. – Ташкент: Фан, 1988.

⁹ История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – Москва: Наука, 1971. –253. с.

¹⁰ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев. – Тошкент: «Шарк», 2000. -б.720.; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.Алимова, Э.Ртвеладзе. – Тошкент: «Шарк», 2021.-б.234

¹¹ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1991 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – 6.75-76.

¹² Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. Тошкент: Ўзбекистон, 1990. –б. 204.; Бақоев М. Файзулла Хўжаев журналист ва публицист. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.-б.80.; Қосимов Ф. Бухоро республикаси тарихшунослиги. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1996; Иноятов С., Алауов А. Бухарский дом просвещения в Москве. – Навои, 1996. – 42 с.; Иноятов С., Алауов А. Бухарский дом просвещения в Москве. – Навои, 1996. -48 с.; Иноятов С. Сааков В. История Бухары в литературе.- Бухара. 1996.-61 с.; Ҳасанов М; Усмонов И. Ойдин кунлар армони // Ватан фидойилари туркумидан,-Тошкент, Ўзбекистон 1997.-110 бет. Наимов Н. Бухоро жадидлари. Тошкент; Фан, 2000.-б.48.; Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920 – 1924 й.). – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2003.; Турдиев Ш. Улар Берлинда ўқиган эдилар. Тошкет Академхизмат, 2006: — б.256.; Ҳайитов Ш.А. Раҳмонов К.Ж. Бухоро Халқ Республикаси даврида тетатр саъати (1920-1924 йиллар). Из истории культурного наследия Бухары (10 выпуск), Изд Бухара, 2006. — 76-80 с.; Ҳайитов Ш.А. Татар зиёлилари Бухорода. Жамият ва бошқарув, 2007; №3-б.125-126.; Ҳайитов Ш, Орзиев М. Садриддин Айний асарлари – Бухоро матбуоти тарихидан маълумот берувчи муҳим манба // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2009. № 4.-б. 3-6.; Алимова Д.,Маҳкамова Н. Файзулла Ходжаев истории и государственный деятель // История и Историки Узбекистана в XX веке – Тошкент: «НАВРЎЗ» 2014.-150-181 с.; Файзулла Хўжаев-Инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси Республика илмий-назарий конференция (Халқаро микёсидаги олимлар иштирокида) материаллари бўлаг (2018 йил 12 май).Бухоро 2018.; Ҳайитов Ш, Раҳмонов К, Ахмадов О. Бухоро ва бухорийларнинг жаҳоний шухрати. Тошкент: «Наврўз». 2020. – б.204.; Иноятов С. Бухорон Шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. – Бухоро: Дурдона, 2022.; Алимова Д. Жадидчилик феномени. – Тошкент: Академнашр, 2009.-б.170.

мавзу тарихининг айрим жиҳатлари ва тарихшунослиги масалалари тадқиқ этилди.

Тарихчи олим Қ.Ражабов ўзининг сўнгги 30 йил мобайнида яратган кўплаб илмий тадқиқотларида¹³ Бухорода амирлик тузумининг ағдарилиши, БХСРнинг ташкил топиши ва фаолияти, Бухородаги жадиदчилик ва истиқлолчилик ҳаракатлари, давлат арбоблари ва кўрбошилар фаолияти, БХСР раҳбарлари ҳамда сиёсий арбобларга нисбатан совет ҳокимиятининг катагон сиёсати ва бошқа масалаларни самарали ўрганди.

Муаммонинг айрим жиҳатларини сўнгги йилларда И.Алимов, Ш.Ҳайитов, Л.Мухамеджанова, К.Раҳмонов, А.Пардаев, Д.Жамолова, О.Рашидов ва бошқалар ўзларининг монографияларида¹⁴ ёритишди. Шунингдек, Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва БХСР тарихининг айрим жиҳатлари ёритилган қатор диссертациялар¹⁵ ҳимоя қилинди. Учинчи гуруҳ

¹³ Ражабов Қ.К. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: “Абу матбуот-консалт”, 2011; – б.125. Ўша муаллиф. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 й.). – Тошкент: «Янги нашр», 2015. 6.123-125; Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: “Абу матбуот-консалт”, 2011; – б.86. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: «Тафаккур», 2016. –б.143-145; Ражабов Қ., Бекмуратов Х. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихидан. –Тошкент: “Тафаккур”, 2017. –б.56-64 ; Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРда совет режимининг катагон сиёсати унинг оқибатлари (1917-1991 й.). – Тошкент: Фан, 2022.–б.432.;

¹⁴ Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920 – 1924 й.). – Тошкент: Фан, 2004; Ўша муаллифлар. Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари (1920 – 1924 й.). – Бухоро, 2004; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт (1920 – 1924 й.). – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005; Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920-1924 й.). – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2012; Рашидов О. Файзулла Хўжаев миллий манфаатлар ва сиёсий курашлар майдонида. – Тошкент: Мухаррир, 2021.

¹⁵ Раҳмонов К.Ж. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2009; Темиров Ф. У. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2020; Болтаев А. XX асрнинг 20-80 йилларида Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2021; Нуридинов Т. Қ. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташқи алоқалари (1920 – 1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Фарғона, 2021; Янгібоева Д. Шарифжон Садри Зиёнинг Бухоро илмий, маданий муҳитида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти (1865 – 1932 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Термиз, 2021; Ҳайитов У.Я. Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда тутган ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Бухоро, 2022; Рашидов О.Р. Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши (1917 – 1938 й.). Тарих фанлари доктори дисс. автореферати. – Бухоро, 2022; Жунаев З.Б. Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар (1920 – 1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Бухоро, 2022; Ахматов А.Х. Бухоро адабий муҳити тарихи (XX аср). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Бухоро, 2022; Алланазаров М.М. Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблари ва кадрлар фаолияти (1920 – 1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Термиз, 2022; Маҳмудов А.М. Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Фарғона, 2022 ва б.

адабиётларга Туркия ва АҚШда чоп этилган Аҳмад Заки Валидий, Адиб Холид, Аҳад Андижон, Темур Хўжаўглининг хорижий тадқиқотларида¹⁶ Ёш бухороликлар фаолияти ва Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи ҳақида маълумотлар келтирилган. Аҳад Андижон ва Адиб Холиднинг асарлари Тошкентда ўзбек тилида ҳам босилган¹⁷.

Мавзу тарихшунослигининг тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, бу тарихий тадқиқотларда Бухоро Халқ Совет Республикасидаги маданий ҳаёт ва ундаги ўзгаришлар тарихи алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Муаммонинг бу жиҳатлари мазкур мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинishiга имкон яратди.

2. БХСРда миллий маданият учун кураш ва дастлабки амалий натижалар

Бухоро амирлигида XX аср бошларидаги сиёсий вазият таҳлилининг кўрсатишича, бу даврда ҳуқуқсизлик, ташқи алоқалар чекланиши натижасида кучайган биқиклик шароити нафақат ижтимоий соҳада, балки маданий ҳаётда ҳам турғунликни кучайтирган. Хусусан, бу ҳолат таълим тизимида яққол кўзга ташланар эди.

Россия империяси ҳукумати авом халқнинг ўқиш ва ёзишни билиб, илм эгаллаши билан ўз ҳақ-ҳуқуқини англаши, маънан юксалишини жуда яхши англар эди. Лекин бу ҳукуматнинг мақсади миллатни ўқитиб, маърифатли қилиш ўрнига қоронғи зиндонда чиритиш йўлини тутар эди. Агар халқ ўқиса, билса, англаса, тушунса, Россия империяси ҳукуматининг асл нияти ҳам ҳаммага ошкора бўлиб, натижада бу ҳукуматнинг инқирозига сабаб бўлар эди. Чор ҳукумати томонидан қамалган оми халқ эса, дунёдан бутунлай умидини узуб, дунё беҳабар аҳволда тўрт девор орасида чириб кетар эдилар¹⁸.

¹⁶ А. Зеки Велиди Тоган. Бугунку Турк или (Туркистан) ва Якин тарихи. – Истанбул, 1942-1947; Аҳет Андисан. Сэидизмъден Багимсибига Ҳаристе Туркистан Мусаделеси. – Истанбул, 2003; Адезб Кҳалид. Макинг Узбекистан. Натион, Эмпире, анд Револутион ин тхе Эарлй УССР. –New Ёрк — Лондон, 2015; Туркбилмде арайислар. Тимур Косаоглу армагани. I китап. Эдитор А.Малқос. – Истанбул, 2021.

¹⁷ Бухоро Сумхуриети 101 Ёасинда. Билдирилер. Эдиторлер: Ж. Элтазаров, Тимур Косаоглу. – Истанбул: Кутлу Яйиневи: Таскент: Мумтоз, 2021.

¹⁸ Бухоро ахбори. 34-сон, 1921 йил 14 август.

Баъзи бир қамоқхоналар борки, кўрган кишининг чиқгиси келмайди ҳар куни илмий маърузалар, рефератлар ўқилади. Ҳафтада бир ёки бир неча маротаба театр қўйилади, адабиёт ва томоша кечалари уюштирилган. Кутубхона ва қироатхоналарда стол устида газета ва журналга тўла бўлган, саводсизлар учун энг яхши муаллимлар таълим беришган. Саводи борлар учун юқори савиядаги илмлар ўргатилган. Қамоқхонада бўлган киши ё илмли ёки ҳунарни бўлиб чиққан¹⁹. Демак, кўриниб турибдики жамиятда тузумнинг ўзгариши билан маданият соҳасида муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлган.

Бухоро амирлиги ҳудудида дастлабки «усули савтия» – усули жаид мактабларининг очилиши Садриддин Айний ва Мирза Абдулвоҳид Мунзим номлари билан боғлиқ. Садриддин Айний маълумотларига кўра, Бухорода татар муаллимлари очган усули жаид мактаблари мавжуд эди. С.Айний ва А.Мунзим ушбу татар мактабларидаги ўқитиш усуллариини ўрганадилар ва ўз мактабларига татбиқ қилганлар. Мактабдорлар Мирза Абдулвоҳид Мунзим, Садриддин Айний, Аҳмаджон Ҳамдий Бухорода фаолият кўрсатган татар муаллими Холид Бурнашев мактабига борадилар, таълим қоидаларидан тортиб, дарсхона тартибига, ўқитиладиган илмлардан тортиб, китоб ва дарсликларига танишадилар, маълумотлар оладилар.

Бухоронинг илғор кучларини бирлаштириш учун жамият керак эди. Бухоро жаидлари: Аҳмаджон Ҳамдий, Абдулвоҳид Мунзим, Ҳамидхўжа Меҳрий, Садриддин Айний, Хожа Рофеъ, Мукамал Бурҳон «Тарбияи атфол» («Болалар тарбияси») номли яширин жамият туздилар²⁰. Бу жамиятнинг саъй-ҳаракати билан усули жаид мактаблари бирин-кетин очила бошлади. Жамият низомида Бухоро амирлиги сиёсий тузумини ислоҳ қилиш, давлат маъмуриятига илғор ёшлардан киритиш ва шу йўл билан давлат сиёсий тузумида илғор ўзгаришлар яшаш кўзда тутилган эди. «Болалар тарбияси» номли жамиятнинг асосий масалаларидан бири Бухоро ўқув муассасаларини тубдан ислоҳ қилиш эди. Бухоро анъанавий мактабларини ислоҳ қилиш иши

¹⁹ Бухоро ахбори. 34-сон, 1921 йил.

²⁰ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар. 8 томлик, 1-том. – Тошкент: Ўздадабыйнашр, 1963. – Б.233.

амалда бошланган бўлсада, олий ўқув юрти ҳисобланган мадрасалар ислоҳи бошланмаган бўлиб, илмли, малакали мутахассислар тайёрлашдан йироқ эди. Шунинг учун «Тарбияи атфол» жамияти иқтидорли ёшларни Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой, Истанбул каби шаҳарларга ўқишга юборишни биринчи вазифа сифатида белгилади. Бунинг учун маблағ керак эди. Халқ истикболи, маърифати учун мулкдорлар, иқтисодий ёрдам берувчи зиёлилар, давлат арбоблари ҳам топилди. Жамиятнинг катта саъй-ҳаракати натижасида унинг дастлабки йилларида бир гуруҳ ёшлар Истанбулга ўқишга юборилди. Садриддин Айний бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Икмоли таҳсил учун Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, унинг биродарлари Атохўжа, Мазҳар Маҳзум Бурҳон Маҳзум ўғли, Абдурауф Фитрат, Муқимбек Истамбулга сафар қилдилар. Фитрат мазкур талабаларнинг энг истеъдодлиси ва энг фозили эди»²¹. Бухоро жадиidlарининг «Тарбияи атфол» жамиятининг ўз олдига қўйган мақсадларидан яна бири ўз матбуот органига эга бўлиши эди. Туркистон жадиidlари «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» каби қатор газеталар нашр қилдилар. Улар Бухоро тараққийпарварларига ҳам кучли таъсир кўрсатган эди. Бухорода жадиidlар амир ҳокимиятини ислоҳ қилиш тарафдори эдилар. Улар амирни ҳамда сарой амалдорларини Аллоҳдан кўрқадиган ҳақиқатгўй одамлар деган умидда эдилар ва улар мамлакатда катта ислохотлар ўтказди деган фикрда эдилар²². Жадиidlар маҳаллий аҳолига исломчилик ва туркчилик назариясини синдиришга ҳаракат қилдилар. Улар дастлаб халқни инқилобий ҳужум қилишга қарши ундаб, амирлик тузумини ҳимоя қилар эдилар. Жадиidlар кучли инқилобий ҳаракатларни тинч йўл билан, ислохот билан амалга оширишни истардилар. Бухородаги жадиidlар мактаби қисман татарлар томонидан ташкил қилинган, бўлсада, аксарият бу мактабларни Туркияда таълим олган маҳаллий зиёлилар ташкил қилган. Ушбу мактаб ташкилотчилари асосан маърифатпарвар жадиidlар бўлган²³.

²¹ Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар. 8 томлик, 1-том. – Б.233.

²² Ишанов А. Созданий Бухарской Народной Советской Республика (1920-1924гг.). – Т.:Изд.АН УзССР, 1955.

²³ Айний С. Коротко о моей жизни. Сталинабад, 1958 – С. 60.

Татар мактабларида таълим олиш учун, албатта, татар тилини ўрганиши мажбурияти бор эди. С. Айний мана шундай мактаблардан бирига ташриф буюрганини «Эсдаликлар»да, шундай хотирлайди: «Мен болаларга ачиндим ва мен ўқитувчига айтдим: агар рози бўлсангиз, мен сизнинг мактабингизда таржимон вазифасини бепул бажаришга, дарсни таржима қилишга ва болаларга синфда айтган сўзларингизни тушунтиришга тайёрман. Ўша пайтга қадар мен татар тилини газетадан яхши ўзлаштирган эдим. Шу таржимани қила оладиган даражада эдим. Ўқитувчи рози бўлди ва мен ишлай бошладим»²⁴.

XX аср бошларига келганда жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида бўлгани каби Бухоро амирлигидаги таълим тизими жиддий ўзгаришларга муҳтож эканлигининг объектив сабаблари бор эди²⁵. Дарҳақиқат, XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда шаклланган маърифатчилик ғоялари орқали диний ақидалар билан суғорилган тасаввурларни дунёвий илмларга уйғунлаштиришга кенг имконият яратди. Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати халқимиз бошига сон-саноксиз кулфатлар олиб келганлигига сабаблардан бири ҳам туб аҳолининг дунё илм-фанидан беҳабарлиги бўлди. Чор ҳукумати ўлкамизда дунёвий фанларни ўқитадиган мактаблар очиб, халқимизни дунёвий маданият билан таништиришга шошилмаганлиги ўзига хос стратегик маъно-мазмун касб этган. Чунки улар ўлкада ўрта асрга хос ижтимоий муносабатлар ва таълим унсурлари сақланиб қолишидан кўпроқ манфаатдор бўлганлар. Улар халқни маърифатли қилиш келажакда кучли хавф-хатарни пайдо қилишини билганлар. Лекин ўлкада самарали фаолият олиб борган зиёли қатлам вакиллари чор ҳукуматининг бу сиёсатини англаган ҳолда мусулмон туркий халқлар асосан эски услубда ўқитиладиган мактаб-мадраса тизимидан воз

²⁴ Айний С. Эсдаликлар. I – IV қисмлар / Асарлар. 8 жилдлик, 5-7-жилдлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965-1967.

²⁵ Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири – XXаср бошларида). Афтореферат. дисс...канд ист наук. – Тошкент, 2011. – С.14-15.

кечиб, янги (жадид) услубида (оврўпача) ўқитиш тизимига ўтиш орқали ўз тараққиётига эришиши мумкинлигини тушуниб етдилар.

Ана шундай маърифатпарварлик ғояси XIX асрнинг 80 йилларида Исмоил Гаспирали (Гаспринский) томонидан илгари сурилди. У асосан юрт, мамлакат келажаги бўлган ёшларни маърифатли қилиш орқали нафақат осойишталик, адолатли жамият ўрнатиш балки миллий тараққиётга эришиш мумкин, деб ҳисоблаган. Исмоил Гаспирали чор ҳукумати мусулмон-туркий қавмларнинг махсус асоратда сақлаш орқали мустамлакачилик сиёсатини узок давом эттиришга уринаётганлигини ўз вақтида англаб етган эди. Бу мустамлакачилик асоратидан қутулиб чиқишнинг ягона йўли деб халқни оврўпача жадид услубида ўқитиб, маърифатли қилиш орқали миллий тараққиётга эришиш деб ҳисобларди. У яна жадидлар ҳаракатидан икки мақсадни кўзлаган. Биринчиси, мусулмон-туркий қавмларни маърифатли қилиш йўли билан мустамлака асоратидан қутулиш бўлса, иккинчиси, чор ҳукуматидаги барча туркий қавмларни ягона тарихий бирлик (миллат) сифатида бирлаштириш бўлган. Ана шу мақсадда 1886 йилдан бошлаб чоп этила бошлаган «Таржумон» газетаси мусулмон-турк зиёлилари орасида жуда катта эътибор қозонган. Газета орада катта-катта танаффуслар билан бўлсада, то 1914- йилгача нашр этилган. Кейинчалик эса Беҳбудий 1913- йилда «Самарқанд» номли газетани ва шу йили «Ойна» журналини таъсис этиб, ўз мақолаларида халқни дунёвий билим олишга чақирди. У эндиликда дунёнинг тақдирини фақат диний билимлар эмас, балки дунёвий илмлар ҳам белгилашини асослашга ҳаракат қилган. Шу боисдан ҳам М.Беҳбудий қарашларида исломий қадриятлар билан дунёвий илмларни эгаллаган маҳаллий миллат вакиллари тарбиялаш устувор аҳамият касб этган.

М.Беҳбудий «Падаркуш» фожиасида ўз отасини ўлдирган Тошмурод фожиаси ҳақида шундай ёзади: «Илм ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир... Оҳ, ҳақиқатда бойни ўлдургон ва йигитларни азоби абадийга гирифтор қилган беилмлиқдир. Бизларни хонавайрон бачагирён ва беватан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдур, беватанлик, дарбадарлик, асорат,

фақир ва зарурат ва хорликлар ҳамма илмсизлик ва бетарбияликни меваси натижасидур»²⁶. Шу нуқтаи назардан мутафаккирнинг миллат онгининг шаклланишидаги буюк хизматларини катта. “Шунингдек, 2020- йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машъалини баланд кўтариб чиққан аллома ва адиб Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонланди. Умуман, биз жадиदчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”.

Жадиदлар янги усул мактабларини очишда халқ маорифини ривожлантириш билан эмас, балки мамлакат учун зарур бўлган саводли одамларни тайёрлаш билан шуғулланишган. 1908 йил октябрда Бухорода форс тилида ўқитадиган бухороликлар учун биринчи янги усул мактаби очилди; унинг ўқитувчиси Абдулвоҳид Бурхонов (Мунзим) бўлиб, у кейинчалик ХХ асрнинг бошларида катталар учун кечки курсни очган²⁷. Баъзи бухороликлар эски мактабдан норози бўлишди ва болаларни ушбу мактабга юборилди, аммо тез орада (1910- йилда) ёпилди²⁸. «1914- йилда Эски Бухорода энг машҳур бўлган Усмон Хўжа мактабида 200 тагача ўқувчи, Бозори-Нав гузарида жойлашган Эшан Ҳамид Хўжа мактабида 100 нафаргача ўқувчи бор эди»²⁹.

Янги усулдаги мактаблар амирликнинг бошқа шаҳарларида ҳам вужудга келади. Каркида узоқ вақтдан бери янги усул мактаби мавжуд эди. Унда кутубхона ва ўқиш зали мавжуд бўлиб, Қори Йўлдош Пўлатов у ерда мактабнинг бошида бўлган.

²⁶ Маҳмудхўжа Бехбудий. Таланган асарлар. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 271-272.

²⁷ Умняков И.И. К истории новметодной школы в Бухаре // Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. 1927. № 16. – С.84.

²⁸ Айний С. Коротко о моей жизни. Сталинебад, 1958. – С.72-73.

²⁹ Умняков И.И. К истории новметодной школы в Бухаре // Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. 1927. № 16. – С.91.

Қори Йўлдош Пўлатов Карки шаҳридаги янги усулдаги татар мактабларида туб аҳоли болалари ўқиш ва ёзишни тезда ўрганган ва маҳаллий аҳолининг тафсилотларини ўрганиб чиққан. 1910 – 1911- йилларда Қори Йўлдош Пўлатов ўзи ушбу мактабда ўқиган ва 1912- йилдан то 1917- йилгача у ерда дарс берган ва янги мактаб яратди.

XX асрнинг бошларида Бухорода рус тилидаги мактаблар пайдо бўлди, дастлаб улар таркибида 50 га яқин бола таҳсил олди. Ўқишнинг иккинчи йилида улар рус тилида ўқиш ва ёзиш билан шуғулланган ва география, арифметик ва бошқа фанлар бўйича умумий маълумотларга эга бўдилар³⁰. Бундай мактаб Чоржўйда 1905- йилдан бери мавжуд бўлган. У Урал чеккасида, татарлар жамиятининг уйида эди. Унда дарслар йилига атиги олти ой ўтказиларди. Кузда ва қишда талабалар сони 12-15 кишидан кўп бўлмаган³¹. Кенегес уруғи раҳбарларидан бири бўлган Ислонкул Тўқсабо Шаҳрисабздаги уйида янги усул мактаби очган ва Самарқанд, Тошкентдан ўқитувчиларни таклиф қилган. Қоракўлда худди шундай мактаблар Гулом Қодиров ва Икром Қози томонидан очилган. Гиждувонда янги мактаб раҳбари Муҳаммад Азим бўлган, болаларга татар ўқитувчиси дарс берган³². Ваҳоланки, қолоқ мамлакат бўлган Бухорода очилган янги усул мактаблари ва ўқитувчиларга муносабат ижобий бўлмаган. Жадидларнинг ғоя соҳасидаги асосий талаблари ва вазифалари турк — татар тилларида нашр этилган дунёвий адабиётларни ёйиш, эски, диний, схоластик мактаблар ўрнига дунёвий янги усулдаги, европача мактабларни жорий қилиш, халқ маорифининг ўрта аср тизимини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган дунёвий маориф билан ёппасига алмаштириш ва цензурани заифлантириш, қисман матбуот эркинлигига эришиш йўли билан диний фанатизмга қарши кураш олиб боришдан иборат эди³³.

³⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 286-иш, 50-варақ.

³¹ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 807-иш, 10-варақ.

³² См. Бюллетень САГУ, 1927. № 16. – С.92.

³³ Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.96.

1915 йилда Бухоро амири Россия сиёсий агентлигининг кўрсатмаларига биноан татарларнинг рус фукароларига Эски Бухорода янги усул мактабини очишга рухсат берди. 1915- йил 12-сентябрда шаҳар ташқарисидаги темир йўл станцияси ҳудудида мактаб очилди. Унинг ўқитувчиларига Бухоронинг туб аҳолиси болаларини мактабга жалб қилиш тақиқланган. Шу мақсадда мактабдан полициянинг махсус назорати олиб ташланди³⁴.

Янги услубдаги мактаблар аҳоли орасида катта обрўга эга бўлишига қарамай, маърифатпарварлик ўсишига тоқат қилишни истамаган амир ва реакцион руҳонийлар уларни мунтазам равишда ёпиб қўйишди. Бу мактабларнинг ривожланишига Биринчи жаҳон уруши даврида Бухорода реакциянинг кучайишига салбий таъсир кўрсатиб, кўплаб илғор зиёлилар, шу жумладан, С.Айний Бухородан русларнинг яшаш жойларига кетишга мажбур бўлдилар. 1917- йилда амирнинг реакцион сиёсатида қарамай, Эски Бухорода Европа жамоатчилиги таъсири остида Ғиёс Пўстунфуруш (қорақўл тери сотувчи савдогари) ҳовлисида рус мактаби очилди. Фақат савдогарларнинг обрўли болалари учун, уларда рус тили, арифметика ва ашулалар фақат рус тилида ўрганилган. Бундай мактабларнинг очилишига розилик билдирган амир маҳаллий халқдан таржимонлар ва бошқа содиқ хизматчиларни тайёрлашга интилди³⁵. Ўлкада амир ва савдогарларнинг мактаб очишдан асосий мақсади ўз манфаатларини кўзлаб ҳовли жойларда мактаб очишга розилик берилган. Бироқ бу янги мактаблар ва рус мактаблари Бухоро жамиятининг илғор қисмини рус тилини ўзлаштириш ва Европа халқларининг илғор маданияти билан танишиш истагини қондира олмади.

Ўша пайтда Бухорода бирорта ҳам ўрта махсус ёки олий ўқув юрти бўлмаган. Маҳаллий тараққийпарвар зиёлилар нафақат янги усул мактабида ўқишни, балки ўқишни давом эттиришни, билим савиясини кўтаришни хоҳлашди. Унинг баъзи вакиллари Туркистон ўқитувчилар семинариясида ўқиш учун келган. Улар орасида, хусусан, Султонов ва Мусожон Саиджонов

³⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 807-иш, 14-15-варақлар.

³⁵ Бухоро вилояти давлат архиви (Бухоро ВДА), 26-фонд, 1-рўйхат, 216-иш, 5-варақ.

бор эди. Ўқитувчилар семинариясининг педагогик кенгаши, уларнинг тайёргарлиги пастлигига қарамай, семинариянинг 1-синфида ўқиш учун уларни қабул қилиш тўғрисида илтимоснома юборди³⁶.

Жадидларнинг янги ўқитиш услуби афзалликлари ҳақида шуни таъкидлаш жоизки, анъанавий мактабларда толиблар китобларни куруқ ёд олиш орқали таълим олишиб, мазкур китоблар қай мақсадларда ёзилганлигидан амалда беҳабар бўлганлар. Анъанавий мактаблардаги ўқиш ва ўқитиш услуби замон талабларига жавоб бермас, шогирдлар 4-5 йил ўқиб ҳатто араб тилини ҳам яхши ўзлаштира олмаганлар. Ваҳоланки, таълим бераётган айрим мударрисларнинг ҳам билим савияси ва дунёқараши жуда паст даражада бўлган. Лекин муқаддас китобларда ҳам шундай сўзлар ёзилган: «Илмга амал ва риоя қилувчи бўлинглар, уни фақат ҳикоя қилувчи бўлманглар». Илмнинг амалиётда қўлланилиши ўша даврда жуда паст даражада бўлган. Фикримизнинг далили сифатида А.Хўжаевнинг қуйидаги фикрини келтиришимиз мумкин: «Мадраса деб юритилган адолатхоналаримизда тарбия кўруб, мулла бўлгон афандиларимизда фикр ва идрок шул даражада пастдирки, бу афандилар ила миллий ва ижтимоий мавзулардан сўз гапирмак ҳозирги вақтда имкон хорижидандир»³⁷. Энг муҳими олдинги ўқитиш усулида таълим ва тарбия уйғун бўлган. Улар бири-биридан ҳеч қачон ажратилмаган. Жадидлар томонидан очилган мактаб дарсликларида ҳам бу эътибордан четда қолмаган. Усули жадид мактаблари замон талабларига жавоб бериб, унда диний ва дунёвий билимларни қўшиб ўқитилиши, олдинга қўйилган юксак мақсадларни амалга оширишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Модомики, илм олиш ҳар бир инсон учун диний ва дунёвий мажбуриятларига кирар экан, аёллар ҳам илм ўрганишлари шартдир. Менинг бу далилим шундай қатъий ва мантиқан тўғрики, ақл ва инсоф арбоблари ҳеч қачон унга қарши чиқиш учун жасорат қилолмайдилар. Хотин-қизлар илм

³⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 698-иш, 23-варақ.

³⁷ Хўжаев А. Муллаларимизда даражаи фикрия // Садои Туркистон. 1914, 55-сон.

олишларининг яхши томонларини ҳам ёзиб сизларга кўрсатайин. Биринчидан, эркак аҳли аёлини боқиш учун ҳар куни эртадан кечгача хизматга боради. Таниган-танимаганлар билан мулоқот қилади, кун давомида бир неча марта ғамга ботади. У уйига қайтганда уйининг сарамжонлиги, болаларнинг тинчлигини, озиқ-овқати тежовлигини, овқати мухайё бўлишини орзу қилади. Хотини очик кўнгил билан уни кутиб олиб, одамлар муомаласи, ишхонасининг ранжу кулфатидан орттирган қайғу-аламини кўнглидан кўтаришини кутади. Зотан, юқорида айтганидек, аёлнинг вазифаларидан бири шудир. Илмли ва тарбия кўрган аёллар бу ишларни ортиғи билан бажариб, эрларини мамнун қиладилар. Аммо тарбия кўрмаган, билимсиз аёлларга уйланган эркаклар бундай илоҳий неъматдан ажралиб қоладилар³⁸.

Бухорода 1912-йилда бир неча ой давомида «Бухоройи Шариф» (153 сони нашр этилган) ва «Турон» газеталари (49 та сони) чиққан³⁹. Газеталар амир тузумига нисбатан жуда мўътадил, либерал позицияни эгаллашди, аммо уларнинг тобора оммалашиб бораётгани амирни ҳам, Бухородаги рус сиёсий агентлигини ҳам ташвишга солиб қўйди ва улар ҳар қандай йўл билан газеталарнинг тарқалишига тўсқинлик қилдилар, бу газетадаги мақолаларни ўқишни тақиқладилар. Тез орада бу газеталар умуман ёпилди. Шунини таъкидлаш керакки, уларда С.Айнийнинг баъзи шеърлари бўлган. С.Айний шеърларини «Ойна» журналида ҳам нашр этган⁴⁰.

Хуллас, Бухоро амирлиги тугатилиши арафасида маданий ҳаёт, таҳлил қилинаётган ва ўрганилаётган муаммога миллий ва умуминсоний манфаатлар ҳамда кадриятлардан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Ўрганиш жараёнида Бухоро амирлигидаги таълим тизими жиддий ўзгаришларга муҳтож эканлигининг объектив сабаблари кўрсатилди. Лекин масалани яна бир томони бор, Бухоро азалдан маданият, илм ва фан маркази сифатида донг таратган. Мамлакатда истиқомат қилувчи халқларнинг кўпчилигини ўзбеклар

³⁸ Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари // Танланган асарлар. Том 4. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.223-224.

³⁹ Умняков И.И. К истории новметодной школы в Бухаре // Бюллетень Среднеазиатского государственного университета, 1927. №16. – С.93.

⁴⁰ Брагинский И.С. Очерки из истории Теджикской литературы. Сталинабад, 1956. – С.415.

ташқил қилиб, улар 778 000 (50,7 %) кишидан иборат бўлган⁴¹. Бухорода шу даврда таниқли маърифатпарварлар Мирзо Абдулазим Сомий, Абдулвоҳид Бурхонов, Мукамил Бурхонов, Садриддин Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон Хўжа), Отаулла Хўжаев, Аҳмаджон Ҳамдий (Абусаидов), Ҳомидхўжа Меҳрий, Мусо Саиджонов, Мирзо Сирож Ҳакимлар фаолият кўрсатишган. Бухоро тараққийпарварларининг ташкилот фаолиятида Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуров катта роль ўйнашган.

Ушбу даврда ўқув жараёнлари, дарсликлар замон талабларига жавоб бермаган, дунёвий билимларга эътибор қаратилмаган. Мактабларда ўқитиш ишларини ўқувчилар учун тушунарли тилда олиб боришни таъминлаш лозим эди. Энг ачинарлиси ўқитиш ишлари халқнинг ўз тилида олиб борилмаган. Бу эса таълим самарасига жиддий таъсирини ўтказган. Аввало, мактабда ўқиш ишларини ўқувчилар учун тушунарли тилда олиб боришни таъминлаш зарур эди. Шундагина жаҳидлар кўзлаган мақсадга етишлари мумкин бўлган.

1.2 БХСРда миллий маданият учун кураш ва дастлабки амалий натижалар

Бухоро ўзининг қарийб 3000 йиллик тарихи давомида тараққиётнинг турли босқичларини бошдан кечирди. Кўп асрлар мобайнида турли сулола ва давлатларнинг пойтахти, маданият, илм ва фан маркази сифатида донг таратди⁴². Бу ҳолат Бухоро амирлиги даврида ҳам давом этди.

Бухоро амирлиги мавжуд бўлган даврда маҳаллий аҳоли туркий ва форсий тилда сўзлашар эди. Бухорода истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг миллий таркиби уч гуруҳга бўлинади: 1) туркий халқлар – 978.000 киши атрофида (63,9 фоиз), ўзбеклар, туркманлар, қирғизлар (охирги иккитаси камсонли ҳисобланган), 2) эронийлар – тожиклар ва унча катта бўлмаган форслар ҳамда афғонлар бўлиб, булар 484.000 атрофида (31,6 фоиз); 3)

⁴¹ Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқарув структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917-1933 й.). – Тошкент: Наврўз, 2020. – Б.49-53.

⁴² Рашидов У., Рашидов Ў. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий-иқтисодий жараёнлар. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2011. – Б.5.

семитлар – араблар ва Бухоро яхудийлари ҳисобланиб, улар 54. 000 (3,5 фоиз)ни ташкил этган. Шу билан биргаликда республиканинг бир неча шаҳарларида рус фуқаролигидаги аҳоли (12.000 киши ёки 0,8 фоиз) ҳам истиқомат қилган. Уларнинг аксарияти темирйўл бекатлари атрофида жойлашган эди. Умумий таркибдаги қолган халқлари 3000 киши (0,2 фоиз) бўлиб, унинг ярмини арманлар ташкил этган⁴³.

Қизил армиянинг босқини натижасида, Бухорога 1920- йил 2- сентябрда, амирлик тузуми ағдалириб ташланди. 1920- йил 6-8- октябрда амирнинг ёзги саройи – Ситораи Моҳи Хосада чақирилган Бутунбухоро халқ вакиллариининг I қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги эълон қилинди. Файзулла Хўжаев янги ҳукумат – БХСР Нозирлар Шўросининг раиси, Абдулқодир Мухитдинов Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси раиси бўлди⁴⁴. 1921- йил 18-23- сентябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакиллариининг II қурултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Марказий Ревком ўрнига қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган – Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси (раиси Усмон Хўжа; Усмонхўжа Пўлатхўжаев) ташкил қилинди. 1922- йил августда бўлган ИИИ қурултойида бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллади. 1923- йил 11-17- октябрда Бутунбухоро халқ вакиллариининг IV қурултойида Конституцияга турли ўзгартиришлар киритилди⁴⁵. Бухорода янги ҳукумат асосий эътиборни амирлик тузумини тугатишга қаратди.

1920- йил 27- октябрда БХСР Халқ таълими нозирлигида мактабдан ташқари бўлимнинг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Мактабдан ташқари бўлим ичида 4 та шуъба ташкил этилди: “Илмий, мусиқий ва театрлаштирилган, тарихий-музей ва кутубхона ва клуб-ўқиш зали⁴⁶”. Таълим муассасалари сони ва иш ҳажми ошгани сайин, халқ таълими ишларини

⁴³ Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқарув структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917 – 1933 й.). – Тошкент: Наврўз, 2020. – Б.49-53.

⁴⁴ Қаранг: Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 й.). – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.13-14.

⁴⁵ Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: «Тафаккур», 2016. – Б.140.

⁴⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 24-25-варақлар.

ташқил этиш ва бошқариш, маҳаллий миллатларга мансуб бўлмаган кадрларни курсларга тайёрлаш ҳамда РСФСР ва Туркистон АССРдан тажрибали ишчилар келиши, таркибида маълум тажрибага эга бўлиш. Нозирлик муассасаларида таълим сифати яхшиланди. Шу муносабат билан, унга бўйсунадиган муассасаларни бошқариш ва республикада халқ таълимини ривожлантириш мақсадида марказий аппаратнинг фаолияти яхшиланди. 1921-йил 12-ноябрда Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг бюроси БХСР Маориф Назоратининг маъмурий аппарати тузилиши тўғрисида фармон ишлаб чиқди, унга мувофиқ 6 та бўлим ташқил этилди: 1) Бизнесни бошқариш, 2) Илмий кенгаш, 3) Мактаб бўлими, 4) Мактабдан ташқари бўлим, 5) Давлат нашриёти 6) Молия-иқтисодий бўлими⁴⁷.

1922-йил 13-майда Бухоро ёшларининг 2-қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда ёшлар ўз дастурини қабул қилди. Маданий-маърифий тадбирларни ташқил этишда, айниқса қишлоқ жойларида, ёшларга сиёсий таълим беришда, уларни инқилоб ишига садоқат руҳида тарбиялашда республика давлат органларига ёрдам бериш каби ёшлар олдида жанговар вазифалар юкланди. Маданий қурилишнинг ривожланиши инқилобий ҳаракатнинг тугатилиши ва БХСР миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини тиклашга ўтиши билан чамбарчас боғлиқ эди. Урушга мажбуран жалб қилинган деҳқонларга амнистия эълон қилиш ва амалга ошириш, БКП Марказий Қўмитасининг икки комиссиясидан: бирини Шарқий Бухоро ва иккинчисини Ғарбий Бухорога юбориб, «бандит» тўдаларидан халос бўлган вилоятларда совет органларини кучайтириш, бир қатор иқтисодий тадбирларни амалга ошириш; деҳқон хўжалигини тиклаш учун кредитлар бериш, деҳқонларни экин экиш учун уруғ билан таъминлаш, вақфларга қарши туриш ва Қози судларини қонунийлаштиришга қаратилган сиёсий ислохотларни амалга ошириш, буларнинг барчаси анча натижалар берди⁴⁸.

⁴⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 86-иш, 72-варак.

⁴⁸ Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С.3.

Демак, Бухоро иқтисодиётида вақф мулклари катта роль ўйнаган. Бухорода вақф мулкларини тартибга солиш билан боғлиқ мураккабликлар бу ўйналишларда алоҳида лойиҳа ишлаб чиқишни тақозо қилган. Ушбу лойиҳа БХСР Маориф халқ нозири Фитрат томонидан 1922- йил ёзида ишлаб чиқилган бўлиб, у 19 моддадан иборат бўлган.

«Вақф ишлари ҳақида»ги лойиҳада вақф мулклари ўтмишда Бухоро халқининг юксалишига сабаб бўлган омил эканлиги, ёш республика томонидан вақфни аҳамиятсиз қолдирмоқ ўзбек халқи манфаати ва руҳиятига мос келмаслиги баён қилинган. Вақф мулкларини (ер, дўкон, сарой, бозор, ҳовли ва ҳ.к.) ҳукумат солиғидан озод этиб, фақат ундан ушр солиғини олиш, Марказий Вақф мудириятини Маориф нозирлиги ичида қайта тузиш, вақф идорасини 5 та шуъба (диния, илмий, ижара, молия, хўжалик шуъбалари)га бўлиш, асосий вақфларни 6 қисм (масжид ва масжид ишлари, мактаб ва кутубхона, маҳкама, ошхона, авлодий, Макка ва Мадина вақфлари қисмлари) га тақсимлаш, мутаваллилар фаолиятини назорат қилиб туриш, вақф мудириятининг хазинасини вужудга келтириш (олтин оқча ҳисобида) кабиларни ўзида мужассамлаштирган.

Фитрат вақф даромадлари ҳисобидан масжид ва мадрасалар, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, мактаб, таълим-тарбия курслари ташкил этиш, дорилмуаллимин, кутубхона, музей, касалхона, етимхона, хонақолар очиш, газета ва журналлар чоп этишни лойиҳа моддаларида батафсил баён қилган⁴⁹.

Одамларнинг маданий тоифа эканликлари, яъни табиат ҳукми ила бир қабила ёки бир қавм сувратида жам бўлиб бир-бирларига ёрдам бериб яшашлари маълум. Кимки ана шу табиат қонунининг доирасидан чиқса, тарихчи олимларнинг фикрига қараганда, одамлар халқ бўлишларидан олдин жамоа бўлиб яшаш зарур эканлигини билмаганлар. Бинобарин, ваҳший ҳайвонларга ўхшаб ёлғиз, якка-якка бўлиб яшаганлар. Шу боис улар табиий мушкулотлар остида азоб чекиб, ҳайвонлар ҳужумларидан ҳалок бўлганлар.

⁴⁹ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррир Қ.Қ.Ражабов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2019. – Б.160-163.

Вақт ўтиши билан одамлар жамоа бўлиб яшаш лозимлигини тушундилар. Уларнинг биринчи жамоалари «оила», яъни «аҳли байт» бўлган. Аҳли байт жамоалари аста-секин ривожланиб, қавм ва қабила жамоасига айланган.

Демак, оиланинг шаклланиши, яъни аҳли байт жамоаси, бошқача айтганда, оила бошқаришга асос солиш бани Одам маданиятининг асоси экан. Маълумки, одамлар қаерда қавм ёки қабила бўлиб яшасалар, тинчликларини сақлаш ва бир-бирларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун бир низом (тартиб) ҳамда қонун жорий этиб, шу қонунлар асосида бахт ва саодатга эришганлар. Акс ҳолда ўрталарида тартибсизлик рўй берган заҳоти низому қоида бўлмаса, дарҳол нобуд бўлардилар ёки эътиборсизликка маҳкум бўладилар. Аслида бу табиий ва зарурий ҳодисалар, чунки одам табиатида манфаатпараслик ва ғаразгўйлик ҳам бор. Бир нечта одам жам бўлиб қолса, ҳар бири ўз мафаатларига асир бўлиб, бошқаларнинг ҳуқуқига тажовуз қилиб, уни поймол қилмоқчи бўлади. Бунинг натижасида нотинчлик ва интизомсизлик ўлим (йўқотиш) фожиаси билан ниҳояланар, интизом ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади. Агарда бир мамлакатнинг аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларини заифлаштириб юуборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади⁵⁰.

Бухоронинг маданий қолоқлиги маҳаллий ва марказда, шу жумладан, халқ таълими тизимининг ривожланиши ва ташкил этилишига салбий таъсир кўрсатган. Бу соҳада Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати бир қатор қийинчиликларга дуч келган Бухоро амирлигида, аввало, эскирган мусулмон руҳонийлари улкан таъсирга эга эдилар, маҳаллий зиёлилар, деярли йўқ эди, шунинг учун янги таълим ва тарбия тизими талабларига жавоб берадиган ўқитувчиларни тезкор тайёрлаш халқ республикасининг биринчи даражали вазифасига айланди.

⁵⁰ Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари // Танланган асарлар. Том 4. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.214-215.

Иккинчидан, БХСР раҳбарияти мактаб ишларини ташкил этиш ва аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб боришда зарур тажрибага эга эмас эдилар ва конфессиявий мактабларнинг тажрибаси янги типдаги мактаблар учун умуман яроқсиз эди, бундан ташқари эски усул мактаблар халқ таълими ривожланишига тўсқинлик қилди. Янги тузумга мос янги усул ва услубларни топиш, таълим ва тарбия беришнинг бошқа тизимини яратиш зарур эди.

Учинчидан, янги очилган янги типдаги мактаблари учун бинолар, жиҳозлар ва инвентарлар етишмаслиги кузатилди. Маҳаллий тилда дарсликлар, ўқув қўлланмалари йўқ эди. Шу билан бирга, аввалги Бухоро мусулмон динининг маркази бўлганлигини унутмаслик керак. Ва ниҳоят, ёш Бухоро Республикасида ҳарбий ҳаракатлар, хорижий ҳарбий аралашув ва мамлакатда олиб борилган қаттиқ синфий кураш туфайли юзага келган ташқи ва ички вазият нормал мактаб қурилишига тўсқинлик қилди⁵¹.

Халқ таълими ривожига раҳбарлик қилиш учун 1920- йил 8- сентябрда миллий таълим муассасаси ва унинг маҳаллий бўлимлари ташкил этилди. БХСР таълим нозирлигининг дастлабки аппарати 1) мактаб бўлими 2) мактабдан ташқари бўлим 3) молия ва менежмент бўлиmidан иборат эди⁵².

1920- йил 25- октябрда БХСР маориф нозирлиги ҳузурида мактаб бўлимининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Мактаб бўлимида 4 бўлим (шуъба) ташкил қилинди: мактаб, бухгалтерия, илмий, ўқув. Бўлимлар қуйидаги вазифаларни бажарган:

1. “Мактаб учун дастур тузиш (янги совет мактаби).
2. Керакли ўқув қўлланмаларни тўплаш ва тарқатиш.
3. Мактаблар ва курслар учун ўқув қўлланмаларни таржима қилиш ва нашр этиш.
4. Мактаб ёшидаги болалар ва мактабда ўқишни истаганлар учун бухгалтерия ҳисобини жорий этиш.

⁵¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 43-варак.

⁵² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 7-варак.

5. Илмий иш билан шуғулланадиган одамларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг билимларини текшириш.

6. Мактабгача таълим тизимини ташкил этиш”⁵³.

Нозирлик Вақф маъмуриятини ҳам бошқарган, аммо фақат умумий раҳбарлик маъносида”. Маориф нозирлигига Кенгаш сессияси томонидан сайланадиган Нозир (комиссар) бошчилик қилди, Нозир бошчилигидаги баҳолаш Нозирати ҳузуридаги коллегия аъзолари, бўлим бошлиқлари ва миллий озчилик вакиллари эди. Педагогика коллежи ва муסיқа мактаблари каби махсус таълим муассасалари бевосита мактаб бўлимига бўйсунган. Юқоридаги бўлимлардан фақатгина Илмий Кенгаш мустақил бўлинма бўлиб, ўз ишини бевосита Нозират билан биргаликда олиб борди, Нозирликнинг бошқа барча бўлимлари сингари, «улар фақат барча соҳаларда ишлаб чиқариш ёзувлари ва маълумотларини юритадилар, аммо Нозиратнинг барча бўлимларда иш юритишлари бир жойга тўпланган ишларни бошқаришда, маъмурият орқали улар Нозирга рухсат олиш учун юборилади»⁵⁴.

Замонавий мактабларнинг кучайиши ва кенгайиши унинг моддий базасини яхшилаш ва ўқитувчининг маданий даражаси ва билимини ошириш асосида амалга оширилиши мумкин эди, шунда бундай мактаблар аҳоли орасида обрў-эътибор қозониши ва тажрибасида барча афзалликлар ва мақсадга мувофиқлигини исботлаши мумкин эди. Ёш Бухоро Республикаси келгуси ойларнинг мактаб қурилиши соҳасида бошидан кечирган иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларга қарамай, ҳукумат раҳбарлигида белгиланган ва муваффақиятли амалга оширилган.

Бухоро Халқ Совет Республикасида замонавий мактаб қурилишига маориф нозирлиги раҳбарлик қилиб, қишлоқларда, туманларда ва уйларда маориф ишларига катта эътибор берди. Дастлаб, аввалги таълим усулларини тубдан ўзгартиришга маҳаллий аҳолининг кучли таъсири ва тайёр эмаслигини ҳисобга олиб, республика намунали совет бошланғич мактабларини яратиш ва

⁵³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 50-варақ.

⁵⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 9-варақ.

болаларни тарбиялашнинг илғор усуллари тарғиб қилиш билан чекланиб қолди. Буларга «Намуна», «Юрт», «Октябрь», «Нажот» ва «Саодат» мактаби (тожик тилидаги биринчи босқич) киради. Мактаб биноси йўқлигини ҳисобга олиб, 1920- йил октябрь ойида Ҳожиқулбекнинг ҳовлисида мактаб ташкил этилди. «Авлоди Шухадо» мактабига алоҳида эътибор берилди, унга фақат оталари амир томонидан қатл қилинган болалар жалб қилинган. Ушбу мактаб биринчи навбатда барча зарур нарсалар билан таъминланди.

Ушбу мактаблар билан бир қаторда яҳудий мактаблари (Бухоро), 1- даражали «Рушнои» («Нур»), «Наво», В.И. Луначарский ва Р. Люксембург мактаблари⁵⁵ ҳам худди шундай имтиёзларга эга бўлди.

Бухорода янги тузум ўрнатилгандан кейин дастлабки кунлариданоқ Хусейнов (кейинчалик Ўзбекистон ССР ўқитувчиси), Х. Ёқубов (кейинчалик ЎзССР ўқитувчиси); Бухоро вилояти ОНО ўқитувчиларни такомиллаштириш институти директори), Нажметдин Насретдинов (кейинчалик Ўзбекистон ССР ўқитувчиси, мусиқа мактаби ўқитувчиси), Карим Вахабов (кейинчалик Бухоро вилоят ижроия қўмитасининг қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи), Хадия Юсупова (кейинчалик Самарқанд шаҳридаги ўрта мактаб директори), Обида Саидахмедова, Ҳанифа Танташева ва бошқалар таълим тизимида фаоллик кўрсатдилар. Республикада муваффақиятли маданий қурилиш олиб боришда фаол ҳисса қўшган маҳаллий зиёлиларнинг энг таниқли вакиллари Абдурауф Фитрат, Аббос Алиев, Қори Йўлдош Пўлатов, А. Сулаймоний (Пайров), М. Рахимий ва бошқалар ҳукумат таълим соҳасидаги ҳар қандай йўл билан, мактаб қурилишини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилган ҳукумат томонидан Бухоро аҳолисининг илғор қисмига мафкуравий иш ва ёрдамнинг энг муҳим йўналиши сифатида кўрилган чора-тадбирлар натижасида мактаблар сони барқарор ўсди. 1921- йил январь – февраль ойларида Карки ва Чоржўйда 15 та мактаб, Фороб туманида (марказда) – 36 та ўқувчига эга битта мактаб очилди⁵⁶. 1921- йил 6- июнда Халқ таълими назорати томонидан

⁵⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 4-5-варақлар.

⁵⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 19-варақ.

Шарқий Бухоро ва Душанба шаҳарларида биринчи мактаб очилди ва йил ўрталарига келиб Бухоро Республикасининг турли жойларида 73 мактаб очилди, шу жумладан: «Бухорода — 10, Нуротада — 2, Хатирчида — 5, Гиждувонда — 3, Вобкентда — 2, Термизда — 3, Қорақўлда — 2, Карманада — 7, Ғузорда — 5, Қаршида — 10, Каркида — 4, Чоржўйда — 11, Шаҳрисабзда — 5, Шофирконда — 4»⁵⁷.

Барча минтақаларда бир вақтнинг ўзида мактаб ва мактабгача ёшдаги болалар ва саводсиз катталар рўйхатга олинган⁵⁸.

1921-йилга келиб. БХСРда “аллақачон 175 та мактаб бор эди ва уларда ўқувчилар сони (курслар билан биргаликда) 10 986 кишини ташкил этди⁵⁹”. Шу жумладан: Бухоро вилоятида — 34 та мактаб (10 та туманда ва 20 таси Бухоро шаҳрида), улардан 5 нафари яхудий, 7 нафари форс, қолганлари ўзбек ва рус тилида таълим берган мактаблар бўлган⁶⁰. Ушбу мактабларда 1000 дан ортиқ ўқувчи таҳсил олди; Шунингдек, 2 та болалар уйлари ва интернатлар очилди⁶¹. Шаҳрисабз вилоятида 500 ўқувчи бўлган⁶². Янги-Чоржўй маориф бўлими юрисдикциясида қуйидагилар мавжуд эди: 2-босқич мактаби, биринчи босқичнинг учта мактаби (иккита рус ва битта мусулмон), уларда 630 бола ўқиди⁶³. Вайронагарчилик ва очлик муносабати билан ўқувчиларнинг соғлиғини сақлашга алоҳида эътибор берилди. Ҳамма жойда мактаб ўқувчилари нонушта қилишди. Мактабларни жиҳозлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш яхшиланди⁶⁴.

Янги очилган мактаблар икки босқичдан иборат эди: биринчи босқич бошланғич мактаб бўлиб, у ерда 4 йил давомида таҳсиллар олиб борилди. Бухоро Республикаси ҳудудида очилган мактабларнинг аксарияти биринчи босқичга тегишли эди.

⁵⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 28-варақ.

⁵⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 75-иш, 50-варақ.

⁵⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 34-варақ.

⁶⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 23-варақ.

⁶¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 28,29,30-варақлар.

⁶² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 137-варақ.

⁶³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 60-варақ.

⁶⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 123-варақ.

Иккинчи босқич эса бу 5 йил давом этган ўрта мактаб. Барча мактабларда ишчиларга таълим олиш учун кенг имконият яратиш учун барча ўқув тўловлари бекор қилинди. Натижада Бухоро Республикасида «аҳолиларнинг фарзандларига зарур билимларни олишга тўлиқ имконият яратиб берадиган ягона умумий таълим – совет меҳнат мактаби тизими яратилди»⁶⁵.

БХСР мактабларида ўқитиш ўзбек, туркман, тожик, яхудий, форс, рус ва бошқа тилларда олиб борилган ва ҳоказо. БХСР Конституцияси ҳар бир миллат ўз тилида ўқитадиган мактабларни очиш ҳуқуқига эга эканлигини тан олди⁶⁶. Дастлаб БХСР да мактаб қурилиши катта қийинчиликларга дуч келди. Гарчи бу ўсишнинг муқаррар қийинчиликлари эди. Ушбу қийинчиликларни енгиб ўтиш, синфий душманларнинг қаршилигини ва ўқитувчиларнинг масъулиятли қисмини чиниқтириш учун ҳукумат раҳбарлиги остида БХСР ишчилари, ўқитувчиларнинг илғор қисми ва бошқа ўқитувчилар учун катта саъй-ҳаракатлар зарур эди. Мактабларда динни ўқитишни сақлаб қолиш, Бухоро Республикасида замонавий мактаблари тизимини ва қурилишини тартибга солиш, ўқитувчиларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ва малакасини ошириш, мактабни мустаҳкам моддий-техникасини йўлга қўйиш ҳаракатларини амалга оширди⁶⁷.

Архив материалларидан кўриниб турибдики, Шарқий Бухорода қизил армияга қарши кураш даврида мактаб ишлари яхши ташкил қилинмаган. Унинг фаолияти асосан пойтахт, вилоят ва бошқа бир қатор Термиз, Чоржўй, Карки, Кармана, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларини қамраб олган⁶⁸. БХСР Халқ Маориф нозирлиги 16 та халқ таълими ходимларини Шарқий Бухорога жўнатиш ва иложи борица кўпроқ ўқув қўлланмалари юборишни буюрдилар, улар жуда муҳтож эдилар⁶⁹. Маҳаллий халқ таълими бўлимларининг кўплаб йиғилишлари ва ҳаттоки Маориф халқ нозирлигининг мажлислари ҳам

⁶⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 96-97- варақлар.

⁶⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 242-варақ.

⁶⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 49-варақ.

⁶⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 43,45,54,74,75-варақлар.

⁶⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 113-варақ.

уюшмаган ҳолда ўтказилди. Баъзан улар тасодифий масалаларни муҳокама қилишди ва принципиал бўлмаган қарорларни қабул қилишди.

Баъзи инқилобий қўмиталар, маҳаллий кенгашлар ва партия ташкилотлари халқ таълими бўлимига ёрдам бермадилар. Мактабдаги сезиларли узилишлар мактаб қурилишига ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишини кечиктирди. Масалан, Шеробод вилоятида дарсликлар ва ўқув материаллари етишмаслиги маълум бўлган. Уларни сотиб олиш учун 10 миллион рубль юборилган, аммо Советларнинг маҳаллий ижроия қўмиталари ушбу маблағларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатган. Бундай ҳолатлар кўп бўлган⁷⁰. Ўша пайтда ёш халқ таълими органлари кўплаб кескин сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий масалаларни ҳал қилишлари керак эди.

БХСРда замонавий халқ таълимини ташкил қилиш ва мактабларни очиш катта қийинчиликлар туғдирган. Баъзи ҳолларда бундай мактабларни қўллаб-қувватлаш бўйича аҳоли ўртасида ташвиқот ишлари қўпол мажбурлаш билан алмаштирилди, бу эса мактабларнинг обрўсига путур етказди. Масалан, 1921 йил 3 декабрда Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси «Инқилобнинг биринчи даврида мактабларга кирган барча ўқувчилардан милиция орқали дарҳол ўқишни бошлашларини талаб қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди⁷¹.

Шунингдек, етарли даражада умумий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчиларнинг етишмаслиги туфайли баъзи қишлоқ жойларида мактаб иши қийин аҳволда эди. Ўқув ва услубий билим ва тажриба етарли эмас эди. Ваҳоланки, БХСР мактабларида ўқитувчилар таркибини текширгандан сўнг, энг танланган (мутахассис) одамлар қолган, аммо шунга қарамай, кўплаб ўқитувчилар ҳали ҳам умумий сиёсий ва педагогик тайёргарликка муҳтож эдилар.

Масалан, Ѓиждувон туман ижроия қўмитасидаги аҳволни қуйидаги архив ҳужжати аниқ кўрсатиб беради: «Ѓиждувон туманида фақат битта мактаб бор,

⁷⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 219-варак.

⁷¹ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 27-варак.

у жуда кам ўқувчини қамраб олади, чунки у ерда фақат битта ўқитувчи ишлайди, ҳатто у бошланғич мактабни ҳам тугатмаган»⁷².

Янги ташкил қилинган мактабларнинг нормал ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уни зарур бинолар, жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва бошқалар билан таъминлаш учун Бухоро Халқ Нозирлари Шўроси мураккаб ва қийин вазиятда катта ишларни амалга оширди. Хужжатларда кўрсатилганидек, таълим масканлари «дарс ўтишга мослашмаган, керакли маблағ, ускуналар ва дарсликларни олмаган бинолар ичида тўпланиб қолган мактаблар бор эди.»⁷³

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, БХСРда бу йиллардаги мактаблар тармоғи ниҳоятда тарқоқ эди, бу эса Маориф халқ нозирлигидан мактабларга кўрсатма ва услубий ёрдам кўрсатишни қийинлаштирди ва мактабга қабул қилинган болалар сонига салбий таъсир кўрсатди, айниқса қишлоқ жойларида⁷⁴.

Янги ташкил қилинаётган мактаблар тармоғини сезиларли даражада кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш зарур эди ва бу муаммоларни эски конфессия мактабига қарши курашда ҳал қилиш керак эди. Шундай қилиб, Бухородаги мактаблар бутун моддий базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, ўқитиш услубларини такомиллаштириш ва маҳаллий халқ таълими марказий органлари томонидан жойларда мактаб ишларига раҳбарликни кучайтириш зарур эди. Аммо, барча камчиликларга қарамай, 1920 – 1922- йилларда мактаблар тармоғининг жадал ўсиши кузатилади, бу омманинг билим ва маданиятга ўз-ўзидан интилишини кўрсатади. Икки йил давомида Бухоро Халқ Совет Республикасида мактаб қурилиши соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди. Дарҳақиқат, моҳиятан бу миқдорий ўсиш бўлиб, у ҳар доим ҳам мактаб қурилишининг ҳақиқий ҳолатини акс эттира олмас эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида мактаблар тармоғининг дастлабки ўз-ўзидан кўпайиши халқ маориф нозирлиги томонидан

⁷² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 36-варак.

⁷³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 29-варак.

⁷⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 113- варак.

мактабларни режали асосда тўғри бошқаришни таъминлай олганлиги туфайли содир бўлди. Бироқ улар янги очилган мактаблар сони ва улардаги ўқувчилар миқдори тўғрисида доим ҳам аниқ тасаввурга эга эмас эдилар. Кўп туманларда мактаб ишлари марказий таълим идораларининг кўрсатмаларисиз амалга оширилди. Бунда кўпинча хунармандчилик ускуналари ва моддий ресурсларнинг ортиқча сарф-харажатларига йўл қўйилган⁷⁵.

Шундай қилиб айтганда, БХСРда таълим тизимидаги ислохотлар анъанавий мактабларни янгилаш эмас, балки замонавий совет мактабларини ташкил этиш орқали амалга оширилган. Бу мактабларнинг очилиши муҳим янгилик бўлиб, замонавий таълим тизимидаги дастлабки қадамлар эди. Замонавий асосда ташкил қилинган янги мактаблар фаолияти туфайли бу борадаги ислохотлар зарурияти янада чуқур англаб етилди.

Бухорода амирлик тузумининг ағдарилиши натижасида Ёш бухоролик жадидлар ҳокимият тепасига келишди. Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, маданият ва маориф ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Большевиклар томонидан Бухорода сиёсий ва маданий ҳаётда амалга оширилаётган турли ислохотларни коммунистик мафкура асосида олиб бориш талаб қилинса ҳам, БХСР раҳбарлари бу соҳада ўз сиёсатини амалга оширишга интилди. Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳитдинов, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов ва бошқалар бу соҳада изчил ва собитқадам позицияда турдилар.

БХСР Маориф халқ нозирлиги (нозирликни навбати билан Қори Йўлдош Пўлатов, Мусожон Саиджонов, Фитрат, Абдурахим Юсуфзода ва бошқалар бошқарганлар) Бухорода маориф соҳасини йўлга қўйиш, замонавий усулда мактаблар ва бошқа ўқув юртларини ташкил қилиш, театр ва кутубхоналар очиш, музейлар қурилиши, дастлабки олий ўқув юртларини барпо этиш учун жиддий ҳаракат қилганлар.

⁷⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 45,56,57,64-варақлар.

2-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕАТР, КИНЕМАТОГРАФИЯ, АДАБИЁТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИНИНГ РИВОЖИ ВА КОММУНИСТИК МАФКУРА ТАЪСИРИ

2.1. Миллий театр ва кино санъатининг шаклланиши ҳамда ўзгаришлар

XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари Шарқ дунёсида миллий маданият ва санъат ривожига муҳим босқич бўлди. Жумладан, Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРда замонавий миллий ўзбек санъатини шакллантириш, уни ибрат ва ахлоқ тарбияси воситасига айлантириш, халқнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш каби йўналишларда амалий қадамлар қўйилганди. Файзулла Хўжаев раҳбарлигида БХСР ҳукумати⁷⁶ маданиятнинг оммавий соҳаларидан бири бўлган театр санъати ривожига алоҳида эътибор қаратди. БХСР Халқ маорифи нозирлиги қошида «Сиёсий онг ва билим тарқатиш шўбаси» номи мафкура бўлими тузилиб, мазкур бўлим зиммасига аввало, БХСР вилоятларида «театр труппалари ташкил этиш ва театр бинолари қуриш» масъулияти юкланди⁷⁷.

1920- йил ноябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф халқ нозирлиги ҳузуридаги Ревкомнинг қарорига мувофиқ театр ва санъат бўлими (секция) очилди⁷⁸. Дастлаб бу бўлим битта мустақил гуруҳни (тахминан 25 кишидан иборат) ташкил қилиб, бу гуруҳ Эски Бухоро ва унинг атрофида бир нечта муваффақиятли концертларни кўрсатди. Кейинроқ эса, айрим вилоятларда мустақил гуруҳлар ҳам ташкил қилиниб, 1921 йилнинг ўртасида театрлар очилиб, бир нечта пьесалар ва концертлар халққа намоиш қилинди⁷⁹.

⁷⁶ Қаранг: Ҳайитов У.Я. Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда тутган ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Бухоро, 2022. – Б.16-17.

⁷⁷ Ҳайитов Ш.А Бадриддинов С. Рахмонов К.Ж. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. – Б.75-80.

⁷⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 20-варақ.

⁷⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 20-21-варақлар.

1921- йил март ойининг охирида Бухорога Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий келиб, Бухоро Республикасида маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Кўпинча у ёш Бухоро театр жамоасига катта ёрдам берди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бир неча марта Бухоро театр гуруҳининг концертларида иштирок этди⁸⁰. Қори Йўлдош Пўлатов ва халқ артистлари М.Тошпўлатов, Н.Насриддинов ва И.Бобожоновлар ўзларининг хотираларида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Бухорода катта тарғибот ишларини олиб борганлиги, турли хил кеча ва концертларни ташкил қилганлигини ёзиб қолдирганлар.

М.Тошпўлатов, ва Н.Насриддиновларнинг айтишича, Ҳамза ўзининг пьесаси бўлган «Ҳалима»га ёзилган мусиқани Бухородаги ёш санъаткорларга ижро этишни ўргатган. Ҳамза Бухорога жуда ҳам қисқа муддатга келган, лекин Бухоро Республикасида янги маданиятнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Ўша даврда республика театрлари ўзининг биносига эга бўлмаган ва ўзларига керакли бўлган турли ташкилотларнинг биноларини ижарада фойдаланиш учун олганлар. 1921- йил 10- августда маориф нозирлиги драматик-мусиқали театрга «Халқ уйи»ни мулк анжомлари билан бирга берган. БХСР маориф нозирлиги ўзининг манфаатидан келиб чиққан ҳолда, ҳар ой «Халқ уйи»нинг мулкани нозорат қилиб туриш ҳуқуқини қўлга киритди⁸¹.

Маълумотларга кўра, келажакдаги профессионал-артистлар ўзларининг фаолиятини мустақил халқ жамоаларидан бошлаганлар. Театр соҳасида фаолият олиб боришнинг маркази «Халқ уйи» ҳисобланарди. Ўз фаолиятларининг бошида театр санъати намояндалари пул танқислиги, иш малакасининг йўқлиги ва бой репертуарларнинг бўлмаганлиги сабабли катта қийинчиликка дуч келдилар.

Бухоро Халқ Совет Республикасида театр ишини ривожлантиришда Москва ва Петроград шаҳарларидан гастроль сафари билан келган артистлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшган. Москва ва Петроград театрлари I ишчилар

⁸⁰ Қаранг: Хонқулов Ш.Х. Фарғона водийсидаги ижтимоий-маданий жараёнларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг роли. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Фарғона, 2022. – Б.19.

⁸¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 38-варақ.

жамоасининг артистлари маҳаллий театрларга қимматли маслаҳатлар бериб, театр ишини ташкил қилишда, Бухоро Республикасининг ёш артистларининг малакасини оширишда катта кўмак бердилар. Масалан, ушбу артистлар томонидан Бухорода «Пиковая дама», «Евгений Онегин» ва «Демон» опералари қўйилган⁸².

1922- йил 1- сентябрда Бухорода ёшлар гуруҳи ташкил қилинган эди⁸³. Гуруҳ жамоаси мамлакатда оч қолган шахсларга концертлар даромадидан ёрдам берганлар. Эски Чоржўй ва Карманадаги ишчиларга концерт ва спектакллар қўйиб берилган. Бухоро вилоятининг маҳаллий ёшлари ҳам спектакль қўйиб ундан тушган маблағларни оч қолган одамларга берганлар. Оч қолган шахслар учун йиғилган умумий пул миқдори қариб 2 миллион рублни ташкил қилган.

БХСР ҳукумати театр ташкилотлари олдида муҳим бир вазифани қўйиб, саъяткорларни ўзининг санъати билан республика халқига ҳалол меҳнат қилиш, қурилишда ва бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиш кераклигини тарғиб қилган.

Қисқа бир муддатда Эски Бухоро, Кармана, Когон (Янги Бухоро), Чоржўй, Шаҳрисабз, Карши, Термиз ва бошқа жойларда кўплаб мустақил театр жамоалари ташкил этилиб, улар маҳаллий аҳоли учун концертлар берганлар ва замон талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор песаларни ижро этганлар (ўша даврда кўплаб аёл роллари эркаклар томонидан ижро этилган). Санъат ходимларнинг жамоаси халқ уйида «Кун ва тун», «Хамелеон» ва «Эски қасрда» драмаларини қўйганлар⁸⁴. 1922- йил январда мустақил театр труппаси Карманада концерт берди ва халқ ундан жуда рози бўлди⁸⁵. Аста-секин Бухоро Республикасида театрлар, концерт заллари, театр жамоалари ҳамда мустақил гуруҳлар сони кўпайиб борди⁸⁶.

⁸² «Известия Турк ЦИК», 11 июня 1921 г.

⁸³ «Известия Турк ЦИК» (Тошкент), 11 сентября 1922 г.

⁸⁴ «Известия Бухревком и ЦК БКП», 1 мая 1921 г.

⁸⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 132-варак.

⁸⁶ Қаранг: Жунаев З.Б. Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар (1920 – 1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Бухоро, 2022. – Б.23.

1921- йил охирида БХСР Маориф халқ нозирлиги республикадаги театр ишини қайта ташкиллаштиришга киришди. Бир неча труппалар битта труппага бирлаштирилиб, давлат театрлари шаклланиши бошланишига асос бўлди ва унинг номини «Маориф нозирлиги театри» деб аталди. Театрни бошқариш учун Тошкентдан машҳур ўзбек театри режиссёри М.Уйғур таклиф қилинди⁸⁷.

Маннон Уйғур Бухоро Республикасида театрни ташкил қилишда катта хизмат кўрсатди. У театр жамоалари билан республиканинг турли вилоятларида тез-тез бориб, ёш артистларга сабоқлар берган⁸⁸.

Ушбу театрнинг ташкил қилиниши билан энг иқтидорли халқ вакиллари катта санъатга йўл очилди, уларнинг яхши ўқишлари учун имконият пайдо бўлди. Ёш артистлар катта қизиқиш билан ўзларининг малакаларини ошириш борасида ишлаганлар. 1922- йил июнда Бухоро Республикасида давлат театр труппаси ташкил этилиб, у бир қатор яхши концертларни ижро қилди⁸⁹.

1922 – 1923- йилларда театр томошаларида ҳар ойда 1500 томошабин қатнашган⁹⁰. 1923- йил давлат театр труппасида 16 нафар артист, Бухоро ўқитувчилар институти қошидаги мустақил труппада 10 нафар артистлар, курслар қошидаги труппада 10 киши, рус курслари қошидаги труппада 8 киши «Умид» («Мечта») курслари қошидаги труппада 10 киши ва меҳнат мактаби қошидаги труппада 9 нафар артистлар бўлган⁹¹.

Бу даврда Бухоро Республикаси давлат труппасида намунали ва фаол театр жамоаси шаклланди. Театр санъатига бутунлай янги бўлган кишилар ҳам иштирок этганлар. Бухоролик ёш авлод вакиллари орасидан талантли кишилар тўпланиб, театр труппалари юқоридаги номлари зикр қилинган театрларда сахна асарлари намоёиш қилганлар. Бироқ БХСРда малакали мутахассис ва

⁸⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 210-варақ.

⁸⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 105-варақ.

⁸⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 136-иш, 3-4-варақлар.

⁹⁰ Бухара в государственном хозяйственном плане на 1923 – 1924 г. // Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 24-26-варақлар.

⁹¹ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 182-иш, 398-варақ.

артистлар етарли эмас эди. Шунга қарамай, ҳаваскор Бухоро масхарабозлик санъати намояндалари Яҳё мисгар ва Амонхўжаларнинг ижрочилик маҳорати юқори баҳоланган.

Машҳур ёзувчи Садриддин Айний Яҳё мисгар ҳунарига, айниқса, қойил қолган. «Эсдаликлар»нинг 3-қисмидаги «Латифжон Махдум ва унинг суҳбатдошлари» бобида Яҳёхўжанинг қатор ҳазил мутойибаларини келтираркан, у ўзини жинниликка солиб юрар эди, лекин бу «жиннилиги» фаолроқ ва ҳаракатчанроқ эди⁹².

Бухоро маънавий-маданий ҳаётида санъат ва унинг аҳлига муносабатда икки хил қараш тамойилга айланган эди. Бири — санъатни инсон маънавий камолотидаги аҳамиятини теран англаш ва эътироф этиш тамойили бўлиб, санъатга ва унинг аҳлига муҳаббат ва ҳавас билан қарашдан иборат эди⁹³. Шунга қарамай, ҳаваскор труппалар «Қизил қўшин» (Шерободда), «Қози калон», «Кўҳна Туркистон», «Турсунали Боди»(Қорақўлда), «Жувонбозлик курбони» (Карманада) каби песаларни намойиш қилганлар. Хусусан, Нарзулло Лутфуллаев ва артист Саъди Табибуллаевлар мустақил санъат қатнашчилари бўлиб ҳисобланадилар. 1923- йил май ойининг биринчи ярмида давлат труппаси томонидан 4 та пьеса ижро этилган; булар «Ҳалима», «Гуноҳсиз айбдор», «Босқинчи одам», «Амударё» операларидир⁹⁴.

Масалан, Қорақўлда 1921- йилда «Қози калон» пьесаси намойиш қилинди. Халқ жуда кўп бўлиб, улар орасида театр шаънига жуда кўп муносиб сўзлар сўзланди. Халқ жуда хурсанд бир ҳолда руҳлари кўтарилиб уйларига тарқалдилар⁹⁵. Бундан ташқари Қорақўл вилояти театр саҳнасида намойиш қилинган уч пардали «Кўҳна Туркистон» ва бир пардали «Турсунали Боди» пьесалари аҳолига баланд руҳ ва нафис санъатдан руҳланиш кайфиятини ато этган. Республикада театр биоларини очиш ва труппалар ташкил этиш ишлари ҳукумат раҳбари шахсан Ф.Хўжаевнинг диққат- эътиборида бўлган.

⁹² Қаранг: Садриддин Айний. Эсдаликлар. III қисм // Асарлар. Саккиз томлик. Том 6. – Тошкент: «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти, 1965. – Б.9-31.

⁹³ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. – Бухоро: «Дурдона», 2015. – Б.139-146.

⁹⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 55-варақ.

⁹⁵ «Бухоро ахбори», 1921 йил 27 январь.

1921 йил ёзида Амударё тошқини рўй бериб, бир қатор бинолар орасида Чоржўйдаги «Ли́ра» номли театр биноси ҳам вайрона ҳолатига келган эди. 1922- йил сентябрдан 1923- йил бошларигача ушбу театр биноси янгидан, 800 томошабин сиғадиган қилиб қурилди⁹⁶. Театр биносида яна цирк, расм ва картина намоишларини ўтказиш имкони бўлган⁹⁷. Актёр ва томошабинлар учун буфет (овқатланиш учун ошхона) ҳам бино ичида ташкил қилинган эди. Ушбу санъат иншоотининг 1923- йил 6- февралда очилиш маросимида иштирок этган Ф.Хўжаев нутқ сўзлайди. Театр биноларининг очилиши, театр томошалари намоиши кабилар, концертлар, спорт мусобақалари, ёш болаларни турли-туман томоша ва ўйинлари билан қўшилиб кетган⁹⁸.

Бухорода театр санъатининг ривожига кўп жиҳатдан малакали мутахассислар: режиссёр ва актёрларга, мусиқа ва безаш соҳасидаги етук ходимларга, сифатли пьесалар яратиш ва намоиш қилиш каби омилларга боғлиқ бўлган. Театр фаолиятини йўлга қўйиш учун таниқли мутахассислар таклиф этилди⁹⁹.

БХСР маориф нозирлиги Республикада театрни оммавий санъат даражасига кўтариш учун бир қатор чора-тадбирлар кўрган. Тажрибаси каттароқ бўлган «Рус сайёр театр труппалари» ва Туркистон АССР ходимларининг айрим вакиллари Бухорога таклиф этилди. 1921- йил «Москва рус сайёр труппаси» театр томошалари ва концерт гастролларини ўтказган¹⁰⁰. Улар билан бирга Туркистон АССР кўчма сайёр труппаси ҳам театр намоишларини ўтказган. Актёр ва режиссёрлардан эса айримларини Бухорога ишлаш учун маориф нозирлиги таклиф этилган. 1921- йил 5- апрель Бухородаги театр ва концерт томошасида Туркистоннинг машҳур қизиқчиларидан Юсуф қизиқ ҳам иштирок этиб, мароқли латифалари билан

⁹⁶ «Бухоро ахбори», 1923 йил 22 февраль.

⁹⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 107-иш, 2-варак.

⁹⁸ «Бухоро ахбори», 1923 йил 23 февраль.

⁹⁹ История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924). Сборник документов. – Ташкент: Фан, 1976. – С.432.

¹⁰⁰ Қаранг: Нуридинов Т. Қ. Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташқи алоқалари (1920 – 1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Фарғона, 2021. – Б.15-16.

томошага файз қўшганди¹⁰¹. Архив маълумотларининг гувоҳлик беришича, Бухорода адабий кечалар ҳам ўтказилган. 1922- йил 10- декабрда «Азимжон» сахнасида Шарқ чолғу мактаби томонидан бир адабиёт кечаси уюштирилди.

Ушбу кечада томошабинлар ўзларида кучли ҳиссиётларни сездилар. Иштирокчиларнинг айтишича, «Бу Бухорода биринчи марта уюштирилаётган кечадир» дедилар. Баъзилар эса «Бу бир Шарқ чолғу мактабининг уч, тўрт ойлик кичкина бир имтиҳони» дейдилар. Кечанинг руҳи бўлган улуғ адиб ва шоир Абдурауф Фитрат ушбу адабий кечанинг мақсади тўғрисида ўз фикрини билдирди. Саҳнадаги Шарқ чолғу мактабининг 30 нафар талабаларнинг қўлларида танбур, ғижжак, рубоб, най бор эди. Бу чолғу асбоблари ичида энг соз ва яхши чалингани ўғиз чолғу асбоби бўлди. У ҳақиқий дардни ифодалаб берди. Мусиқа ижросидан сўнг Шарқ чолғу мактаби талабалари томонидан уч бора энг оғир мақом қўшиқлари (Шошмақом) ижро этилди¹⁰².

Адабий кеча кўнгилдагидай бўлиб ўтди. Бундай кечалар, албатта, бундан кейин ҳам ўтказилмоғи лозим. Кейинги кеча тадбирларни ташкил этишда асосан уч нарсага аҳамият бериши керак: 1) Куйлар ва қўшиқлар қисқа бўлсин; 2) Саҳна ва заллар чироқ нури билан ёритилган бўлсин; 3) Жойлар рақамланган бўлсин¹⁰³. Театр томошалари бошланишидан бир-икки кун олдин маҳаллий аҳоли гавжум жойларда эълонлар осиб қўйилган.

1922- йилнинг баҳорида «Азимжон» театри (Бухоро шаҳри)да ёнғин чиқиб, одамлар театр томошаларига қатнамай қўйганлар. Ҳатто Эски Бухородаги “Етимхон” театри ва Регистон майдонидаги ёзги театр томошаларига ҳам бормаганлар¹⁰⁴. БХСР ҳукумати ўзининг қисқа тарихий даврида маънавий маданиятнинг энг нафис соҳаларидан бири бўлган театр санъатини такомили юқоридаги ички муаммоларнинг кўплигига қарамай, мумкин қадар эътибор қаратди. Театр труппаларга Бухоро Республикаси ҳукумати томонидан катта эътибор ва ёрдам берилган. 1924- йил ҳукумат

¹⁰¹ Юсуфжон Қизик Шакаржонов фарғоналик Саъди Махсумнинг (1809 – 1889) қизикчилик мактабидан етишиб чиққан иқтидорли қизикчилардан бири эди.

¹⁰² «Бухоро ахбори», 1922 йил 12 декабрь.

¹⁰³ Қаландар // «Бухоро ахбори». 60-сон. 1922 йил 10 декабрь.

¹⁰⁴ Бухоро хабарлар рукуни // «Бухоро ахбори». 30-сон. 1921 йил 5 апрель.

томонидан «Халқ уйи» ва театр труппалари билан ишлаш учун 170 000 рубль¹⁰⁵ ажратилган. Буларнинг барчаси республикада театр санъатини ривожлантиришга яхши шароит яратди.

Муסיқа санъати ҳам худди шундай ривожланишни ўз бошидан кечирди. Аввалги даврлардаги халқ кўшиқлари янги кўшиқларнинг яратилишига замин яратди. Кейинчалик бу анъаналар кўшиқчилар ва муסיқачилар томонидан муסיқа мактаблари ва клубларда ривожлантирилди. Кўшиқчи ва муסיқачиларнинг асосий ижоди бу халқ кўшиқлари ҳисобланган.

Янги асосдаги муסיқанинг ривожланишида Бухорода 1921 – 1922-йилларда ташкил этилган, Шарқона муסיқа мактаби, яъни Форобий номидаги муסיқа мактаби катта ҳисса қўшди. Муסיқа мактабининг талабалари фақатгина ўқимасдан, бўш вақтларида концертлар ҳам берганлар. Ўша йиллари артистларнинг концерт сафарлари жуда қийин вазятларда олиб борилиб, кўпинча катта таваккалчилик билан боғлиқ эди¹⁰⁶.

Театр санъати ривожини муסיқа санъатисиз тасаввур қилиш қийин эди. Театр томошаларини муסיқавий жиҳатдан таъминлаш учун мутахассислар тайёрлаш чоралари ҳам кўрилди. 1921- йилда А.Фитрат ташаббуси билан Бухорода бир йиллик муסיқа мактаби очилди. Мактабга 50 талаба (ўқувчи) олиниб, уларга 15 олтин сўм миқдорида стипендия, текин озиқ-овқат, кийим-кечак бериладиган бўлди. Бухоронинг энг машҳур чолғучилари ва созандалари дутор, танбур, най, ғижжак каби муסיқа асбоблари сирларидан болаларга таҳсил беришган. Ўқувчиларга Шарқ нотаси билан бирга Европа куйлари ҳам ўргатилган. Муסיқа мактаби А.Фитрат ҳовлисида очилиб, унга европалик (рус) муסיқашунослар ҳам дарс берган. 1922 -йилнинг ёзида ушбу мактаб ўқувчилари (1 йиллик таҳсилдан сўнг) «Етимхон» театр биносида ўзларининг ҳисобот концертлари ва театр томошаларини намоиш қилишган. Томошада А.Фитратнинг «Ўғизхон» пьесаси намоиш этилади. Бош ролни адибнинг ўзи (Ўғизхон-Бобой ролини) маҳорат билан ўйнайди. Чўлпоннинг

¹⁰⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 24-варақ.

¹⁰⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 24-варақ.

ёзишича, А.Фитратда актёрлик қобилияти ва таланти ҳам кучли бўлган¹⁰⁷. Чет эл пьесаларини юқори савияда намойишини таъминлаш учун БХСР маориф нозирлиги «духовой оркестри ўргатадиган дорилмуסיқа курсини ҳам очган»¹⁰⁸.

Хуллас, турли қийинчиликларга қарамасдан Бухоро Республикасида муסיқа санъати ривож топиб, такомиллашиб борди ва меҳнаткаш халқ учун хизмат қилди. Муסיқа санъатини ўрганишда рус композиторлари Н.Миронов ва Г.Успенскийлар катта ёрдам бердилар.

Ўрганилаётган даврда Бухоро Республикасида жуда кўп қўшиқчи ва муסיқачилар фаолият кўрсатдилар. Улар орасида энг иқтидорли муסיқачилар сифатида Маъруфжон Тошпўлатов, Отағиёс Абдуғани, Ота Жалолиддин Назиров ва Вали Исоевлар бўлса, энг машхур созанда бўлиб, Бобоқул Файзуллаев, Домла Ҳалим Ибодов, Леви Бобохонов ва бошқалар ҳисобланганлар. Бу муסיқачилар дарс бериш ва ишлашни муסיқа мактабларида бирга олиб бориб, турли концертларда иштирок этган. Бухоро Республикаси муסיқачиларининг энг ёрқин санъат намунаси бўлиб халқ муסיқаси ҳисобланган ва шу билан бирга турли халқ анъаналари ҳам ривожланган.

Бухоро Халқ Совет Республикасида кенг халқ санъат турлари яратилишига асос солинди. Натижада кўплаб театрлар, цирklar, кинотеатрлар ташкил қилинди. Барча маданий-маърифий ташкилотлар сингари улар ҳам янги мафкуранинг асосчилари бўлдилар. Бу ҳолат расмий ҳужжатларнинг бирида шундай кўрсатилади: «Кинематограф, театр, концерт ва кўргазмалар қишлоқларга кириб бориши билан бирга улардан ташвиқот учун фойдаланиш керак, уларнинг мазмунини маъруза ва митинглар орқали халқ оммасига етказиш керак»¹⁰⁹.

Янги ҳокимиятнинг биринчи йилларида Бухоро Республика аҳолиси кино санъати билан энди танишган эди, республикада кино унчалик ҳам кўп

¹⁰⁷ Қаландар (Чўлпон). «Театр томоша» // «Бухоро ахбори». 59-сон. 1921 йил 11 декабрь.

¹⁰⁸ Духовой муסיқа ҳақида. // «Бухоро ахбори». 20-сон. 1921 йил 18 декабрь.

¹⁰⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 71-иш, 56-варақ.

ривожланмаган эди, Эски Бухоро ташқарисида кино деярли кўрсатилмаган. 1920 – 1921- йиллари Эски Бухорода 3 та кўчиб юрадиган киноустановкалар бўлиб, улар Эски Моҳи Хосада, Регистонда ва мактаб бўлимида ташкил этилган¹¹⁰.

Бухорода ҳарбий ҳаракатлар ва хўжаликнинг пароканда ҳолатига қарамасдан, Бухоро Республикасида кинематографияни ташкил қилишга келишиб олинди. Шу мақсадда БХСР раҳбарияти киноаппаратлар ва техник ходимларни Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан юборишни сўрайди¹¹¹.

Бухоро Республикаси талабига биноан РСФСР Маориф комиссарлиги аъзолари Эски Бухорода иккита кинематографияни ташкил қилишга қарор қилади¹¹². Туркистон АССР халқ маорифи комиссарлиги, Бухоро Республикасига иккита кинематографларни юбориб, уларга кинематография учун яхши бинони беришни сўрайди. Бу талаб республика ҳукумати томонидан амалга оширилди. Эски Бухородан ташқари кинематографияларни республиканинг бошқа вилоятларига ҳам ташкил қилиш қарор қилинди. Бухоро Республикасида ўша вақтлари аҳолига «Уч мушкетёр», «Фуқаролар уруши тарихи», «Ҳинд қабри» (1-2-сериялар) ва «Тарзан» (1-6-сериялар) фильмлари намоиш этилди¹¹³.

Бухоро кино ходимлари олдига республикадаги ҳаётни тасвирловчи киноларни яратиш учун бир қатор қийинчилик ҳолатлари мавжуд эди. БХСР бош сиёсий тарғибот бўлимининг маълумотлари бўйича Бухорода очилган кинотеатр қуйидагича бўлган: агар 1917- йилда у ерда фақатгина бир кинотеатр бўлган бўлса, 1922- йилда 5 та, 1923- йилда 4 та, 1924- йилда 5 та кинотеатрлар бўлган¹¹⁴.

1924- йил 12- апрелда Москвада Бухоро — Рус кино ҳамкорлигини ташкил қилиш масаласига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Бу мажлисда Бухоро Республикаси ҳукумати аъзолари, «Севзон кино» билан Бухоро

¹¹⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 1-варақ.

¹¹¹ Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 1-варақ.

¹¹² Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 22, 207-варақлар.

¹¹³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 112-иш, 13-варақ.

¹¹⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 112-иш, 14-варақ.

кинематографиясини ривожлантириш борасида шартнома имзоладилар ҳамда кинотеатрларни қуриш бўйича барча харажатлар шартнома асосида тўлаб берилиши келишиб олинди. Киноаппаратура сотиб олиш учун бўладиган харажатлар, Бош сиёсий тарғибот бўлими томонидан тўпланадиган бўлди. 1922 – 1923- йилларда Эски Бухорода кинотеатрларга ҳар ой 3000 киши тушган¹¹⁵. Кинотеатр биноларини қуриш учун жойнинг камлиги сабабли, коммунал бўлим, сиёсий тарғибот бўлимига «Лира» давлат театрини барча жиҳозлари билан берилиши таклиф қилинди.

Сиёсий тарғибот бўлими ҳукумат бўлими билан бирга Эски Чоржўйда ёзги кинотеатр қуриш керак бўлган, шунинг учун ҳам «бинони қуришнинг режасини ва сметасини тайёрлаб уни тасдиқлаш учун вилоят ижроия кўмитасига тақдим қилиши керак эди»¹¹⁶. Хуллас, БХСР ҳукумати республикани маданий жиҳатдан ривожлантириш ва халқни театр, мусиқа ва кино каби маданият тарқатувчи масканларга яқинлаштиришга ҳаракат қилди. Натижада маданият соҳасида маълум даражада амалий ишлар амалга оширилди. Дурдона асарлар яратилиши билан биргаликда соҳада миллий кадрлар ҳам етишиб чиқди. БХСРда маданият соҳасини ривожлантиришда Марказ ва Туркистон АССРдан мутахассис кадрлар юборилиб турилди. Шунингдек, большевиклар миллий республикаларда совет мафкурасини сингдиришда маданият соҳасидан усталик билан фойдаланди, десак муболаға бўлмайди. Зероки, ўтмишни чуқур ўрганиб, ундан тегишли сабоқлар чиқариш келажагимиз йўлини ёритади.

Бухорода совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, янги ҳукумат томонидан қўлёзмалар, эски китоблар ва осори-атиқаларни тўплаш, уларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар кўрилди ва бу борада бир қатор буйруқлар чиқарилди.

1920- йил 17- сентябрдаги Бухоро Нозирлар Шўросининг буйруғида, жумладан шундай дейилади: *“Бутун Бухоро мамлакатларидаги эски ҳукумат*

¹¹⁵ Бухара в государственном хоз. плане 1923 – 1924 гг. – С.226.

¹¹⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 112-иш, 5-варақ.

маъмурларидан қолган қадимий ва янги китоблар маориф назоратига топшириладур. Хусусий кишиларда эски китоблари бўлиб сотмоқчи бўлсалар четга чиқармасдан маориф назоратига келтириб, ўз баҳосида оқчасини олсунлар ва шул юқоридаги ёзувларга қариши келганларга жазолар ила ҳукмга бериладур»¹¹⁷.

Ҳукумат ўтмишдан мерос бўлиб қолган мадрасаларга, китоб ва ўқув-ёзув асбобларига, осори-атиқаларга эгалик қилиш, уларни бир жойга тўплаш вазифасини маориф нозирлиги зиммасига юклайди. Шунинг учун ўлка маданиятига оид осори-атиқа ва санъат асарларини тўплаш мақсадида маориф нозирлиги қошида «Тарихий осори-атиқа шўбаси» ташкил қилинди¹¹⁸. Чунки генерал-губернаторлик даврида кўплаб бебаҳо китоблар, қўлёзмалар, осори-атиқалар айрим коллекционерлар томонидан халқдан йиғилиб, Россия ва бошқа давлатларга олиб кетилган эди. Шу боис Бухоро ҳукумати бундай салбий ҳолатларнинг такрорланишига чек қўйиш мақсадида юқоридаги буйруқларни чиқаришни мақсадга мувофиқ, деб билди. Маориф нозирлигининг 1920- йил 20- декабрдаги буйруғида ҳам шундай хавотирнинг олдини олишга чақириқ бор. Унда Бухоронинг ўлка маданиятига оид осори-атиқа ва нафис санъат асарларини маориф нозирлиги ҳузуридаги тарихий осори-атиқа шўбасига топширишга қатъий даъватлар мавжуд¹¹⁹.

БХСР Маориф халқ нозири бошчилигидаги «Тарихий осори-атиқа шўбаси» 1920 – 1922- йиллар давомида самарали фаолият кўрсатиб, Бухоро воҳасида ягона бўлган музей ташкил қилишга муваффақ бўлди. Музей 1922- йил 8- ноябрда очилади¹²⁰. Бухоро музейининг очилиш санаси борасида ягона фикр мавжуд эмас. Тадқиқотчи Н.Йўлдошев музей очилишини 1927- йил

¹¹⁷ «Бухоро ахбори», 1920 йил 17 сентябрь.

¹¹⁸ Рахмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2009. – Б.103-114.

¹¹⁹ Рахмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2009. – Б.115.

¹²⁰ Альмеев Р.В. Бухара-город-музей. –Ташкент: Фан, 1999. – С.16.; Шу муаллиф, Музей Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. –Ташкент: Издательско-полиграфический творческий дом имени Г.Гуляма, 2007. – С.46.; Мирза Салимбек. Кашкули Салимий /форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳ ва кўрсаткичлар Н.Йўлдошевга тегишли. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2003. – Б.9.;

билан белгилайди¹²¹. Бироқ Бухоро музейи ўз фаолиятини 1922- йил ноябрда бошлаганини ўша йилларда нашр этилган «Бухоро ахбори» газетасидаги эълон тасдиқлайди. Ўша пайтдаги БХСР Нозирлар Шўроси раиси вазифасини бажарувчи Ато Хўжа (Отаулла Хўжаев), Маориф нозирлигидаги мутасадди раҳбарлар, Россиянинг Бухоро Республикасидаги ваколатхонаси бошлиғи Н.И.Цоколов ҳамда халқ вакиллари иштирокида 1922- йил 8 -ноябрда Бухоро музейининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтади¹²².

Музейнинг очилиш маросимида Ато Хўжа сўзга чиқиб, Бухорода музей ташкил этилишининг маданий-маърифий аҳамияти хусусида гапиради¹²³. Музей очилиши ўша пайтда муҳим тарихий воқеа бўлиб, унга ташриф буюрувчиларнинг сон-саноғи бўлмаган. Мазкур хайрли ишни амалга ошириш осон бўлмаган, албатта. Бухоро музейининг очилиш маросимида муаллимлардан бири Назир афанди сўз олиб, музейга «Қори Йўлдош музахонаси» деб ном беришни таклиф қилади. Ушбу таклиф барча иштирокчилар томонидан маъқулланади. Қори Йўлдош эса маросим охирида масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради¹²⁴.

Музейнинг директори этиб Аминжон Пўлатов тайинланади. Ушбу музей аввалги Рус-Хитой банки биносида жойлашади (ҳозирги Санъат музейи биноси-изоҳ бизники)¹²⁵. Давлат арбоби ва тарихчи Мирза Салимбек музейнинг Кўкалдош мадрасасида жойлашганини қайд этса, тарихчи олим К.Раҳмонов музейнинг биринчи биноси сифатида Ситораи Моҳи Хоса биносини қайд этади¹²⁶. Лекин архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, 1927- йил бошида музейга мўлжаллаб Кўкалдош мадрасаси таъмирланаётган пайтда Зеркомиссия (Зарафшон округ комиссияси) музейни Бухоро амирининг ёзги қароргоҳи Ситораи Моҳи Хосада қайтадан очиш таклифи

¹²¹ Йўлдошев Н. Бухоро музейи //Фан ва турмуш. –Тошкент, 1959.– №12.–Б.32.

¹²² Қаранг: “Бухоро ахбори”, 1922 йил, 23 ноябрь.

¹²³ “Бухоро ахбори”, 1922 йил, 23 ноябрь.

¹²⁴ “Бухоро ахбори”, 1922 йил, 23 ноябрь.

¹²⁵ Курбанов Г.Н. Бухарскому краеведческому музею-60 лет // Общественные науки в Узбекистане. –Ташкент, 1983. № 1. – С.64-65.

¹²⁶ Раҳмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2009. – Б.115.

билан чиқади. Бироқ бунга Облисполком (Зарафшон вилоят ижроия қўмитаси) рухсат бермайди ва Кўкалдош мадрасасидаги таъмирлаш ишлари тугатилиб, музей фаолиятини шу мадрасада бошлашга рухсат берилади¹²⁷. Демак, музей Кўкалдош мадрасасида 1927- йилда иккинчи марта очилган. Амирнинг ёзги қароргоҳи Ситораи Моҳи Хоса эса 1931- йил Бухоро музейи филиалига айлантирилган. Аслида, бу ишлар 1921 – 1922- йилларда бошланган эди.

Бухородаги дастлабки музей бешта хонадан иборат бўлиб, бинонинг ёнида театр, клуб, кутубхона жойлашган ва булар биргаликда маданият масканини ташкил этган. Биринчи музей экспозицияси тизимли бўлмай, унга ҳар хил қадимий ашёлар жамланган эди. Музейда йиғилган ашёлар 168 донани¹²⁸ ташкил этиб, улар матолар, қошғар вазалари, сопол буюмлар, кўлёмалар, мисгарлик ва заргарлик буюмларидан иборат бўлган. Асосий мақсад – оммани ўзига чорлаш ва қизиқтириш бўлгани учун музей ашёлари мунтазам тўлдириб борилган. Музейда 1924 йил тематик экспозиция ташкил қилинади ва у қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига бағишланади. Экспозиция яратиш борасида ҳали етарли тажриба тўпланмагани, ташкил этилган экспозиция амирлик тузумининг танқидчисига эмас, аксинча тарғиботчисига айланиб қолгани, шунингдек, музей ўзининг сақлов вазифасини бажармаганлиги боис экспозиция вақтинча ёпиб қўйилади. Кейинги бир қатор хабарларга кўра, вилоят ва туманларда музей бўлимларини очиш ишлари ора йўлда қолиб кетган.

БХСРда аҳолини маданий ҳаётга кенгроқ тортиш учун 1923 – 1924- йилларда 5 та клуб, 10 та қизил чойхона очилган эди. Кармана вилоятидаги Зиёвуддин қўмитаси 800 млн сўм ақча сарфлаб, Зиёвуддин темир йўл станциясида чойхона очишга қарор берган. Карманада ҳам қизил чойхона ва ёнида қироатхона очилган¹²⁹. Янги Бухоро (Когон)да 1921- йилдаёқ Полтораский номли клуб иш бошлаган эди¹³⁰.

¹²⁷ Бухоро вилоят давлат архиви (БВДА), 1175-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 31-варак.

¹²⁸ Альмеев Р.В. Бухара-город-музей. –Ташкент: Фан, 1999. – С.17.

¹²⁹ “Бухоро ахбори”, 128-сон. 1923 йил 21 январь.

¹³⁰ “Бухоро ахбори”, 39-сон. 1921 йил 7 июнь.

Хуллас, БХСРда маориф ва таълим турлари, ўқув юртлари тизимли изга кўйилган. Лекин маҳаллий аҳоли ўртасида русларнинг таъсирида тамаки ва спиртли алкоголь маҳсулотларни истеъмол қилиш ошиб борган.

2.2. Адабиёт ва санъат соҳаларидаги ўзгаришларнинг тарихий таҳлили ҳамда мафкуралаштириш сиёсатининг салбий оқибатлари

БХСР фаолият кўрсатган 1920 – 1924- йилларда Бухорода адабиёт ва санъат соҳаларида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Азалдан Шарқда маданий марказ сифатида доврўқ қозонган, машҳур шоирлар ва адиблар юрти бўлган Бухорода республика даврида адабиёт ва санъатнинг гуркираб ривожланиши табиий бўлган.

Бухорода адабиёт ва санъат тараққиётида ўзбек маданиятининг XX асрдаги икки буюк дарғаси Фитрат (1886 – 1938) ва Чўлпон (1897 – 1938) муҳим хизмат қилишди. Маълумки, Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 1920- йил август – сентябрда Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланган вақтда Тошкентда бўлган. Фитрат 1918- йил ноябрда Тошкентда «Чиғатой гурунги» ташкилотини тузиб, ўз атрофига истеъдодли ёш ижодкорлар (Чўлпон, Элбек, Боту, Ашурали Зоҳидий, Шокиржон Раҳимий, Қаям Рамазон, Ғози Юнус, Шорасул Зуннун ва б.)ни тўплайди. 1921- йил январда Тошкентда ўтказилган Тил ва имло қурултойи бевосита «Чиғатой гурунги»нинг ташкилотчилигида ўтди. Чўлпон қурултой ишида гурунг вакили сифатида қатнашди¹³¹. Элбекнинг ёзишича, 1921- йил 10 -январдан Ўзбек билим ҳайъати иш бошлаган ва бу ҳайъат «Ўзбекнинг бутун илмий ишларини қарагучи ва қурултой ишларини амалга оширгучи»¹³² бўлиб қолади. Қурултой ҳужжатларида кўрсатилишича, Туркистон АССР Маориф халқ комиссари Ш.Аҳмадиевнинг таклифи билан уч киши (Чўлпон, Элбек ва Вадуд Маҳмуд)

¹³¹ Ўзбек Тил ва имло қурултойининг чиқарган қарорлари. – Тошкент: Туркистон Жумҳуриятининг давлат нашриёти, 1922. – Б.35 – 43.

¹³² Элбек. Ўзбек билим ҳайъатининг тузилиши ва ишлаган ишлари // «Инқилоб» (Тошкент). 1922. №10. – Б. 17 – 18.

иштироки билан ҳайъат тузилган эди (бу вақтда Фитрат Бухорога ишга ўтгани маълум)¹³³. Демак, Фитрат бошчилигидаги «Чигатой гурунги» ташкилоти расман 1908- йил ноябрдан то 1921- йил 10- январга қадар Тошкентда фаолият кўрсатган.

БХСР Маориф халқ нозирлигининг 1920 йил 30 октябрдан қарорига биноан, Бухородаги инқилоб тарихини ёзиш Фитрат ва Айнийга топширилди¹³⁴. Фитрат ва Айний 1920 йил ноябрь ойида янги ҳукумат томонидан Бухорога чақирилиб, уларга бу масъулиятли вазифани бажариш лозимлиги айтилди. С.Айнийнинг «Қисқача таржимаи ҳолим» китобида (Самарқанд, 1940- йил апрель) у инқилоб тарихини қандай ёзганлиги ва асарнинг тақдири қуйидагича келтирилади:

“1920 йилнинг август ойида (Бухоро революцияси арафасида) «Бухоро жаллодлари» номли асаримни ёзишга киришдим. Уни ноябрь ойида тугатиб, Бухорога бориб Бухоро Халқ Совет Республикаси Давлат нашриётига топширдим. Аммо улар бу асарни нашр этмадилар. Асарни қайтариб беришни талаб этганимда «йўқолди» деб жавоб бердилар. Бу асарнинг қисқартирилган варианты 1922-йилдагина Тошкентда «Инқилоб» журналичада нашр бўлди.

1920–1921-йилларда «Бухоро инқилоби тарихи материаллари» асарини ёзиб, Бухоро Давлат нашриётига топширдим. Буни ҳам нашр қилишмади. (Бу асар 1926- йилда Москвада СССР халқлари нашриёти томонидан нашр қилинди.)

1921–1922 йилларда «Шурои инқилоб» журналичада «Бухоро манғит амирлари тарихи» номи билан нашр бўлган тарихий очерк мақолаларини қайта ишлаб, яна мазкур Давлат нашриётига топширдим. (Бу асар 1923- йилда Тошкентда Бухоро Халқ маорифи комиссариати томонидан нашр қилинди.)

¹³³ Болтабоев Х. Фитрат ва жадидчилик (Илмий-тадқиқий мақолалар). – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.40-46.

¹³⁴ Ўзбекистон Миллий архиви, 45-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 25-варак.

Бухоро давлат нашриёти менинг асарларимни нашр қилмаган бўлса ҳам, улар тўла ҳақ берди ва мен у пулларга 1923 йилда Самарқандда алоҳида бир ҳовли сотиб олдим»¹³⁵.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, «Тошкентда маориф ишлари билан банд Фитрат янги халқ маориф тизимини ташкил қилиш учун Бухорога сўралди, негадир яна тезда махсус телеграмма билан Туркистонга қайта чақириб олинди»¹³⁶. Бироқ БХСР Нозирлар Шўроси Туркистон Маориф халқ комиссарлигига мурожаат қилиб, бир неча масалалар, хусусан, «Фитрат бошлаган Бухоро инқилоби тарихини ёзиш тугалланмай қолмаслиги учун» уни Бухорода қолдиришини илтимос қилишди¹³⁷.

Фитрат 1921- йил 9- мартдан бошлаб Бухорода халқ хўжалигини тиклаш, маориф ва маданият соҳасини йўлга қўйиш ишларида фаол қатнашди. Фитрат 1921 – 1923- йилларда БХСР Маориф халқ нозири, Хорижия (Ташқи ишлар) нозири, Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши раиси, Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раисининг муовини каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатди¹³⁸.

Ўзбек халқининг атоқли фарзанди Фитрат ташаббуси билан Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси 1922- йил 14- сентябрда Бухоро дорилфунунини ташкил этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилган¹³⁹. Демак, бугунги Бухоро давлат университетининг тарихи аслида ҳозир айримлар ёзаётганидек 1930- йил ёки 1932- йил 15- мартдан эмас, балки 1922- йил 14- сентябрдан бошланади. Бироқ бу тарихий ҳақиқатни бугунги кунда на бухороликлар, на бошқа юртдошларимиз негадир тан олишмайди. Бироқ тарих ҳақиқати аслида шундай.

Фитрат Бухорода ўқув юртли ва мактаблар учун дарсликлар ёзиш ва чоп этиш, ўқувчиларни бу дарсликлар билан таъминлаш, халқ хўжалиги равнақи учун турли хил иқтисодий ислохотлар ўтказиш, Амударё

¹³⁵ Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1960. – Б.124 – 125.

¹³⁶ Ўзбекистон Миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 200-иш, 20-варақ.

¹³⁷ Болтабоев Ҳ. Талабни қондирмаган инқилоб // «Шарқ юлдузи» (Тошкент). 1991. №1. – Б.131-132.

¹³⁸ Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: Тафаккур, 2016. – Б. 370-371.

¹³⁹ Қаранг: Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Б. 103.

флотилиясидан БХСР манфаатлари йўлида фойдаланиш, вақф ерларини ҳисобга олиш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш¹⁴⁰, нарх-навони арзонлаштириш¹⁴¹, вайрон бўлган шаҳарларни тиклаш, меъморчилик обидаларини асраш каби турли ишларда қатнашди¹⁴².

Фитрат она юртига келгач, энг аввало 1921- йилда Бухоро илмий жамиятини тузади. У маҳаллий зиёлилар ва уламолар билан ҳамкорликда турли фанлар тарихига оид қўлёзмаларни тўплашга киришади. Бу қўлёзмалар бугунги кунда Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Бу ишга у Самарқандда яшовчи Садриддин Айний, шунингдек, Мусожон Саиджонов (ўша пайтда БХСР Маориф халқ нозири), Мирза Салимбек (Бухоро амирлигида қўшбеги бўлган машҳур тарихчи), Садр Зиё (Шарифжон Махдум) ва бошқаларни жалб қилади. Жамиятнинг «Анжумани тарих» шубҳаси томонидан 1921- йилда ёзилган «Бухоро Арки тарихи»¹⁴³ асари қимматли тарихий манбалардан ҳисобланади. Бу асарнинг муаллифи Амир Музаффарнинг иккинчи ўғли Саййид Муҳаммад Носир [Носириддин Тўра] ҳисобланган. Бу китоб шарқшунос олим Ғулом Каримий (1962 – 2014) томонидан ўзбекчага таржима қилиниб, нашр этилди. Носириддин Тўранинг «Тухфат уз-зойирин» ва бошқа тарихий асарлари ҳам мавжуд бўлган.

Фитрат ижодини тадқиқотчилар шартли равишда қуйидаги уч даврга бўлиб ўрганишади: 1) 1908 – 1917- йиллар; 2) 1917 – 1923- йиллар; 3) 1923 – 1937- йиллар. Фитратнинг адабий ва илмий мероси бой ва ранг-баранг. У ёзувчи сифатида бадиий ижоднинг барча турларида қалам тебратди. Бухорода «Шашмақом» куйларини тўплаш ва нотага ёзиш ишларига раҳбарлик қилди¹⁴⁴.

Бироқ Москванинг талаби билан 1923- йил июнда БХСР ҳукумати аъзоларидан 5 киши: Отаулла Хўжаев (Нозирлар Шўроси раисининг биринчи муовини ва касаба уюшмаси раиси), Фитрат (Маориф нозири), Муинжон

¹⁴⁰ Ўзбекистон Миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 200-иш, 20-варақ.

¹⁴¹ Ўзбекистон Миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 240-иш, 25-варақ.

¹⁴² Ўзбекистон Миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 88-89-варақлар.

¹⁴³ Саййид Муҳаммад Носир ибн Музаффар. Таҳқиқоти Арки Бухоро (Бухоро Арки ҳақида тадқиқот). Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар Ғ.Каримовники. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – 200 бет.

¹⁴⁴ Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Б. 371.

Аминов (Бухоро Иқтисодий Кенгаши раиси), шунингдек, Мухторжон Саиджонов (Ички ишлар нозири) ўз вазифаларидан бутунлай четлаштирилди ва Бухородан бадарға қилинди. Бошқа нозирлар ҳам ўз ихтиёрларига кўра лавозимларидан бўшатирилди¹⁴⁵.

1923- йил июнда бўлган Бухоро Компартияси Марказий Комитети ёпиқ пленумида БКП МК масъул котиби Ражаб Мухаметдинов ўрнига Абдулла Раҳимбоев сайланди¹⁴⁶.

Шундай қилиб, БХСР ҳукумати Москва ва Тошкентнинг «коммунистик сабоғи»ни олган «тажрибали совет ходимлари» билан бир қаторда давлат бошқаруви соҳасида ҳеч қандай уқуви бўлмаган оддий коммунистлар (деҳқонлар, мардикорлар, косиблар, аравакашлар ва ҳ.к.) билан алмаштирилди. Бу ҳам Марказнинг ўзига хос ғирром ўйинларидан бири эди¹⁴⁷.

Абдулҳамид Сулаймон ўғлига Чўлпон (Тонг юлдузи) тахаллусини устози Фитрат 1914- йили берган экан. Шоирнинг опаси Фотиҳа Сулаймон қизи акаси Абдулҳамидга Чўлпон тахаллусини Фитрат берганини қайд этади¹⁴⁸. Туркистоннинг буюк эркесвар шоири 1921 – 1922- йилларда Бухорода яшаб ижод қилган.

БХСР ҳукумати ҳамда шахсан Файзулла Хўжаев ва Фитратнинг таклифи билан Чўлпон 1921- йил 27- майда Бухоро шахрига келади. У дастлаб «Бухоро ахбори» газетасида ишлайди ҳамда Бухорода давлат театрини ташкил қилиш жараёнида қатнашади. Орадан бир ой ўтгач, 1921- йил 30- июндан Чўлпон «Бухоро ахбори» газетасининг муҳаррири сифатида иш бошлайди. Бу вазифада Чўлпондан аввал Муҳаммад Саид Аҳрорий фаолият кўрсатган ҳамда у БХСРнинг Озарбайжондаги вакили сифатида Бокуга жўнаб кетган эди.

Фитрат ва Чўлпон фақат устоз-шогирд бўлмасдан улар яқин маслакдош, ҳатто сафдош бўлганлар. Замондошларининг хотирлашларича, Чўлпон XX аср

¹⁴⁵ Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 й.). – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 119-120.

¹⁴⁶ Ўзбекистон Миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 425-иш, 309-варақ.

¹⁴⁷ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, А.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон». 2019. – Б.160.

¹⁴⁸ Қаранг: Сафаров О., Сафарова Ҳ. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – Б. 18-19.

10 йилларининг бошларидаёқ Фитрат номини хурмат билан тилга ола бошлайди. Бу ҳолатни 1913- йили Андижонга келган Аҳмад Заки Валидий ўз даврининг маърифатли кишиларидан бири бўлган Сулаймонқул баззознинг 16 ёшли ўғли Абдулҳамиднинг Фитрат ва Бехбудий асарлари, Истанбулда чиқадиган «Турк урду» ва бошқа нашрлар билан танишлиги ҳақида гапиради¹⁴⁹. Таниқли адабиётшунос олим Беғали Қосимовнинг ёзишича, “Чўлпон 1913 – 1914- йилларда бир сабаб билан мударрис бўлиш ўрнига «Ўзбек миллий ўқувчиси» бўлишга қарор бериб, отасидан ҳам, муаллимидан ҳам «қочиб Тошкентга келгани»ни ҳикоя қиларкан, «у вақтларда биз ҳамма ўзбек ёш ёзувчилари Фитрат таъсирида эдик», дейди¹⁵⁰.

Айни шу йилларда Истанбул таҳсилидан қайтгач Фитратнинг «Садон Туркистон» газетаси билан яқинлашганини кузатамиз. 1911- йил 4- июнда газетада Чўлпоннинг «Адабиёт надир!» номли мақоласи ва Фитратнинг «Сайҳа» (Истанбулда 1911- йили чоп этилган) мажмуасидан олинган шеърлар чоп этилган¹⁵¹.

Хуллас, Чўлпон Бухорода ўз устози Фитрат билан елкадош бўлиб, янги республикада маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Фитратнинг таклифи билан Бухорога Чўлпон, Маннон Уйғур, Ҳамза каби адабиёт ва санъат намояндалари чақиртириб олинган¹⁵². Чўлпон дастлаб турли халқ труппалари асосида Бухорода Давлат театрини ташкил қилиш ишида қатнашган, сўнгра ўша театрда Маннон Уйғур режиссёр, Чўлпон эса адабий эмакдош бўлиб ишлаганлар.

Бухорога расмий таклиф билан келган Чўлпон Лабиҳовуз шимолидаги Бозоригул гузарида Муҳаммадқул деган кишининг ҳовлисида яшаган. У 1921- йил 30- июндан 1922- йилнинг 15- январигача «Бухоро ахбори» газетасида муҳаррирлик қилган¹⁵³. Ушбу газетада унинг «Буюк зиёфат» фелъетони ва

¹⁴⁹ А. Зеки Велиди Тоган. Бугунку Туркили Туркистан ве Якин Тарихи. Силд 1. 2-Баски. – Истанбул, 1981. – С.568.

¹⁵⁰ Қосимов Б. Фитрат // «Санъат» (Тошкент). 1990. №12. – Б.10-13.

¹⁵¹ Болтабоев Ҳ. Фитрат ва Чўлпон // «Жамият ва бошқарув» (Тошкент). 1998. №2. – Б.125.

¹⁵² Бюллетень БухТА. №25. 21 ноябрь 1921 г.

¹⁵³ Бозоров А. Чўлпон Бухорода // «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 йил 21 июнь.

машҳур «Халқ» шеъри; «Тарихдан», «Куз», «Юрт йўли» шеърлари ҳамда «Индамайман» ҳикояси нашр этилган.

БХСР Ҳарбий ишлар халқ назоратида 1921 – 1923- йилларда фаолият кўрсатган М.Сулаевнинг хотираларида Чўлпоннинг Бухородаги фаолияти куйидагича ёритилади: «Абдулҳамид Чўлпон ёшликда топишган кадрдон дўсти Аҳмад Заки Валидий Бухородалигида у яшаган ҳовлида ва Фитратга қарашли Форобий номидаги 2-мусиқа мактаби қаршисидаги Вақф ишлари идорасида (Фитрат ўша пайтда Вақф ишлари бошлиғи бўлган) тўпланар эдилар... Бухоро ҳукуматининг Нозирлар Шўроси 1921- йил 27- мартда Маориф ишлари бўйича кенгайтирилган мажлисида миллий армияга чақирилган аскарларни ахлоқ ва дин ҳамда адабиёт ва санъат жиҳатидан тарбиялаш мақсадида қисқа муддатли ўқиш ва ёзиш курслари ташкил қилди. Бунинг учун армия ихтиёридаги ўқимишли кишилар, зиёлиларни бу ишга жалб қилди... Абдулҳамид Сулаймоннинг ғайрати ва ташаббуси билан Бухоро Ҳарбий ишлар нозирлиги (Ҳарбия назорати)нинг Сиёсий бўлими билан биргаликда гарнизон клубида (Бухоронинг собиқ қозикалони чорбоғининг ташқари ҳовлисида) Бухоро халқидан миллий артистлар, сахна мутахассислари тайёрлаш курслари ҳам очилди... Бухоро шаҳридаги театр ходимлари, бошқа жойлардан келган, кўчма театр труппалари ҳам шу боғдаги сахнага келиб театр ва концертлар қўяр, адабий кечалар уюштирар эди. 1921- йилнинг биринчи ярмида Маннон Уйғур ва Ҳамза Ҳакимзода (Ҳамза 1921- йил апрель ойидан 15- июнгача Бухорода яшаган) ёрдамида Абдулҳамид Сулаймоннинг ташкилотчилигида Бухоро давлат театри ташкил қилинди»¹⁵⁴.

Бу фикрни архив ҳужжатлари ва расмий маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Ҳужжатларда қайд этилишича, бир қанча кичик труппалар бир театрга бирлаштирилиб, Маориф нозирлиги ихтиёрига ўтди ва давлат театрига асос солинди¹⁵⁵.

¹⁵⁴ Қаранг: Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Б.129-130.

¹⁵⁵ Бюллетень БухТА. 26 ноября 1921 г.

Чўлпоннинг машхур «Халқ» шеъри 1921- йил июль ойида Бухоро шахрида ёзилган. «Халқ» шеъри БХСР ҳукуматининг расмий нашри бўлган «Бухоро ахбори» газетасида 1921- йил 20- июлда «Адабиёт» рукнида «Чўлпон» тахаллуси билан илк марта эълон қилинган. Шеър Бухоро инқилобининг бир йиллиги ҳамда Бутунбухоро халқ вакиллариининг бўлажак II курултойига бағишланган. Бу курултой 1921- йил 18 – 23 -сентябрда Бухорода ўтказилган эди.

«Халқ» шеъри ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу шеър тўғрисида чўлпоншунос адабиётшунослар кўп фикр юритган. Бироқ тарихчилар деярли ёзишмаган. Шеър матни ҳозиргача кўп талқин қилинганлиги ҳамда ўз даврида ҳам, бугунги кунда ҳам катта баҳсу мунозараларга сабаб бўлаётганлигининг сабаблари назаримизда бу шеърда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қудратли куч: халқ ва давлат масаласи ёритилганлигидир. Шеър қуйидаги машхур мисралар билан бошланади:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,

Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...

Халқ кўзғалса, куч йўқдурким, тўхтатсин,

Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин¹⁵⁶.

Бу ўринда Чўлпон халқнинг беқиёс қудрати ҳамда кучини кўрсатиб, кейинги сатрларда шеърнинг асосий ғояси – Бухорода амирлик тузумининг ағдариб ташланишини, бироқ Бухоро халқининг озод бўлмаганлиги, унинг «бошида кўланка» бўлиб большевиклар ва қизил армия турганлигини жуда нозик киноя ва қочириқ билан қуйидагича очиб ташлайди:

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,

Халқ истади тож ва тахтлар йиқилди...

Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,

Кетсин унинг бошидаги кўланка¹⁵⁷.

¹⁵⁶ Чўлпон. Халқ // Асарлар. Тўрт жилдлик. II жилд (шеърлар, мансуралар, шеърый хатлар). Қайта нашр. Тўплаб нашрга тайёрловчи: Наим Каримов. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б.84-82.

¹⁵⁷ Чўлпон. Халқ. – Б.82.

Истиклол шоири Чўлпон кейинги сатрларда қизил аскарларга қарши курашда халқнинг қўзғалиб қайнашини, бироқ бу курашларда «бир интилиб, бир ҳовликиб, бир ўйнаши»ни қуйидагича тасвирлайди:

Бир қўзғалур, бир кўпирар, бир қайнар,

Бир интилур, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.

Йўқликнида, очликнида йўқ этар,

Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...¹⁵⁸

Порахўр амалдорлар, қўрқоқ зиёлилар, айниган сиёсий элита, ғаддор тузум, мустабид ҳукмдорлар ва шафқатсиз диктаторларга қарши халқнинг куч-қудрати қарши қўйилган 7 байтлик бу шеър қуйидаги оташин қақирик билан тугайди:

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,

Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!¹⁵⁹

Хуллас, Фитрат билан Чўлпоннинг Бухородаги адабий ҳамкорлиги, миллат маърифати йўлида олиб борган курашлари бу билан тугамайди. Тарихдан маълумки, 1920- йил 31- декабрда таниқли бошқирд тараққийпарвари, Туркистонда туркий халқлар озодлиги учун изчил курашган Аҳмад Заки Валидий (1890 – 1970) Бухоро шаҳрига келган эди¹⁶⁰. 1921- йил 30- октябрда Москвадан махсус топшириқ билан туркиялик ҳарбий саркарда Анвар Пошо (1881- 1922) ҳам Бухорога келади. Айнан шу кунларда Чўлпон ҳам Бухорода яшаётган эди.

Бухорода яшаётган Чўлпон 1921- йил кузида (октябрь – ноябрь ойларида) БХСР раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Абдулқодир Муҳитдинов ва бошқалардан ташқари Аҳмад Заки Валидий ва Анвар Пошо билан бир неча марта учрашади. Бу суҳбатлар ва мулоқотларда Бухоро Республикаси «мустақил давлат» мақомида бўлишига қарамасдан бу қадим диёрда ҳақиқий мустақилликдан асар йўқлиги, барча ишлар Москва ва

¹⁵⁸ Чўлпон. Халқ. – Б.82.

¹⁵⁹ Чўлпон. Халқ. – Б.82.

¹⁶⁰ Қаранг: Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Хотиралар (Туркистонда мустақиллик ва озодлик учун курашлар тарихи). Таржимон, илмий таҳрир муаллифи ва нашрга тайёрловчи: М.Абдурахмонов. – Тошкент: Истиклол нури, 2014. – Б. 331-333, 354-357.

Тошкентдан Бухорога юборилган большевик комиссарлари ва сиёсий ходимлар томонидан назорат қилиниши, қизил армияга қарши курашаётган миллий муҳолифат кучлари бўлган «босмачилар»га муносабат масаласи кўрилади. Хусусан, таниқли ҳарбий саркарда ва турк дунёсининг энг машҳур одами Анвар Пошо ўзбек истиқлол шоири Чўлпонда кучли таассурот қолдиради.

Бу орада Валидий ҳам, Анвар Пошо ҳам пойтахт Бухорони тарк этиб, Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати сафларига қўшилади. Валидий 1922 – 1923- йилларда Самарқанд ва Жиззахда кўрбошилар қароргоҳида ҳаракатнинг мафкурачиларидан бири сифатида фаолият кўрсатган бўлса, Анвар Пошо Шарқий Бухорога бориб, 1921- йил охири ва 1922- йил бошларидан бошлаб Бош қўмондон сифатида истиқлолчиларнинг қизил армияга қарши курашига раҳбарлик қилади. 1922- йил 4 августда Балжувон яқинида бўлган жанглarning бирида Анвар Пошо мардларча ҳалок бўлган¹⁶¹.

Бу мудҳиш хабарни эшитган Чўлпон 1922- йил августда ўзининг энг машҳур «Балжувон» номли марциясини ёзади. Бу марция ўша пайтда ҳам, мустақилликнинг дастлабки 25 йили мобайнида ҳам Ўзбекистонда тўлиқ босилиб чиқмади. Бу марция аввал Туркияда чоп қилинди. Фақат 2016- йилда Тошкентда чоп этилган Чўлпон асарлари тўрт жилдligининг 1-жилдида тўлиқ нашр этилди¹⁶². «Балжувон» марцияси Анвар Пошо хотирасига ёзилган марцияларнинг энг машҳури бўлиб, бу шеърда Анвар Пошо ва унинг сафдошлари Талъат Пошо, Жамол Пошо номлари бирор марта ҳам тилга олинмасада, бироқ ўша пайтда Туркия ва Туркистонда бўлган сиёсий жараёнлардан яхши хабардор ўқувчи кўз олдида Балжувон, Берлин, Тифлисида армани террорчилари томонидан ўлдирилган турк халқининг бу машҳур уч саркардаси сиймосини яққол гавдалантиради. Чўлпоннинг «Балжувон» марцияси Бухоро ва Туркистон истиқлолчилари ўртасида қўшиқ қилиб қуйланган.

¹⁶¹ Қаранг: Ражабов Қ. Туркистон кўрбошилари. – Тошкент: Фан, 2022. – Б. 204-212.

¹⁶² Қаранг: Чўлпон. Балжувон // Асарлар. Тўрт жилдлик. I жилд. – Б.124.

Бухорода Анвар Пошо билан кўп гурунглари қилган, буюк саркарданинг Шарқий Бухорода қизил армияга қарши истиқлол жанглирини «энг сўнгги умид» ва зўр хавотир билан кузатган ўзбек шоири Чўлпон саркарданинг ўлимини ўз марциясида қуйидагича ифодалайди:

Мармара йўллари, Эдирна йўли,
Чалталжа кенглиги, Бўғоз торлиги,
Карпат баландлиги, Траблус чўли,
Гўзал Селаникнинг ширин боғлари.

Шаҳидлар юзига томгувчи нурлар,
Қонлар йиғлатдику бизни бу хабар.

Тарихнинг рангини кўп қонлар билан
Қорартган, толдурган бироқ Балжувон
Энг сўнгги умидни қонга бўяган.
Оҳ, қандай уғурсиз замонлар келган.

Фарёдим дунёнинг борлигин бўғсин!
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин!¹⁶³

Айрим адабиётшунос олимларнинг фикрича, Чўлпоннинг соғлиғига Бухоро иқлими мос тушмагани учун у 1922- йил июль ойида Тошкентга қайтган¹⁶⁴, Фитрат эса БХСРда нозир сифатида Файзулла Хўжаевнинг энг ишонган кишиларидан бири бўлиб ўз фаолиятини давом эттирди. Бироқ 1922- йил ёзи ва кузида Бухоро ва Туркистонда бўлган шиддатли сиёсий ўзгаришлар, қизил армиянинг мағлубиятлари, истиқлолчиларнинг ғалабалари Москва ва Тошкентдаги совет давлати раҳбарлари ва большевикларни қаттиқ ғазаблантиради. Улар БХСР ҳукумати раҳбари Файзулла Хўжаевнинг демократик ислохотларига қарши чиқиб, аввал Чўлпонни, орадан бир йил

¹⁶³ Чўлпон. Балжувон. – Б.124.

¹⁶⁴ Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Б.132.

ўтгач эса Фитрат, Отаулла Хўжаев ва бошқаларни Бухородан бадарға қилишди. Чўлпон кўлда қалами билан большевикларга қарши мафкура майдонида курашади. «Бухоро ахбори» газетасида 1923- йил май ойида Чўлпоннинг «Ўликларга қарши»¹⁶⁵ номли ҳажвияси босилади. Чўлпоннинг шу газетада аввал босилган ҳамда Бухорода ёзилган «Мен қочмадим»¹⁶⁶ шеърида уни сиёсий майдондан қочиб кетди, деб ёзган мухолифларига (Чўлпон уларни Тошкентдаги ўртоқларим дейди) жавоби жуда чиройли ифодаланган:

Мен қочмадим! Нега мени «қочди» деб,
Йўқға бунча шовқун-сурон қилдингиз?
Қучоғини «ўзлик»ига очди деб,
Оқ исмимга қора занжир илдингиз?

Мен янгиликлар ўлкасидан синмаган
Бир қанотни тақиб олиб, кўзғалдим;
Шу йўлимда япроқлари сўлмаган
«Ёш ёғоч»нинг соясида тўхталдим¹⁶⁷.

Бу пайтда 24 ёшда бўлган ёш Чўлпон ўзидан атиги бир ёш катта Бухоро ҳукумати бошлиғи Файзулла Хўжаевни «Ёш ёғоч» деб атади. Большевиклар пропагандаси ва совет давлатининг ўша 1920 – 1921- йиллардаги нозик ва қалтис ўйинларини яхши англаган Чўлпон бутун умидларини ўзбек халқининг ёш етакчиси, миллат сардори, ҳам кўзи, ҳам қалби тўқ Файзулла Хўжаевга боғлайди. Бироқ ёш етакчининг атрофини «қора булут» қоплаганини шеърда тилак юлдузини мажозий тарзда ифодалаш орқали қуйидагича кўрсатади:

Икки кўзим ялт-юлт этиб кўкимдан
Тилагимнинг юлдузини қарайдир.
Чоғ-чоғ йиғлаб ўтиб кетиб ўнгимдан
Қора булут унинг юзин қоплайдир.

¹⁶⁵ Чўлпон. Ўликларга қарши // «Бухоро ахбори», 1923 йил 7 май.

¹⁶⁶ Чўлпон. Мен қочмадим // «Бухоро ахбори», 1921 йил декабрь.

¹⁶⁷ Чўлпон. Мен қочмадим (Тошкентдаги ўртоқларимга) // Асарлар. Тўрт жилдлик. II жилд. – Б.84.

Бироқ яна унинг юзи кўриниб,
Кўзларимни қамаштириб қўядир.
Қилич ботиб, ханжар дилга уриниб,
Унга яна қайси қараш тўядир?

Мен қочмадим! Мен тилакни излаймен,
Қанот кучлик, борган сари тезлаймен!¹⁶⁸

Чўлпон бу шеъри билан аввалги эътиқодидан қайтмаганини айтиб, Файзулла Хўжаев – «Ёш ёғоч»нинг соясида Бухорода миллий истиқлол ва тараққиёт учун кураш олиб борганини маълум қилади. Бироқ, «Ёш ёғоч»нинг япроқларини большевикларнинг қаттиқ бўрони тўка бошлайди¹⁶⁹. Кейинчалик Файзулла Хўжаев ҳам, Чўлпон ҳам, Фитрат ҳам совет ҳокимияти томонидан отиб ташланади.

Шундай қилиб, фақат устоз-шогирдлар Фитрат ҳамда оташнафас шоир Чўлпоннинг Бухородаги ижодий ҳамкорлиги, Чўлпоннинг театр ва ноширлик фаолияти, Фитратнинг БХСР Маориф, Вақф соҳаси ва Ташқи ишлар нозири сифатида кўрсатган хизматлари, мусиқа маданияти ҳамда санъатига («Шашмақом»ни тўплаш, мусиқа мактаблари очиш ва б.) қўшган улкан ҳиссаси таҳсинга сазовордир.

БХСР ҳукуматига нисбатан Марказ томонидан юритилган сиёсатнинг мустамлакачилик асоси ҳамда коммунистик мафкура таъсирининг кучайиши маданият соҳасида ҳам яққол кўринади. Хусусан, Москвада ташкил этилган «Красный Восток» («Қизил Шарқ») агитация поездининг Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР ҳудудларига юборилиши айнан Россия давлатининг коммунистик пропагандаси ҳисобланади. Бу ўринда «Қизил Шарқ» агитация поезди тўғрисида махсус тўхтаб ўтишни лозим топдик.

1918- йил 13- августда Москвадан Қозон шаҳрига биринчи поезд – В.И.Ленин номидаги адабий-инструкторлик поезди жўнаб кетди. Бутунроссия

¹⁶⁸ Чўлпон. Мен қочмадим. – Б.84.

¹⁶⁹ Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.73.

Марказий Ижроия Комитети (ВСИК) нашриётининг ҳарбий бўлими томонидан тайёрланган бу поезд 6 та вагондан иборат бўлиб, унда асосан коммунистик ғоялар ёритилган сиёсий адабиётлар ортилган эди. Фақат бир нафар агитатор мавжуд бўлган поезд Қозондаги мусулмонлардан иборат қизил армия қисмларини адабиётлар билан таъминлагач, икки ҳафтадан сўнг Москвага қайтади¹⁷⁰.

Большевиклар бундай агитаторлик поездларини ташкил қилиб, мусулмон халқларини тарғибот ва ташвиқот натижасида ўз томонларига ағдаришга уриндилар. Хусусан, бу пайтда мавжуд бўлган Туркистон АССР, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасига бундай агитация ва пропаганда поездлари мунтазам равишда юбориб турилди.

Тарихий адабиётларда келтирилишича, Бутунроссия МИК ҳузуридаги агитация поездлари ва пароходлари махсус инструкторлик бўлими ҳаммаси бўлиб қуйидаги 8 та агитпоезд ташкил қилган: В.И.Ленин номли, Октябрь революцияси номли, «Қизил Восток» («Красный Восток»), «Красный Казак», «Советский Кавказ», «Красное знамя», «Красный Север» ва Й.Свердлов номли¹⁷¹. 1919- йили январдан 1920- йил октябргача бундай агитация поездлари ва пароходлари жуда фаол бўлган. Икки йил давомида агитация поездлари мамлакатнинг чекка ҳудудлари ва миллий совет республикаларида бўлиб, жуда катта ҳажмда оммавий агитация ва пропаганда билан шуғулланган. Улар маҳаллий аҳоли ўртасида китоблар тарқатиб, турли суҳбатлар ва лекциялар ўтказиб, коммунистик ғоянинг афзаллиги ҳақида сафсата сотишган. Масалан, «Қизил Шарқ» поезди аҳоли ўртасида 1 491 000 нусха газета, 1 103 500 дона варақа тарқатиб, 10 914 584 рубль сиёсий адабиётларни сотган.

«Қизил Шарқ» агитпоезди Бутунроссия МИК Президиуми қарори билан 1919- йили 11- январда Москвада ташкил қилинган. Бундай агитпоездларни ташкил қилиш, уларнинг маршрутларини белгилаш, агитаторлар ва

¹⁷⁰ Меженина Е. Агитпоезд “Красный Восток”. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1962. – С.9-10.

¹⁷¹ Меженина Е. Агитпоезд “Красный Восток”. – С.11.

инструкторларга тегишли йўл-йўриқлар бериш, жойларда ўтказиладиган тарғибот ва ташвиқот ишларининг моҳияти бир неча марта ВСИК Президиуми мажлисларида кўриб чиқилган¹⁷².

«Қизил Шарқ» агитация-инструкция поезда 1919- йил декабрда Митише вагонсозлик заводида жиҳозланиб, унинг биринчи рейси 1920- йил 23- январда Москвадан Туркистонга қараб жўнаган. Поездни керакли ускуналар ва адабиётлар билан жиҳозлаш, агитаторлар ва инструкторлар билан таъминлашга 1919- йил ноябрь ойи бошларидан бошлаб жиддий тайёргарлик кўрилган. Бу ишларга ВСИК ҳузуридаги Туркистондаги агитпоезд ва пароходлар ҳақидаги бўлим мудир И.Буров масъул бўлган. «Қизил Шарқ» агитпоезди мудир қилиб этник татар Бурнашев тайинланган. Поезднинг сиёсий бўлими 29 нафар кишидан иборат бўлиб, уларга поезд комиссари (политком) бошчилик қилган. Поезд комиссарининг ёрдамчиси Бисерев бўлган. Поездда 21 нафар қизил аскарлардан иборат комендантлик бўлими мавжуд эди. Унда яна китоб омбори ва магазинлар бўлиб, уларда коммунистик мафкура тарғиб қилинган кўп миқдордаги сиёсий адабиётлар сақланган. Алоҳида вагон махсус ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда махсус ссена ва киновудка бўлган. Бу вагонда большевикларнинг мафкураси улуғланган махсус кинокартиналар ва ҳужжатли лавҳалар намоиш қилинган.

Поездда радиостанция ҳам мавжуд бўлиб, радиостанция бошлиғи А.Овчинников эшелонда энг донғи чиққан кишилардан эди. Радиостанция орқали янги маълумотлар ва Марказнинг кўрсатмалари олиб турилган¹⁷³.

Агитпоездда ҳаммаси бўлиб 158 киши бўлган. Улар асосан маданий-оқартув ишларини олиб боришда моҳир, большевиклар пропагандасини тарғиб ва ташвиқ этишда катта тажриба тўплаган, совет давлати ва коммунистларга содиқ пропагандистлар эди. Агитаторларнинг кўпчилиги татарлар бўлиб, улар Туркистон туб аҳолисига тил ва дин жиҳатдан яқин бўлганлиги учун большевиклар татарлар омилидан унумли фойдаланишган.

¹⁷² Меженина Е. Агитпоезд “Красный Восток”. – С.14-15.

¹⁷³ Меженина Е. Агитпоезд “Красный Восток”. – С.16-17.

ВСИКнинг агитация-инструкторлик поезди бўлган «Қизил Шарқ» 1920-йилда Москвадан Туркистонга 2 марта жўнаб кетган. Биринчи рейс 1920-йил 23-январда бошланиб, 16-июлда тугайди. Поезд маршрути Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Жиззах уездлари, Фарғона вилоятининг Қўқон, Хўжанд, Жалолобод шаҳарлари, Хўжанд уезди, Сирдарё вилоятининг Арис, Туркистон, Чимкент, Авлиёота шаҳарлари, Жалпактепа, Гороховск, Покровск, Александровск волостлари, Бухородаги манзилгоҳлар ҳамда Еттисув вилоятининг Пишпек уезди орқали ўтган.

«Қизил Шарқ» поезди Тошкентдан Москвага қуйидаги йўналишда 14 июнда жўнаб кетган: Арис, Чимкент, Пишпек, Перовск (Қизил Ўрда), Оренбург, Самара¹⁷⁴. Поезднинг иккинчи рейси Москвадан Тошкентга қараб 1920-йил 13-августда бошланиб, 1921-йил февралгача давом этган. Бу вақт ичида «Қизил Шарқ» агитпоезди Фарғона вилоятининг Хўжанд, Қўқон, Скобелев (Фарғона), Наманган шаҳарлари, Мелниково темир йўл станциясидаги ишчилар посёлкасида бўлган. Поезд 1920-йил 11-сентябрда Тошкентга қайтиб у ердан амирлик тузуми эндигона ағдарилган Эски Бухорога қараб йўл олган. Поезд 16-октябргача Янги Бухоро (Когон), Эски Бухоро, Чоржўй ва Қаршида бўлган. 16-октябрь куни поезд Тошкентга қайтиб, таъмирлаш учун Бош темирйўл устахонасига топширилган ҳамда у бу ерда декабрь ойигача бўлиб, сўнггра Закаспий вилоятига жўнаб кетган¹⁷⁵.

Совет даври тарихий тадқиқотларида «Қизил Шарқ» агитпоезди ҳақидаги айрим маълумотларнинг тўғри ёритилганлигини таъкидлаган ҳолда улар ўз вақтида мутлақо ёритмаган бир масалани айтиб ўтмоқчимиз. Тарихчи олим Қ.Ражабовнинг ёзишига қараганда, «Қизил Шарқ» агитпоезди комиссари ва сиёсий ходимлари Фарғона водийсининг Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон, Скобелев, Жалолобод, Ўш, Хўжанд шаҳарларида бўлишганида совет ҳокимиятидан норози бўлган кишиларни қамокқа олишган ва уларни кечкурунлари отиб ташлаб, жасадларини ҳам ёқиб юборишган. Қизил

¹⁷⁴ Ўзбекистон Миллий архиви, Р-20-фонд, 1-рўйхат, 95-иш, 5-6-варақлар.

¹⁷⁵ Меженина Е. Агитпоезд “Красный Восток”. – С.19-20.

аскарлар ҳатто маҳаллий аҳолини пулемётлардан ўққа тутишган. «Қизил Шарқ»даги қизил коммунистлар бу ишни Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Жиззах, Каттакўрғон ва бошқа шаҳарларда ҳам, Бухоро амирлигига қарашли манзилгоҳларда ҳам, амирлик ағдарилгач янги тузилган БХСР ҳудудида ҳам оммавий равишда амалга оширганлар. «Қизил Шарқ» поездининг Фарғона ва Бухородаги бундай катағон ва террор сиёсати, большевикларнинг жазо чоралари келгусида алоҳида тадқиқ этилиши керак.

«Қизил Шарқ» поезди 1920- йил 26- мартда Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шаҳрига етиб келади. РСФСРнинг фавқулодда ва мухтор вакили иштирокида бу ерда махсус кенгаш ўтказилади. Кенгашда Бухорода амирлик ҳокимиятига қарши курашни авж олдириш, амирлик ҳудудидаги рус манзилгоҳларида яшовчи европалик аҳолини қуроллантириб, амир сарбозларига қарши жангга юбориш, маҳаллий аҳоли ўртасида коммунистик ташвиқотни авж олдириш каби масалалар кўрилган¹⁷⁶.

Янги Бухородан агитпоезд Самарқандга қайтиб, бу ерда 1920- йил 17 – 20- апрелда ўтган РКП(б) Самарқанд уезд-шаҳар I конференцияси делегатларига махсус топшириқларни етказишади¹⁷⁷. Бу пайтда «Қизил Шарқ» поезди таркиби янги миқдордаги қизил аскарлар, комиссарлар, сиёсий ходимлар ва чекистлар билан тўлдирилди. Ҳатто агитпоезд томонидан русча «Красный Восток» газетаси ҳам нашр қилинган.

Хуллас, совет давлати ва большевикларнинг халққа қарши қаратилган сиёсатини асослашда, маҳаллий аҳолини советлаштириш жараёни ҳамда коммунистик ғояларни пропаганда қилишда «Красный Восток» агитпоезди катта ишларни амалга оширди. Бундан ташқари агитпоезд комиссарлари, чекистлар, қизил аскарлар Туркистон ва Бухорода катағон сиёсатини юритиб, маҳаллий аҳолини отиб ташлашди.

Совет ҳокимияти Туркистон ва Бухорода юритган миллий сиёсатида кўпроқ татар ва бошқирд коммунистларига суянган. Бухорода ҳам фаолият

¹⁷⁶ Ўзбекистон Миллий архиви, Р-20-фонд, 1-рўйхат, 107-иш, 14-16-варақлар.

¹⁷⁷ Меженина Е. Агитпоезд “Красный Восток”. – С.23.

кўрсатган ана шундай бошқирдлардан бири Карим Ҳакимов (1892 – 1937) ҳисобланади. У қизил армия таркибида 1920 -йил августда Бухорода амирлик тузумини тугатишда фаол қатнашган. Унинг бошчилигидаги татар-бошқирд қисмлари пойтахт Бухорони босиб олишда иштирок этганлар. 1920- йил сентябрда қайта ташкил қилинган Бухоро Коммунистик партиясини мустаҳкамлаш ишига жалб қилинган. РКП(б) МК секретари ва РСФСР ҳукуматининг Бухородаги фавқулодда вакили В.Куйбишевнинг талаби билан Карим Ҳакимов 1920- йил 13- октябрда Бухоро Коммунистик партияси янги таркибдаги Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди¹⁷⁸. Умуман олганда, Марказ Бухородаги мафкуравий жабҳани ўз қўлида тутиб қолиш учун татарлардан унумли фойдаланган. 1921- йил январь – октябрда В.Куйбишев ўрнига К.Ҳакимов РСФСРнинг БХСРдаги фавқулодда вакили лавозимида фаолият кўрсатган.

Совет даври тарихий адабиётларида янги ташкил топган БХСР ҳукуматига РСФСР ва Туркистон АССР каби совет республикалари маданий қурилиш соҳасида катта ёрдам берганлиги таъкидланади. Умуман олганда, бундай ёрдам берилганлигини инкор қилиш нотўғри. Бироқ бу ёрдам Бухоро заминида янги совет маданиятини шакллантириш ва унинг моддий базасини яратиш учун берилган ҳамда у беғараз мақсадда бўлмаган. Биз қуйида Бухоро Халқ Совет Республикасига РСФСРнинг маданий қурилиш соҳасига кўрсатган ёрдами ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Тадқиқотнинг аввалги ўринларида айтиб ўтилганидек, БХСР ташкил топган биринчи кунлардаёқ маданият ва халқ маорифини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган эди. Бухорода РСФСР ёрдамида ўқув муассасалари иши яхшиланган ва янги мактаблар ташкил қилинган. Бухорода «халқ инқилоби» ғалаба қилган дастлабки кунларда РСФСР билан Туркистондан келган мутахассислар ёрдамида қисқа муддатли турли хил курслар ташкил

¹⁷⁸ Гадилов Л., Гумеров Ф. Карим Ҳакимов (Историко-биографический очерк). – Уфа: Башкирское книжное издательство, 1960. – С. 59-60.

этилган. Бу курсларни 1921- йилдаёқ 1200 га яқин кадрлар битириб ўқитувчилик қила бошлади¹⁷⁹.

1923 – 1924- ўқув йилида БХСРда мактаблар сони 70 тага, ўқувчилар сони 4684 нафарга етди. Бундан ташқари маҳаллий аҳолининг 572 нафар боласи РСФСРдаги турли мактабларда таҳсил олди¹⁸⁰.

1923- йилда Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида 30 нафар бухоролик коммунист таълим олган. Тошкентдаги Ўрта Осиё коммунистик университети ишчилар факультетида 110 киши, Москвадаги Маориф уйида эса 220 ўсмир таълим олар эди.

1922- йил Эски Бухоро ва Янги Чоржўйда ўқитувчилар институти очилиб, унда республиканинг қуйи ва ўрта ўқув муассасалари учун тарбиячилар етиштирилади. Бу институтларда 1923 – 1924- ўқув йилида 150 нафар талаба таълим олган.

1923- йил 1- майда Эски Бухорода биринчи совет-партия мактаби очилиб, уни дастлаб 40 киши, 1924 йилда эса 75 киши битириб чиқди¹⁸¹. Большевиклар томонидан тайёрланган ана шу кадрлар ва мутахассислар кейинчалик Бухорода коммунистик мафкурани тарқатиш ва ёйишда фаоллик кўрсатишди.

БХСР билан РСФСР ҳукуматлари ўртасида тузилган қардошлик шартномасига мувофиқ деҳқонлардан 26 нафар ёш бухоролик 1921- йили Москва шаҳар ўқув юртларига таълим олиш учун юборилади. Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев 1922- йил 29- ноябрда РСФСР Маориф халқ комиссари Луначарскийга йўллаган мактубида 11 нафар бола турли мактабларда махсус фанлардан таълим олиш учун юборилаётганлигини билдиради ҳамда уларни ўзлари хоҳлаган ўқишларига жойлаштириб қўйишда, ётоқхона, кийим-кечак, озиқ-овқат ва ўқув қуроллари билан таъминлашда ёрдам кўрсатиши сўралади¹⁸².

¹⁷⁹ Шукуров А. Бухоро Республикасининг РСФСР билан ҳамкорлиги. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.25.

¹⁸⁰ Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. – С.198.

¹⁸¹ Шукуров А. Бухоро Республикасининг РСФСР билан ҳамкорлиги. – Б. 26.

¹⁸² Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 55-иш, 14-варақ.

Бу вақтда Бухоро хотин-қизлари ҳам ўқишга жалб қилина бошланди. Москвага ўқиш учун 22 нафар маҳаллий ўзбек хотин-қизлари юборилди. Бу тадбир Бухоро хотин-қизлар ҳаётида катта бир воқеа бўлди. Шунингдек, Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетида Бухородан 10 нафар қиз ўқишга юборилди.

1924- йил Москвада ўзбек ва рус тилларида ойлик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий характердаги «Бухоро турмуши» – «Бухарская жизнь» журнали ўзбек ва рус тилларида ҳам нашр этилди¹⁸³. Абдурахим Юсуфзода¹⁸⁴ муҳаррирлигида чиқарилган мазкур журналнинг биринчи — иккинчи қўшма сони (март-апрель, 1924- йил) чоп этилган.

Шуни айтиш керакки, Туркистон ўлкасида илм-фанни, маданиятни ривожлантириш учун мусулмон Шарқининг Истанбул, Қоҳира, Анқара каби шаҳарларида (инқилобдан аввал ва кейин ҳам) Абдурауф Фитрат, Усмон Хўжа, Миёнбузрук Солиҳов, Саид Хўжаев, Мулла Бекжон Раҳмонов, Саттор Жабборов, Ғозиолим Юнусов каби ўнлаб истеъдод эгалари ўқиб келадилар. Бироқ хорижда (Туркия, Миср, Германия) ўқиб келган юзлаб истеъдод эгаларининг тақдири қатағон йиллари фожиа билан тугалланди.

Бухорода маориф ва маданият соҳасининг ривожланиши ҳақида РКП(б) МК секретариатининг 1923- йил 9- январда чиқарган қарорида қуйидагилар кўрсатилган эди:

1. Москва шаҳридаги Бухоро элчихонаси ҳузурида Бухоро Республикаси ҳисобидан БХСР фуқароларининг болалари учун мактаб ташкил этилсин. Мактабни ташкил этиш ишлари Маориф халқ комиссарининг муовини ўртоқ Яковлевга ва Миллатлар халқ комиссарининг муовини ўртоқ Бройдога юклатилиб, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатилсин.

2. Мактаб учун дарҳол бино ажратишни Москва Совети (Мосссовет)га юклатиш зарур деб топилсин¹⁸⁵.

¹⁸³ Қаранг: «Бухоро турмуши» – «Бухарская жизнь» (Москва). 1924. №1-2. – 96 стр.

¹⁸⁴ Абдурахим Юсуф-Заде. Наши задачи // «Бухарская жизнь» (Москва). 1924. №1-2. – С. 13-16.

¹⁸⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 19-варақ.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати Германияда ҳам Бухоро ёшларининг илм олишлари учун шароит яратиб берган эди. БХСР Марказий Ижроия Комитети ва Ўрта Осиё Иқтисодий кенгашининг 1923- йил 19-сентябрь қарорига асосан Бухоро МИК раиси Порсо Хўжаевга Берлиндаги ўқувчилар турмушини текшириш топширилади.

1922- йил октябрь – ноябрь ойларида БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев Берлинга «даволаниш мақсадида» бўлади. Аслини олганда 26 яшар навқирон ва соғлом Бош вазир Файзулла Хўжаев Берлинга даволаниш мақсадида эмас, балки Германия ва Европанинг бошқа давлатлари билан иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун борганлиги ҳақиқатга яқиндир. Бироқ Москвани чалғитиш ҳамда большевикларни бу ташриф сиёсий мақсадни кўзламаган, у фақат «даволаниш» учун мўлжалланган деган фикрга ишонтириш лозим эди. Шунинг учун ҳам Файзулла Хўжаев Берлинга борганида германиялик малакали врачларга мурожаат қилган ва «даволанган».

Файзулла Хўжаев Берлинга етиб борганида Олмония газеталари «Бухоро Шўролар Жумҳуриятининг Халқ Нозирлар Шўроси раҳбари Файзулла Хўжаев Олмонияга сиёсий ҳамда тижорий ишлар билан келган. Берлиндан Англияга, Италияга, Францияга, Бельгияга, Чехословакияга ва Туркияга борадур эмиш», деган хабарлар ёзиб чиқардилар¹⁸⁶.

Файзулла Хўжаев 1922 йил ноябрь ойида Берлиндан Бухорога йўллаган махсус «Берлин мактублари»да шунинг учун ҳам ўз сафаридан кўзланган ҳақиқий мақсадни Москванинг сергак нигоҳи ва чекистлар назаридан пинҳон тутиш учун дастлаб қуйидаги фикрларни ёзган эди: «Олмониянинг пойтахти шаҳри Берлинга келганимга беш кун бўлди. Олмония билан Бухоро Шўролар Жумҳурияти орасида на сиёсий ва на иқтисодий муносабатлар бошланиб кетмаганлиги учун, мен Берлинга ғайри расмий суратда келиб, Олмония ҳукумат одамлари билан кўришмадим ҳам, Берлинга келмагимни ҳеч бир кимсага хабарда этмадим»¹⁸⁷.

¹⁸⁶ Қаранг: Файзулла Хўжа. Берлин мактублари (Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси раиси биродар Файзулла Хўжадан Марказий фирка кўмитасига келган) // «Бухоро ахбори» (Бухоро). №111. 1922 йил 19 ноябрь.

¹⁸⁷ Файзулла Хўжа. Берлин мактублари // «Бухоро ахбори». №111. 1922 йил 19 ноябрь.

«Берлин мактублари» хабарномаси XX аср дастлабки ўн йилликларида Европа давлатлари тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб, ўткир сиёсатчи ва давлат арбоби Файзулла Хўжа унда Европа сиёсатидаги энг ўткир нуқталарни ёритиш билан биргаликда Россия ва Туркия давлатларининг иқтисодий ахволи оғир бўлса ҳам, улар сиёсий назардан «бутун Оврупа давлатларидан қувватлидур», деб таъкидлайди. Мактуб қуйидаги жумла билан тугайди: «Янада бирлик ва бир мақсадга қараб – яъни озодлик ҳаракатидур»¹⁸⁸.

Хуллас, Файзулла Хўжаев бундан 100 йил олдин Туркия ва Бухоро халқларининг озодлик ҳаракати ва мустақил давлат тараққиёти йўлида биргаликда кураш олиб бориш ва ҳамкорлик қилиш зарурияти тўғрисида гапирган эди.

Умуман олганда, БХСР ҳукумати нафақат Бухородан, балки Туркистон АССР ва ХХСРдан ҳам иқтидорли ёшларни топиб, тайёрлаб, саралаб улардан 74 нафар талабани Бухоро давлати ҳисобидан таҳсил олиш учун Германияга юборган. БХСР ҳукумати раиси Файзулла Хўжаев талабаларни Германияга олиб бориш ва ўқишга жойлаштиришни Халқ маорифи нозири Абдулвоҳид Бурҳонов [Мунзим] (1875, Бухоро – 1934, Душанбе)га топширди. А.Бурҳонов шахсан ўзи бухоролик 44 талабани Германияга олиб бориб, 1921- йил Берлиндаги турли ўқув юртларига жойлаштириб қайтади. Фитрат талабаларимизни Германияда яхши ўқишга, келгусида ўз юртларига мутахассис бўлиб қайтиш ва унинг истиқболи учун фидойи ватанпарвар сифатида хизмат қилишга даъват этади. У ҳатто ўзининг тошкентлик шогирди Вали Қаюмхон ва бошқаларни Самарқандга олиб бориб, уларни Амир Темур сағонаси олдида қасам ичиради¹⁸⁹.

С.Айнийнинг «Қиз бола ёки Холида» номли дарслиги қизлар мактабига мўлжалланган бўлиб, у ўзбек тилида ёзилган. Бу ахлоқий-адабий асар янги замон мактаблари учун тузилган биринчи дарслик эди. Дарслик ўша пайтда Олмонияда ўқиётган туркистонлик 74 талаба ва адибнинг дўсти Абдулвоҳид

¹⁸⁸ Файзулла Хўжа. Берлин мактублари // «Бухоро ахбори». №111. 1922 йил 19 ноябрь.

¹⁸⁹ Қаранг: Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: «Академ-хизмат» босмахонаси, 2006; Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим. – Тошкент: Академнашр, 2018 ва б.

Мунзим кўмаги ва ташаббуси билан 1922- йилда Берлиндаги «Озод Шарқ» ширкати нашриётида чоп этилган. Гап шундаки, мазкур талабаларнинг 56 нафари Бухоро Халқ Республикасидан юборилган бўлиб, барча туркистонлик талабаларнинг ўқиш харажатини шу жумҳурият таъминлаб турар ва бунга ҳукумат раиси Ф.Хўжаев ҳамда халқ маорифи нозири А.Фитрат оталик қилишарди¹⁹⁰.

Манбаларда бу хусусида шундай маълумот бор: “Бухоро Жумҳурияти Берлин марказидаги «Барбаросс» кўчасида Бухоро тижорат ваколати учун беш қаватли бино сотиб олади ва келгусида талабаларга зарур бўлган сарф-харажатлар учун 9-10 йилга етадиган Олмон банкисида доллар жойлаштирган эди”. Унинг миқдори 125 минг долларни ташкил этиши ҳам ўша манбада қайд этилган. Унда талабалар ҳатто ўзларининг адабий-ижтимоий ва илмий руҳдаги «Кўмак» номли журналини чиқариб турганлар. Улар А.Фитратнинг «Ҳинд ихтилочилари» драмасини ҳам ўша нашриётда чоп этилишига эришганлар.

«Қиз бола ёки Холида» ўттиз дарсга мўлжалланган. Ҳар бир дарс материали ўзига хос адабий-ахлоқий тарихий лавҳа шаклидадир. Уларда назарий билимнинг амалиёт билан алоқадорлиги, меҳнатнинг фойдаси ва меҳнатсеварлик, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва бошқа қатор масалалар тўғрисида баҳс юритилади.

Файзулла Хўжаев Берлинга борганида Германияда таҳсил олаётган бухоролик ва туркистонлик талабаларнинг аҳволидан хабар олади. Уларнинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича аниқ кўрсатмалар беради.

Бироқ 1924- йил кузида Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, мустақил Бухоро ва Хоразм давлатлари тугатилди ҳамда 1925- йил февралда Ўзбекистон ССР ташкил қилинди. Ўзбекистон ССР тузилгач, Германияда ўқиётган бухоролик талабаларни маблағ билан таъминлаш тўхтатилди ва улар Ватанга қайтарилди. Уларнинг баъзилари Боку, Тошкент, Москвада ўз ўқишларини давом эттиришди. Бироқ Ўзбекистон ССРга қайтган

¹⁹⁰ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. – Бухоро: «Дурдона», 2015. – Б.139-173.

талабалар XX аср 30 йиллари ўрталарида мустабид совет давлати томонидан катагон қилинди. Германияда қолган собиқ бухоролик талабалар кейинчалик фан ва маданият соҳасида кучли мутахассис бўлиб етишдилар ҳамда улар катта натижага эришдилар.

Бухоро Халқ Совет Республикасида маориф ва маданиятни ривожлантиришда ҳукумат мутасаддиларидан Қори Йўлдош Пўлатов, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Саид Аҳрорий, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Маҳмуд Субоҳ (Субой) каби тарихий шахсларнинг фаолияти муҳим роль ўйнаган. Қори Йўлдош Пўлатов ўз номи билан аталувчи биринчи музейга 1922- йилда Бухорода асос солди. Саид Аҳрорий ўзбек тилида чоп этилган «Бухоро ахбори» газетасининг биринчи муҳаррири эди. Абдулҳамид Чўлпон «Бухоро ахбори» газетасининг 41- сонидан 67-сонига қадар муҳаррирлик қилган¹⁹¹. Ўтган давр ичида адибнинг «Бухоро ахбори» саҳифаларида 15 тача шеър ва ўнлаб публицистик мақолалари чоп этилган¹⁹².

БХСР ҳукумати ўзининг тўрт ярим йиллик тарихи даврида миллатимизни замонавий тараққиёт даражасига кўтариш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Маориф ва фанни ривожлантиришга, жаҳонда ўз муносиб ўрнимизни эгаллашнинг тамойили деб қаради. Кўпгина иқтидорли ёшларимизни хорижий мамлакатларга таълим олиш учун юборди¹⁹³.

БХСРда маданиятни ривожлантириш, одамларнинг саводини чиқариш учун, янги қонун ва қарорлар қабул қилинган.

БХСРда аҳолини маданий ҳаётга кенгроқ тортиш учун 1923 – 1924- йилларда 5 та клуб, 10 та қизил чойхона очилган эди. Қизил чойхоналар ва клублар турли вилоятларда ҳам ташкил қилинган¹⁹⁴.

БХСРда маданият муассасалари ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилади.

¹⁹¹ Қаранг: Сафаров О., Сафарова Х. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: Муҳаррир, 2013. – Б.68-70.

¹⁹² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.611.

¹⁹³ Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С., Раҳмонов К.Ж. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. – Б.74-75.

¹⁹⁴ Раҳмонов Қ. Бухоро Халқ Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. - 104-б.

Масалан, 1922 – 1923- ўқув йилида давлат бюджетидан маориф ишлари учун 5,6%, 1923 – 1924- ўқув йилида эса 21% маблағ ажратилган¹⁹⁵.

Архив ҳужжатларида кетирилишича, Бухородаги маориф ва маданият тизимида муаммолар кўплиги эътироф этилган. Масалан, Шеробод вилоят маориф шўбасида, маориф ишлари хусусида ҳеч бировдан ҳеч бир ёрдам тегмайди. Хусусан, маориф бўлимига бир қоғоз ёзсак, қоғозимизга жавоб ёзмайдирким, маориф хизматчилари чит, озуқа маҳсулотлари ҳам берилмаган¹⁹⁶. Яна Қарши вилоят маориф ишлар хусусида, ушбу идорада бир вакил, бир муовин, бир мирзо, жами 3 нафар одам бўлган. Мактаб бинолари ҳар жиҳатдан ўқиш учун тайёрланилган. Намуна мактаби кам бўлгани учун ҳам талабаларнинг кўпи шу мактабда ўқишни хоҳлашган. Қарши вилоят маориф ваколати хусусида ўлка раҳбари Аброр Камолиддинов томонидан 5 нафар одамдан иборат илмий шўро ташкил қилинади. Вилоят мусиқа мактабига яхши бир бино ҳозирланиб, мусиқа ишларини раҳбари Ғанизода ўртоққа топширилади¹⁹⁷.

БХСРда совет ҳукуматининг қонунларини амалга жорий қилиш қийинчилик билан олиб борилди, чунки аҳоли орасида эксплуататорлик элементларининг мавжудлиги, мусулмон динининг устунлиги ва маҳаллий аҳоли онгининг паст эканлиги бунга сабаб бўлди. Оғир ўтмиш асоратларини йўқотиш учун, ҳақ-ҳуқуқсиз бўлган аёллар орасида ўзига ишонч туйғусини уйғотиш, уларнинг сиёсий ва маданий даражасини кўтариш ва янги жамият қатламини шакллантириш учун уларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш ниҳоятда қийин кечди¹⁹⁸. Хуллас, БХСРда эскидан қолган мафкурага қарши кураш бошланди, миллатлар орасида ўзаро бир-бирига ишонч ва ҳурмат пайдо бўлди.

¹⁹⁵ Рахмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2009. – Б.24.

¹⁹⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 20-варақ.

¹⁹⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 136-варақ.

¹⁹⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 242-варақ.

БХСРда халқ таълимини ривожлантириш ва маълумотсизликни йўқотиш билан биргаликда маданий муаммоларни ечишга, хусусан фуқароларнинг сиёсий тарбияси масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди¹⁹⁹.

Ф.Хўжаев бошлиқ Бухорода илм-маърифат, халқ маорифини тараққий эттиришда Қори Йўлдош Пўлатов, Абдулвоҳид Бурҳонов, Абдурауф Фитрат, Аҳмаджон Ҳамидий каби ўнлаб маърифатпарварлар, зиёлиларнинг мавқеи катта бўлди. Ўлкада сиёсий-оқартув ишларини йўлга қўйиш, эски мактабларни сиқиб чиқариш, янги усул мактабларни ташкил этиш, мактаблар ва курслар учун дарсликлар ёзиш ҳамда программалар тузиш ва халқ оммасини саводхон қилиш йўлида улар зўр фаолият кўрсатдилар²⁰⁰.

Бироқ большевик раҳбарларининг асосий ғояси маҳаллий халқларни тезроқ советлаштириш ва халқ онгига коммунизм мафкурасини мажбуран сингдириш эди.

Тарғибот-ташвиқот ишларини янада яхшилаш мақсадида, 1923- йил 2 - апрелда БХСР ҳукумати таркибида Тарғибот ва ташвиқот (Агитпроп) маркази ташкил этилиб, уни бир киши бошқарган. Тарғибот ва ташвиқот (Агитпроп) маркази катта ҳажмдаги оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишларни маҳаллий халқ орасида амалга ошириб, совет режими ғояларини маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ва маданий-оқартув шароитларидан келиб чиққан ҳолда тарғиб қилди. 1921- йили Бухоро Компартияси Марказий Комитети республикада тарғибот ишларини ташкил қилиш учун, ташвиқот пароходи ва карвонларини тузганлар. Бухоро Телеграф агентлигининг ташвиқот карвонлари ҳар хил ранглар, байроқлар, адабиёт ва музыкалар билан безатилиб, Шарқий Бухорога жўнатилган²⁰¹.

Маданий-оқартув муассасалари ўз фаолиятларида турли хил ноанъанавий, маҳаллий халқ руҳиятига мос келмайдиган тадбирлар ҳам ўтказар эдилар. Масалан, «янгича турмуш» рукни остида ўтказилган қатор

¹⁹⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 242-варақ.

²⁰⁰ Мажид Ҳасанов. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1991. – Б. 45.

²⁰¹ «Известия ТуркЦИКа», 28 сентября 1920 г.

тадбирларда европача турмуш тарғиб қилиниб, миллий урф-одатлар, оилавий муносабатлар ва диний маросимлар «хурофот» деб тарғиб қилинди²⁰².

Хуллас, БХСРда мавжуд барча қийинчилик ва тўсиқларга қарамасдан, мамлакатда замонавий маданиятни тарғиб қилиш учун анча катта ишлар амалга оширилди.

«Бухоро ахбори» газетаси ўзининг 1920- йил 11- октябрдаги 5-сониди шундай ёзади:

“1. Бу кунда Бухоро жумҳуриятидан нозирлар шўроси тарафидан билдириладиким, бутун Бухоро мамлакатларидаги эски ҳукумат маъмурларида қолган эски ва янги китоблар маориф нозирлигига топшириладур.

2. Четдан шул эски мактабларни қурмак ва китоб олмоқ учун келганлар маориф нозирларидан шу таб ижозат олмоқлари керакдир.

3. Бу кундан эътиборан Бухоро жумҳуриятидаги бор ўқув ёзув асбобларини сотиб олмоқ бутун кишилар учун ман қилинадур. Маориф назоратидан ижозатсиз шул ўқув асбобларини четга чиқармоқ қатъий ман қилинади.

4. Баъзи хусусий кишиларга эски китоблари бутун сотмоқчи бўлсалар, четга чиқармасдан маориф идорасига келтириб ўз баҳосида ақчасини олсунлар ва шул БХСРда «Бухоро ахбори» номли газета 1920 йил сентябрда ўзбек тилида 132 700 нусхада чоп қилинди ва 5 минг нусхада катта тиражда чоп қилинди²⁰³. Жойлардаги газетани етказиб беришдаги мавжуд қийинчиликлар ва аҳолининг оммавий тарзда маълумотсизлиги туфайли газетанинг чоп қилинадиган сони унча катта бўлмаган. Шунинг учун ҳам нашриётнинг маҳаллий бўлими оғзаки газеталарни рус ва маҳаллий тилда нашр этиб, уларнинг ўқиб берилиши кўплаб тингловчиларни жалб қилган. Оғзаки газетанинг биринчи сони 1921 йил 4 февралда чоп қилинган²⁰⁴. Газеталар

²⁰² Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррир: Қ.К. Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 336.

²⁰³ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 5-варак.

²⁰⁴ «Правда», 9 февраля 1921 г.

қизил чойхоналарда, Эски Бухоро, Чоржўй ва бошқа шаҳар жойларида ўқилган ва тарқатилган.

Туркистон АССРнинг ёрдами билан БХСР ихтиёрига печать машинкаси ва мутахассислар юборилиб, тезда газета ва қоғозларнинг ўша жойда чиқарилиши йўлга қўйилди.

1921 йил апрелда Бухоро Компартияси Марказий Комитети (БКП МК) тарғибот ва ташвиқот ишларининг кенг тарзда олиб борилиши, босмахона органи ва бошқаларнинг фаолиятини инобатга олган ҳолда қарор қабул қилди, яъни тарғибот-ташвиқот бўлими ҳузурида босмахона бўлимини ташкил қилиш, кенг оммани адабиёт фаолияти билан шуғулланиши мақсадида босмахона бўлимида адабиёт комиссиясини ташкил этиш лозим бўлган²⁰⁵. Газеталар БХСР халқлари ҳаётини изга солиш ва совет мафкурасини мустаҳкамлашга катта хизмат қилди. Маҳаллий тилдаги газеталар кенг халқ оммасига Бухоро Коммунистик партияси ва Совет ҳокимиятининг сиёсатини тарғиб қилиш учун роль ўйнади.

Газеталарда Совет ҳокимиятининг декретлари, Бухоро Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг энг муҳим қарорлари чоп қилиб чиқарилди. Она тилида босиб чиқарилган бу ҳужжатлар кенг халқ оммасига етказилиб, уларнинг республика халқ хўжалиги ва маданияти олдида турли муаммоларни ечиш ва соҳани ривожлантириш учун халқнинг фаоллигини кучайтирди. Даврий матбуот ислом дини ва уламоларга нисбатан душманлик сиёсатини олиб борди.

Маҳаллий газеталар, хусусан «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» ёши катта аҳоли орасида илмсизлик ва маълумотсизликни йўқотишга қарши курашди. 1924 йили апрелда «Озод Бухоро» газетасида «Мактабда мажбурий таълим олиш» тўғрисидаги декрет чоп қилинди²⁰⁶.

«Бухоро ахбори» (1923 йил сентябргача), «Озод Бухоро» ва «Известия» газеталари шаҳар ва қишлоқларда чиқариладиган деворий газеталарнинг

²⁰⁵ «Известия» БКП МК Марказий Комитети нашри, 1920 йил 25 сентябрь.

²⁰⁶ «Озод Бухоро», 1924 йил 7 апрель.

тахририят ҳайъатига катта ёрдам берди, яъни деворий газеталарнинг ғоявий-сиёсий таркибини яхшилашга ҳамда бу газеталарнинг индивидуал ва жамоавий бўлган тартибда аҳолига ўқиб беришни ташкил қилишда кўмаклашди.

Даврий матбуот ёрдамида республиканинг раҳбар органлари маҳаллий халқларнинг БХСР ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётига кенг фаол иш олиб боришларини таъминлади.

Қизил армия қисмларида «Қизил юлдуз» («Красная звезда») газетаси чоп қилинган (бошида ҳар куни, 1924 йил 10 сентябрдан бошлаб ҳар икки кунда бир марта). 1924 йил декабрдан бошлаб, Шарқий Бухорода «Босмачилик ҳақида» ва «Қизил юлдуз» газеталари ҳам чоп қилина бошланди ва улар маҳаллий аҳоли орасида тарқатилди²⁰⁷. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб БХСРда журналлар ҳам нашр қилина бошланди.

1923 йил 10 февралдан бошлаб БХСР Халқ нозирлигининг ташаббуси билан ойлик «Маориф ва маданият» («Просвещение и культура») деб номланувчи адабий-педагогик журнал ҳам чиқа бошлади. Журнал Бухоро ва Туркистондаги барча маданий кучларининг ҳамкорлигида бир ойда 2 марта чиқарилиши керак эди. Журналнинг биринчи сони 1923 йил 2 мартда чиқди²⁰⁸. Бу журналда хўжалик ва маданий қурилиш масалалари, партиянинг алоҳида бўлимлари, совет ва хўжалик аппаратининг камчиликлари, БХСР иқтисоди ва маданиятининг истиқболдаги ривожланишнинг асосий масалалари ҳақида фикр юритилар эди.

Бухоро ёшларининг ташаббуси билан Ковиш қишлоғида «Ковишли бола»²⁰⁹ номли биринчи болалар журнали чоп қилина бошланди. Ёшлар ташаббуслари билан ўзларининг қишлоқларига журнал чоп қиладиган станокни ўрнатдилар.

²⁰⁷ Қаранг: Шарипов Я. Бухоро Халқ Совет Республикаси социалистик тараққиётга ўтиш босқичи сифатида (1920 -1924) . Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1955. – Б.211.

²⁰⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 182-иш, 403-варақ.

²⁰⁹ «Известия» БКП МК Марказий Комитети нашри, 1921 йил 14 май.

1923 йили майда бирлашган ҳарбий курслар органининг биринчи ойлик журнали «Қизил найза» («Красный штык») чиқа бошлади²¹⁰. Шу билан бирга, «Нажот» (форс тилида) ва «Мактаб ва ҳаёт» икки ҳафталик журналлари иккинчи даражали ишчилар мактабининг Янги Бухоро таҳририят ҳайъати томонидан чиқарила бошланди²¹¹.

Маҳаллий матбуотлар билан бир қаторда РСФСР ва Туркистон АССРда чоп этиладиган марказий «Правда», «Известия», «Туркестанская правда» ва бошқалар Бухоро республикасида ҳам кенг тарқала бошлади.

Бухоро амирлигида китоблар чоп қилинмаган ва нашрдан чиқмаган. Амирликда барча чиқадиган китоблар қўлёзма бўлган. Босмаҳоналар фақатгина рус манзилгоҳларида, яъни Янги Бухоро ва Янги Чоржўйда бўлган. Ҳар бир босмаҳонада биттадан катта бўлмаган тўрт ҳажмли босмаҳона машиналари бўлган²¹². Шунинг учун ҳам китоб нашр қилиш ва нашриётчилик иши ёш Бухоро Республикаси учун маданий қурилиш соҳасида асосий соҳалардан бири бўлди. 1920 йилнинг ўзидаёқ БХСРда биринчи давлат нашриёти ташкил қилинган эди. Унинг тасарруфига бир неча эски ва бузилган нашриёт машинкалари ҳамда бир нечта мусулмон алифбосидаги ҳарфларнинг ҳам шрифти берилган. 1920 – 1921 йилларда БХСРнинг давлат нашриёти биринчи навбатда Эски Бухорода биринчи давлат нашриётини ташкил қилиш билан шуғулланди ва бу босмаҳона битта катта машинка ҳамда битта «американча» машинкаси билан жиҳозланган эди²¹³.

1921 йили октябрда БХСР ҳукумати Давлат нашриётини қисқартирди, ҳамда Бухоро Телеграф Агентлиги (БухТА)ни ташкил қилди.

1923 йил мартида нашриёт бўлими Молия нозирлигидан БХСР Халқ Хўжалиги Олий Кенгашига берилди ва бу ташкилот биринчи давлат нашриётини тартибга келтириб, уни машиналар билан жиҳозлади. Лекин кўпинча нашриёт Маориф нозирлигининг буюртмаларини бажариб унинг

²¹⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 164-иш, 17-варақ.

²¹¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 57-иш, 3-варақ.

²¹² Бухоро давлат хўжалик режаси 1923 – 1924 йиллар учун. 199-бет.

²¹³ Бухоро давлат хўжалик режаси 1923 – 1924 йиллар учун. 200-бет.

ўқувчилари учун китоблар нашр қилган. 1923 йил сентябрда БХСР Нозирлар Шўроси полиграфия бўлимини Савдо ва саноат нозирлиги тасарруфидан Маориф нозирлиги тасарруфига беради²¹⁴. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш жоизки, айрим нозирликлар Бухорода китоб нашриётининг тараққиётига катта аҳамият қаратмаганлар. Масалан, Савдо нозирлиги керакли маблағларни ўз вақтида ажратмаган ва айрим босмахона машиналарини бермаган, яъни республикадаги матбаачилик ишининг ташкил этилишига салбий таъсир кўрсатган²¹⁵.

Нашриётчи кадрларни тайёрлаш мақсадида Маориф нозирлиги, ҳукумат олдида Бухорода полиграфия курсларини очиш масаласини кўяди. Бу курснинг очилишига 20 минг рубль сарфлайди²¹⁶. Халқ китобларини ҳамда брошюраларни тайёрлаш ва нашр қилиш учун 1923 йилда БХСРда махсус гуруҳ ташкил қилиниб, унинг ходимлари бошқа республикалардан таклиф қилинди²¹⁷.

1923 йилда Эски Бухородаги давлат нашриёти бир нечта иқтисодий ва сиёсий мавзуда китоблар нашр қилган.

Шарқий Бухорода ҳам нашриёт ва матбаачилик ишини йўлга қўйиш бўйича чора тадбирлар амалга оширилган эди. 1923 йилда республика халқ нозирлари Душанбе шаҳрида кичик нашриётларни очишга қарор қилди. Сўнгра мутахассис нашриётчи юборилиб, ўзи билан қўлда печать қилинадиган босмахона ускунасини олиб келиши керак бўлган. Бу машинада одатда катта бўлмаган варақалар печать қилинган²¹⁸.

Қардош республикалар БХСРга керакли бўлган халқ адабиётларини нашр қилишга ёрдам берди. Шундай қилиб, 1924 йил февралда Татаристон АССРнинг давлат нашриёти БХСР учун 110 та турли хил китобларни,

²¹⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 223-иш, 12-варақ.

²¹⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 182-иш, 402-403-варақлар.

²¹⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 182-иш, 403-варақ.

²¹⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 180-иш, 403-варақ.

²¹⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 167-иш, 31-варақ.

Туркистон АССРнинг давлат нашриёти эса 10 мингдан ортиқ нусхада китобларни чоп қилиб берган²¹⁹.

Хулоса қилиб айтганда, БХСРда адабиёт ва санъат соҳаларида катта ўзгаришлар қилинди. Айниқса, Фитрат, Айний, Чўлпон, Ҳамза ва бошқаларнинг ҳамкорлиги натижасида Бухорода ўзбек адабиёти ва санъати хазинасини бойитган кўплаб асарлар яратилди. Хусусан, машҳур шоир Чўлпоннинг Бухородаги қисқа муддатли фаолияти жуда сермахсул кечиб, дурдона асарлар яратди.

Совет ҳокимияти ва большевиклар БХСРда советлаштириш ва руслаштириш жараёнини бошлаш, коммунистик мафкура таъсирини кучайтириш учун барча воситаларни ишга солди. Бунинг учун агитаторлик ва инструкторлик поездларидан бири бўлган «Қизил Шарқ» агитация поездини ташкил қилиб, 1920-1921 йилларда уларни иккита рейс билан Туркистон ва Бухоро республикаларига жўнатди. «Қизил Шарқ» агитпоезди ходимлари фақат пропаганда олиб боришдан ташқари, совет ҳокимиятини қабул қилмаган маҳаллий аҳолини қамоққа олиш ва отиб ташлаш билан ҳам шуғулланди.

²¹⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 37-варақ.

3-БОБ. БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МАОРИФ, МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЛАТИ

3.1. Маориф ва халқ таълими соҳасининг аҳволи, ислохотлар учун кураш

БХСР ҳукумати таркибида маориф нозирлиги 1920 йил 29 ноябрда ташкил этилди. Ушбу нозирлик зиммасига замон талаблари асосида таълим-тарбияни йўлга қўйиш масъулияти юклатилган, ҳамда бу йўналишдаги фаолият қирралари даврий матбуотда ўз аксини топган²²⁰. Шунингдек, БХСР мактаб раҳбарларининг, мактабларнинг мақсадларини халққа тушунтириб, зарур вақтларда йиғинлар ташкил этиб, умумий халқ учун маърузалар тайёрланиб, сиёсий ва илмий оқимлар ҳақида аҳолига маълумотлар берилган. Бу каби фаолиятлар асосан, туман ва қишлоқларда олиб борилган. Маориф шўбасига мактабдан ташқари ишлар ҳам, бошқа ҳукумат муассасаларнинг ишлари ҳам топширилган. Хуллас, мазкур ташкилот мактабга оид, мактабдан ташқари ишлар билан ҳам шуғулланган. Мактаб раҳбари ҳар ойда икки маротаба маориф шўбасига ўзининг қилган ишлари юзасидан маъруза ҳисобот топшириб турган. Мактаб раҳбари ўзи ҳам бирор қонун чиқариб фармон бериш ҳуқуқига эга бўлмагунча, фақат маориф шўбаси томонидан чиқарилган қонун лойиҳа низомлари бўйича иш олиб боради. Иш юритишда бу низомлар асос бўлиб, мактаб раҳбарлари, улар бўлмаганда эса маориф шўбаси ва муаллимлар томонидан ижроси назорат қилинган²²¹.

Бухорода XX асрнинг 20 йилларига келиб, БХСРнинг Маориф нозирлиги аппаратини қайта ташкил қилиш ҳақидаги Низоми яратилди. Бухоро шароитида таълим улкан маънога эгаллигини ҳисобга олиб, халқ таълими ишларини тўғри йўлга қўйилиши бўйича текширувлар олиб борилганда

²²⁰ Рахмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2009. – Б.92.

²²¹ Мурожаатнома // «Бухоро ахбори», 34-сон.1921йил 1 май.

умумий қабул қилинган тизим бўйича, ҳар бир бўлим фаолиятини аниқ тақсимоти ҳамда маълум соҳа ишининг бажарилиши бўйича муаммо ва камчиликлар борлиги аниқ бўлиб қолди.

Муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, Маориф нозирлиги аппаратини қайта ташкил қилиш таклиф қилиниб, янги ташкилотнинг асосига қуйидаги қоидаларни қўшиш таклифи берилди:

а) Маориф нозирлиги бошқарувчи ходим томонидан бошқарилади. Ходимлар таркиби тезкор бўлимлар мудирларидан ташкил топиб, 5 кишидан ошмаслиги керак. Ходимнинг ҳар бир аъзоси ўз фаолияти бўйича бевосита нозирга бўйсунди. Сиёсий маънавият мудирини Нозирдан бошқа, ғоявий ташкилотчилик маъносида ҳокимиятга аъзо бўлган Марказий қўмитанинг Бухоро бўлимининг очиқ пропаганда ходимига ҳам бўйсунарди.

б) Нозирлик аппарати қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

1. Хўжалик қисмини ўз ичига олувчи бошқариш бўлими.
2. Ахбаротни ўз ичига олувчи ташкилий йўриқчилик бўлими.
3. Таъминот бўлимлари.
4. Социал партия бўлимлари.
5. Касб таълим бўлимлари.
6. Сиёсий маънавият бўлимлари.
7. Илмий совет бўлими.
8. Давлат нашриёти.
9. Молия бўлими²²².

Таъкидлаш жоизки, БХСР маданият ва маорифни ривожлантиришга жон-жаҳди билан киришди. Республика ҳукумати аҳолининг ёппасига саводсиз эканлигини ҳисобга олиб, халқ маорифи эҳтиёжлари учун 13 миллион сўм пул ажратди²²³.

Бухорода илм-маърифат, халқ маорифини тараққий эттиришда Файзулла Хўжаев бошлиқ Қори Йўлдош Пўлатов, Абдулвоҳид Мунзим, Абдурауф

²²² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 57-иш, 164-варақ.

²²³ Файзулла Хўжаев. Танланган асарлари. Уч жилдлик. II жилд. – Тошкент: «Фан», 1976. 49-бет.

Фитрат, Аҳмаджон Ҳамдий каби ўнлаб маърифатпарварлар, зиёлиларнинг мавқеи катта бўлди²²⁴. БХСРда мактабни йўқдан барпо этиш учун эскилик тарафдорлари ва янги ҳукуматга қарши кучлар билан қаттиқ курашишга тўғри келди. Чунки улар халқни янги мактабларнинг очилишига қарши қўйиш кучига эга эди. Яна бир томондан янги турдаги мактаб тизимини қуришга ҳамда ташқи ва ички аҳволнинг мураккаблиги ҳалақит берарди.

1920 йил 8 октябрда халқ таълим-тарғибот ишларини ривожлантириш учун, раҳбарлик қилиш учун, таълим-тарғибот назорати барпо этилади ва жойларда унинг бўлимлари очилади²²⁵. Хусусан, маориф соҳасида Низом лойиҳасига кўра иш юритилган, режа асосида иш олиб борилган. Архив маълумотларининг гувоҳлик беришича, Бухорода бир неча янги тартиб мактаблари очилган эди. Бу мактабларнинг ҳар бирига 40-50 бола келиб ўқир эди. Лекин ҳар куни ҳар тарафдан босқин ва таъқиблар бўлса ҳам бу мактабларга бола келиши камаймади. Балки, кундан кунга оз вақт ичида халқнинг фикри бу мактабларга нисбатан ўзгариб ижобийлашиб борди. Эндиликда бу мактабларга алоқаси бўлмаган шахслар ҳам моддий ёрдам беришиб, мактаб таъминотини ўз зиммаларига олишди²²⁶.

Масалани яна бир томони, туманларда маориф ишлари анча муаммоли кечган. Масалан, Қорақўл тумани маориф ишлари хусусида туманда бир ибтидоий мактаб бўлган. Қорақўл туманида 1920 йил 21 октябрдан эътиборан, ушбу ибтидоий мактаб очилиб, 35 нафар талаба қайд қилинган. Қорақўл туманининг ибтидоий намунавий мактаби талабаларнинг давоматида 35 нафар талаба қайд қилинган бўлсада, маориф вакили бўлмаганлигидан, ижроқўм раиси Аҳмед маорифга ёрдам бермаганлигидан бўлса керак, 15-20 нафар талаба ўқиб келган. Туманда мактаб мудир тарафидан ижроқўмга маълумот берилган бўлсада, берилган маълумот натижасиз қолганлиги маълум. Ижроқўм раиси муовини оқсоқолларни тўплаб, ташвиқотлар олиб борилиши натижасида 15 нафар талаба мактабга келиб қайта дафтарга ёзилади. Ижроқўм

²²⁴ Ҳасанов М. Файзулла Ҳўжаев. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1990. 45-бет.

²²⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 43-варақ.

²²⁶ Яна мактаб масаласи // «Бухоро ахбори», 64-сон. 1922 йил 11 январь.

раис муовини ҳар вақт мактабга ёрдам бериш ваъдаларини берсада мактаб биноси вақтида таъмирланмаган. Таъминот қонунига мувофиқ бўлмаганлиги, кичик бино бўлганлиги учун ижарага янгидан бир бино олиш маслаҳати ҳам кўриб чиқилади. Натижада, бир яхши бино танланиб, мактаб шу янги бинога кўчирилади. Қорақўл ибтидоий мактабида 2 нафаргина муаллим бўлган. Ўқитишга яхшигина салоҳияти бор муаллимлар ўзларида қанча маълумот бўлса, ўшанча талабаларга сарф этганлари маълум²²⁷. Аммо, Қорақўл туманидаги маориф ишларини яхши йўлга қўйиш учун марказдан бир раҳбар тайин қилиш лозимлиги аниқ эди. Хуллас, БХСРда маориф ва маданиятни ривожлантириш ҳамда маълум бир тизимга солиш ўзига хос машаққатли бир йўлни босиб ўтишни талаб қилган.

Вилоят ва туманларда ўлка мактаб шўбасидан берилган ҳафталик ўқув жадвали бўйича ўқитилиб, мана шу жадвал асосида намуна дарслари яратилган²²⁸. Яхши маълумотли, маориф ишларида тажрибали ходимлар ва муаллимлар етишмаслиги вилоят ва туманлардаги асосий муаммолардан эди. Чунончи, архив маълумотларини ўрганиш давомида қуйидагилар аниқланди:

I. Кармана вилояти маориф ишлари хусусида маълумот берилишича, Кармана маориф ваколати идорасида бир вакил, бир раҳбар, бир ходим, жами 3 нафар ходим фаолият юритган. Маориф вакили Ғайбулло Хўжақул ерли халқдан бўлиб, Маориф ва ўқув ишларидан маълумоти бўлмаса ҳам бир даража маориф ишларини яхши йўлга қўйган. Маориф раҳбари: Темур Шокир ўғли туркистонлик бир нўғай бўлиб, маориф ишларида иқтидорли одам бўлиши билан бирга ўз соҳасининг яхши билимдони ҳам бўлган.

II. Кармана вилоятида учта ибтидоий мактаблар бўлиб, бири Хатирчи туманидадир, бир меҳмон сағирхона, бир китобхона ва бир театрхона биноси ва бир мусиқа курси ва бир хат саводсизликни битирув курси ҳам бўлган.

²²⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 51-варақ.

²²⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 54-варақ.

1. Биринчи ибтидоий намуна мактаби Бешкент қишлоғида очилган бўлиб, 50 нафар талаба қайд қилинган, лекин 30-35 нафар талаба ўқишни давом эттирган.

2. Иккинчи ибтидоий мактаб Гулобод қишлоғида бўлиб, 47 нафар талаба қайд қилинган, мазкур мактабда талабаларнинг давомати яхши бўлган.

3. Хатирчи тумани мактабида 40 нафар талаба қайд қилинган бўлсада, талабаларнинг давомати кам эди.

4. Меҳмони сағирхона: Ҳукумат тарафидан яхши таъминланган бўлсада, мураббийлар тарафидан талабаларга яхши тарбия берилмаган ва мудир Субҳоноллоҳ Халиловнинг сағирхона идора қилиши ва ҳўжалик фаолияти тартибсиз равишда олиб борилган.

5. Кармана кутубхонасида китоблар ва журналлар озлигидан бўлса керак, ўқувчилар кам.

6. Муסיқа курсида 19 нафар ерли халқ талабалари бўлиши билан бирга, ўқишни яхши давом эттирган. Муаллимлари жиддий равишда ишлашган.

7. Хат саводсизликни битирув курси: ерли халқдан 15 нафар ва бир нўғай жами 16 талаба қайд қилиниб, курсни давом эттиришган.

III. Кармана вилоят ибтидоий мактаб муаллимлари 1921-1922 йил ёзги таълим-тарбия курси талабалари бўлиб, ибтидоий мактабларда ишни давом эттиришган.

IV. Меҳмони сағирхона талабаларининг берган маълумотларига биноан Россияга қайтиш ҳаваслари бўлиб, шу хусусида меҳмони сағирхона талабалари томонидан 39 рақамли ариза маориф назоратига тақдим этилган²²⁹.

Хуллас, Кармана вилоятига яхши маълумотли таълим-тарбия ишларида тажрибали мутахассислар юбориш керак эди. Шаҳрисабз вилояти маориф ишлари хусусида архив ҳужжатларида қуйидаги маълумотлар сақланиб қолган:

1-модда: Шаҳрисабз вилояти маркази ваколати идорасида, бир вакил, бир раҳбар, бир мирзо – жами 3 нафар одам бор.

²²⁹Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 54-варақ.

1) Маориф вакили бухоролик Ҳожи Арслон Умар ўғли маориф ва ўқув ишларидан маълумоти бўлмасада, бир даража тажрибаси бордир. Маҳаллий идоралар тарафидан маориф ишларининг яхши боришига монъелиги йўқлиги эътиборга олинган. Шундай бўлсада ўз вазифасини бажармоққа иштиёқ билан сарф қилиши англашилди.

2) Маориф раҳбари: Вилоят марказидан тайин қилинган доимий маориф раҳбари йўқ эди. Маҳаллий идорага маориф вакиллари тарафидан фирма саркотиби Нозим Фахриддин ўғли раҳбар қилиб тайинланган. Бу ўша биринчи идораларда хизмат билан машғул бўлганлигидан вазифасига ҳеч аҳамият бермаган. Ишларнинг яхши бориши учун вақтни ўтказмасдан марказда доимий бир раҳбар тайинлаш лозимдир.

3) Мирзо Алим Сомий Оренбург институт талабаси канселярия ишларига масъул шахс ҳисобланган.

2-модда. Шаҳрисабз вилоятида ерли халқ учун 4 та ибтидоий мактаб бўлиб, бири Китоб туманида ва битта мусиқа мактаби ва битта ерлик халқ ўқитувчилар интернати бор.

1) Вилоятнинг ўзида ерли ўзбеклар учун 2 та ибтидоий намуна мактаблари бор: Биринчиси 1922 йил 15 ноябрда очилиб, 43 нафар талабаси бор эди. Вилоятда бўлган барча яҳудийлар учун бир мактаб очилиб, 39 нафар талаба жалб этилди.

2) Туманларда мактаблар очилмаган. Ижроқўм раислари туманларга чиқиб, амир оқсоқоли ва аъёнларини йиғиб ташвиқотда бўлиб, мактабга керакли анжомларни ва муаллимларни тайинлаб мактаблар очиш учун қарор қилган. Китоб туманида 16 декабрда бир мактаб очилиб, 24 нафар талаба қабул қилинган²³⁰.

Бироқ БХСРдаги кўпчилик мактабларнинг моддий техника базаси бўлмаган, амалий тажрибалар олиб бориш муаммолари кўп бўлган. Хорижий давлатларнинг маориф тизими билан ишлар олиб борилмаган.

²³⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 54-варақ.

Вобкент туманида 1923 йил 1 майда биринчи рус мактаби ва иккинчи рус мактабининг ўқувчилари 20 нафардан иборат бўлиб, бу талабалар икки синфга бўлиб, уларнинг ўқиши яхши йўлга қўйилган эди.

Иккинчи синфда хулқ-аҳвол руҳиятига мувофиқ эски муаллим тизими давом этмоқдадир. Муаллимларни мактабга давом этмоқликлари ҳафтада беш кундир. Бир нафар эски муаллимнинг қўлида 40 нафар талаба давом эттирмоқдадур, бир нафар эски муаллим қўлида 20 нафар талаба давом этадур. Талабалар ва ўқувчиларнинг сабоғи ҳар кун 3 соатдир. Муаллимларимиз ул инқилобга Шерободдаги дорулмуаллимин курсига таҳсил қилиб, ўз таҳсилларига бирозгина маълумот олиб келгандурлар ва бу озгина олган маълумотлари 3 йилдан бири хотираларидан бироз фаромуш бўлган. Талабаларнинг дарсхоналаридан бироз маълумотли бўлиб ўқув, ёзув дарсларидан ҳозиргача фойда олмай турибдилар. Бу ҳусисда туманлар учун икки нафар маълумотли яхши муаллим бермоқларини назорати сўралур²³¹.

Вобкент ижроия қўмитаси маорифларига аҳамият бермоқда, аммо Вобкент фирқа қўмита вакиллар итифоқи, ёшлар итифоқи, маориф ишларига ҳеч бири аҳамият бермайди. Гиждувон туманида бир мактаб бўлуб икки нафар талаба таълим қилмоқдадир. Талабалар ўқув, ёзув, ҳисоб, дин дарсларидан сабоқ олишдан иборатдир. Ҳар кунлик дарсларига 3 соат ўқув дарси берадур, 1-ҳисоб ва 2-ёзув дарсидан иборатдир²³².

Талабаларни мактабда давоматлари ҳамиша мажбурдир. Халқ аҳволи руҳиятига қараганда болаларни ихлоси эски мактабда ва бир янги мактабда ўқимоқчи эмаслар. Талабаларни мактабда давом қилури ҳамиша Вобкент ижро қисм зиммасида бўлуб, милиция назорати ташкил этилган²³³. Жамиятда давлат тузумининг ўзгариши маориф соҳасига ҳам янги ислохотларни олиб келди. Нима бўлганда ҳам ҳукуматнинг янги дастури ва ғоялари келажакка мўлжалланган эди.

Нурота (Нурато) вилояти маориф ишлари хусусида:

²³¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 54-варақ.

²³² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 56-варақ.

²³³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 55-варақ.

1) Нурота вилоятида 1922 йил 10 мартдан эътиборан маориф бўлими ташкил этилиб, Нурота вилояти ижроия раисининг маслаҳати билан ижроия аъзоси ҳам, фирқа аъзоларидан ерли халқ орасида эътиборли бўлган Мирзо Бобоҳаким ўғли Маориф вакили этиб тайинланди.

2) Нурота вилоятида 2 мартдан эътиборан ерли халқ талабалари учун биринчи ибтидоий намунавий мактаб очилиб кўчаларга эълонлар ёпиштирилиб, ҳам ташвиқот қилиниб, кўп талабаларнинг тўпланишини умид қилдилар.

3) Мактабнинг биноси: Нурота вилоят ижроия раиси маслаҳати билан маориф вакили, мактабга мувофиқ бир бино ахтарилди. Бино ҳар жиҳатдан яхшидир.

4) Муаллимлар: Ҳожи Болта Қазоқ ўғли ҳам Исломхўжа Носирхўжа ўғли 1921-1922 йил ёзни таълим-тарбия курси юмушлари ҳам кун ора шу вилоятда муаллим бўлганликлари учун шаҳар қоидаларига биноан, ушбу шахслар 12 мартдан эътиборан, Нурота вилоят биринчи ибтидоий мактабга муаллим ўлароқ тайинланди.

5) Мактабларга абём юзасидан ҳафталик кунлик ўқитув жадвали тузилиб, берилгандан сўнг ўқитиш усуллари кўрсатилди.

6) Марказдан юборилган 100 дона дафтар, 100 дона корандаш (қалам), ҳам 10 даста оқ қоғоз, Нурота вилоят маориф ваколатига топширилди.

7) Нурота вилоятида «босмачилар» кетгандан кейин қолган маориф ашёлари 1922 йил 6 мартда олиниб бешинчи номерли акт юзасидан Кармана вилоят маориф ваколати ҳисобидан, Нурота вилоят маориф ваколати ҳисобига ўтказилди, бешинчи рақам акт маориф назоратига топширилди. Нурота вилоят маориф ваколати ҳам мактаб ташкил этгандан сўнг акт ёзилиб еттинчи рақамли акт маориф назоратига топширилди.

8) Нурота вилоятига мактаблар ташкил қилиш мумкин бўлиб, ижроия раисининг берган маълумотига биноан туманларга мактаб очиш ҳозирги кунда мумкин эмас эди²³⁴.

²³⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 54-варақ.

Барча соҳаларда бўлгани каби, маҳаллий миллат вакилларининг маориф соҳасидаги улуши анча паст бўлган. БХСР раҳбарияти кун тартибидаги асосий эътиборни маданий қурилишга, халқ маорифи ишларини яхшилашга, мактаблар, ўқув юртлари ва тарбия муассасаларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратди. Совет ҳукумати халқ маорифига анчагина маблағ сарфлади. Бу соҳада олиб борилаётган йўл шундан иборат бўлдики, бутун мамлакатда янги совет мактабларини барпо этиш ва болаларни эски усул мактабларига бориб ўқиш заруриятидан халос қилмоқ учун мумкин қадар кўпроқ болаларни янги мактабларга тортиш керак эди. Бу соҳада жуда кўп ҳолларда иш шу даражага бориб етдики, ҳукумат ўқиб турган болаларнинг ота-оналари учун бир қанча имтиёзлар беришга мажбур бўлди. Масалан, 1920 йилнинг маълум даври давомида совет мактабларида болалари узлуксиз ўқиб турган ота-оналар ҳар хил имтиёзлар олиб турдилар²³⁵.

Мактаб болалари учун кийимлар ва текин овқатлантириш тартиби жорий қилинган, маълум миқдорда солиқ тўловлардан озод қилинган. Маориф нозирлиги томонидан БХСРда мактаб таълими тўғрисида низом лойиҳаси ишлаб чиқилди²³⁶.

1921 йил 17 апрелда «Бухоро ахбори» саҳифаларида босилган хабарда “Халқ Нозирлар Шўросининг охириги мажлисида 25 ёшгача бўлган кишиларнинг ўқишга мажбурий эканлиги тўғрисида қарор қабул қилинган. Қаерда ишламасидан қатъи назар, БХСРда барча учун савод чиқариш мажбурий қилиб қўйилган²³⁷. Жумладан, БХСРда мактаб таълими тўғрисида низом лойиҳаси ишлаб чиқилгани, таълим давлат сиёсати даражасида олиб борилганлиги ўзининг ижобий натижасини берди. Маориф соҳасида вилоят ва туманларда ҳам катта эътибор берилиб, мактаблар учун ижарага яхши қулай жойлар олинган. Ўша даврдаги муаммолар кадрлар масаласи, дарсликлар

²³⁵ Файзулла Хўжаев. Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир// Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч жилдлик. II жилд. – Тошкент: «Фан», 1976. – 263-бет.

²³⁶ Школьное образование. // «Известия» Весебухарского ЦИКа и ЦК Бухарский Компартии. 18 июля 1922 г.

²³⁷ Рахмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси: Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2009. – Б. 23.

етишмаслиги ҳолатлари учраб турган. Таълим тарбиядан ҳамда тарбия таълимдан ажратилмаган.

БХСРда маориф нозирлиги томонидан мактаб таълими тўғрисида низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, лойиҳа 4 турдаги ўқув даргоҳини назарда тутди: 1) бошланғич, 2) ўрта, 3) махсус, 4) олий. Буларнинг орасида ўша вақтда фақат бошланғич ва ўрта таълимни қамраб олиш мумкинлиги, махсус ўқув юртлари ва олий таълимни кейинчалик Бухорода амалга ошириш имконияти мавжудлиги эътироф этилади.

Низом бўйича, бошланғич мактаб курси 5 йил этиб белгиланган бўлиб, шу вақт мобайнида болалар ўзларининг меҳнат фаолияти, ҳаёти ва ишлаши учун тугалланмаган мажбурий таълим олиши керак эди. Шу билан бир қаторда анча ўзига тўқ оила фарзандлари учун ўрта мактаб таклиф қилинади²³⁸. «Қоидалар»да эски мактабларни ислоҳ қилиш, янги мактаблар ишида мадрасада таълим берган муаллимлардан фойдаланиб туриш, қизлар мактабларини ташкил этиш, болалар боғчаси очиш, таълимнинг мажбурийлигини таъминлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳукумат ҳисобидан бепул овқатлантириш масалалари санаб ўтилди. Мисол учун «Қоидалар»нинг 1- бўлим 11-бандида: «Мактабларнинг ҳар қайсисида тарбия олмоқ билан бирга, болалар учун мумкин бўлган равишда ош, чой, кийим ҳам берилур», — деб ёзилган. Мактабларда болалар соғлиғини назорат қилиш учун доимий тиббий назорат кўригини ташкил этишга диққат-эътибор қаратилган²³⁹.

Бу борада БХСР ҳокимияти жиддий қийинчиликларга дуч келди. БХСРнинг энг долзарб вазифаси аҳолилар орасидан ўқитувчиларни тезкорлик билан тайёрлашга қаратилди. БХСРнинг ходимлари халқ орасида мактаб ва маданий-тарғибот ишларини ташкиллаштиришда етарлича тажрибага эга эмас эди. Бунинг устига эски тузумдаги мактаблар халқ таълимини ривожланишига тўсқинлик қилар эди. Янги турда очиладиган мактабларга бинолар, ускуналар ва жиҳозлар етишмасди. Миллий руҳдаги адабиётлар, ўқув қўлланмалари кам

²³⁸ Школьное образование. // «Известия» Весебухарского ЦИКа и ЦК Бухарский Компартии. 18 июля 1922 г.

²³⁹ Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С., Рахмонов К.Ж. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. – Б.71-72.

эди. Шунингдек, педагогик мутахассислар билан таъминлаш муаммоси, турли категориядаги ўқитувчиларнинг моддий аҳволи, дарс бераётган бинолар талабга мутлақо жавоб бермаслиги, ўқув асбоблари билан таъминланмаганлиги билан ҳам боғлиқдир.

БХСРда мактаб таълимига катта эътибор бериш билан бирга таълимнинг ўз муаммолари етарли эди. Бухоро Республикаси маориф назоратига 14 октябрдан Эски Тошкент шаҳар мактаби ходимлари Ражаб Магомедов, Анвар Умаров, Агзам Солихов, Наби Шарифий, Тилла Хўжа Исматов, Абдул Қодир Қосимов ва Садриддин Домулла хизмат юзасидан командировка қилинди. Уларнинг ҳар бирига 7 минг рублдан маош берилди²⁴⁰. Мактаб соҳасида айрим вақтларда Самарқанддан 7 йиллик мактаб ўқувчиси М.Зубаиров Эски Бухорога таътилга келиб халқ маорифи томонидан, қизил армия солдатларини ўқитиш учун, Ситораи Моҳи Хосага ўқитувчи этиб тайинланди. Бухоро маориф назорати ўртоқ Зубаировни зарур мактаб ишчиси сифатида хужжатларини Бухорода яшаш учун расмийлаштиришни илтимос қилиб сўрайди. Бу масала РСФСР қонунига тўлиқ риоя қилиниб, расмийлаштириш амалга оширилган²⁴¹.

Лекин мактаб таълимида жуда кўп муаммолар мавжуд эди. Мисол учун БХСР номидан 1923 йил 26 сентябрда Карки шаҳар Совет суди очик суд биносида Ефремов раислиги остида ва судьялар Эргашев ва Бекмуродовлар аъзолигида ва П. Квичастий котиблигида 1923 йил 8-рақамли Карки шаҳрида яшовчи Бухоро фуқароси Пўлатов Қори Йўлдош Пўлатовнинг даъво аризаси бўйича Халқ таълими бўлимига Карки шаҳаридаги Яҳудий мактаб биносини ижарага олганлиги учун 5398 танга тўлашлиги ҳақидаги фуқаролик ишини кўриб чикди. Унда Пўлатов томонидан тақдим қилинган хужжатлардан кўриниб турибдики, мактаб 1920 йилгача Пўлатов ҳовлисида жойлашган²⁴².

1920 йил 1 октябрдан Пўлатовнинг суддаги даъво кўрсатмаси бўйича бино аввалдан уники бўлган, кейин маҳаллий ҳукумат томонидан мажбурий

²⁴⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 25-варақ.

²⁴¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 32-варақ.

²⁴² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 10-варақ.

тортиб олинган ва 1921 йил мартида ижроқўм қарори билан қайтарилган (ижроқўм қарори нусхаси 10 / 03. 21 йил, №125).

Бино Пўлатовга қайтарилгандан сўнг, халқ таълими бўлими билан ижара тўлови тўғрисида ҳеч қандай келишув бўлмаган. Халқ таълими бўлимининг собиқ мудир Диёрхонов кўрсатмаси бўйича Пўлатов тўлови тўғрисидаги талаб билан бир неча маротаба мурожаат қилган, лекин марказ тамонидан маблағ йўқлиги туфайли тўлай олмаган. БХСР халқ маорифи назоратининг 1923 йил 10 июлдаги №808 рақамли келишув билан давлат муассасалари томонидан хусусий уйлар ижарага олинса, 1923 йил 1 январдан ижара ҳақи тўланиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ишни кўриб чиқиш куни Пўлатов унга белгиланган ижара ҳақидан воз кечди ва бинони бўшатиб берилишини сўради. Шу билан бирга марказий ижро қўмитасининг мактаблар учун шахсий уйларни мажбурий тарзда, мажбурий тўлов меъёри бўйича ижарага олиб ишлатиш тўғрисидаги қарори маълум эди. Пўлатов ўзига тўқ киши, халқ таълими бўлими яҳудий мактабини бошқа бинога кўчириш иложини тополмай, буни Пўлатов уйида қолдиришларини сўрайди. Яҳудий мактабини Пўлатов ҳовлисида қолдириб, мактабни у ердан чиқариш тўғрисидаги даъвога рад жавоб берилади. БХСР Карки халқ таълими бўлимидан Пўлатов фойдасига 1 январь 1923 йилдан то 1 май 1923 йилгача 4 ой ҳисобига 810 м², учун жами 3240 м².га белгиланган ижара ҳақи бўйича ойига ҳар 100 м², учун 2 руб. 19 копеек тилло билан ва суд харажатлари учун 18 руб, жами 90 руб. 90 копейк тилло билан кредит белгилари тўлов кунидан бозор курси бўйича тўланиши эълон қилинади²⁴³.

БХСРда яшовчи ҳамма миллат болалари ўз она тилида ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар. 1920 йил сентябрдан 1921 йил бошларигача БХСРнинг кўпчилик туманларида халқ таълимининг жойлардаги бўлимлари барпо этилади²⁴⁴. Шунинг учун БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Нозирлар Шўроси маданий қурилиш ишларига кекса зиёлиларни таклиф қиладилар. Назоратнинг

²⁴³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 12-варақ.

²⁴⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш. 20-варақ.

бошида тажрибали педагог, Бухорода янги тизим мактабини ташкил қилган Қори Йўлдош Пўлатов туради²⁴⁵. 1920 йил ноябрда Халқ Нозирлар Шўроси эски амирлик ҳокимиятининг амалдорларни кечириб, уларни янги ҳокимият ишларига жалб қилиш қарорини чиқаради.

БХСР Маориф халқ нозири Қори Йўлдош Пўлатов «Бухоро ахбори»да чоп этилган «Мустақил бир мамлакат қандай бўлур» мақоласида²⁴⁶ Бухорода маориф соҳасида давлат ва ҳукумат олдида турган вазифаларни куйидагича кўрсатади:

1. Инқилоб бошидан то бу кунга қадар содир бўлган бутун хато ва масалаларни ўрганиб чиқиб, бундан кейин қандайин оғирлик ва фидокорлик билан бўлсада ҳукумат мудофааси учун мунтазам аскар тузиш ва шу аскарга ёрдам учун ҳамма аскарый ишни ўрганмоғи лозимдир.

2. Ўзлари томонидан йиғилган аскарларни бутун ҳарбий асбоблар билан таъмин этиш учун ўз қуроллари, тўплари, тўпхоналари, темир йўлларига соҳиб бўлишлари ва буларнинг барчаси ўзлари тарафидан ишлаб чиқарилиши, яратилиши жоиз саналган.

3. Ҳар соҳада иқтисодий ислоҳ бўлиши кераклиги таъкидланган. Масалан, киядиган либослар, ейдиган унларнинг миллатнинг ўзи томонидан ишлаб чиқарилиши лозим ҳисобланган. Бунинг учун сувсизликдан экин экилмай ётган чўлларни экин учун муносиб бир ҳолатга келтириш учун ариқлар қазилмаси масаласи ҳам ўртага ташланган. Деҳқончилик саноати хорижий мамлакатлардан келтирилган янги усул машиналар билан ривожлантирилиши ва натижада ҳукуматнинг дохилий харажатида ортиқ бўлиши лозимлиги таъкидланган.

4. Нозирлар — нозирликларини, маъмурлар — маъмурликларини, косибларимиз — косибликларини, деҳқонлар — деҳқончиликларини, муаллимлар — муаллимликларини, хулоса қилиб айтганда ҳар бир касб эгалари ўз соҳасини чуқур ўрганиб, узлуксиз тарзда ўз хунарларига доир

²⁴⁵ «Известия» Бухревкома и ЦК БКП. 23 мая 1921 г.

²⁴⁶ Қори Йўлдош Пўлатов. Мустақил бир мамлакат қандай бўлур // «Бухоро ахбори», №107. 1922 йил 2 ноябрь.

маълумотларни орттиришга ҳаракат қилишлари баробарида қозихоналарга нисбатан адолатсизлик ва идораларга нисбатан ишончсизлик орадан кўтарилиши чора-тадбирларини кўришган.

5. Мамлакатнинг ободлиги ва халқнинг саломатлигига хизмат қилувчи фидойи мутахассислар тайёрлаш муаммоси ҳам ўша даврдаги долзарб масалалардан бири эди.

6. Барча саъй-ҳаракатларнинг замирида халқни жаҳолат, нодонликдан маърифат сари етаклаш, маданиятда олдин бўлган миллатлар каби яшамоқнинг илк одими эса маориф ишларининг йўлга қўйилиши деган қарорга келишган²⁴⁷.

Бу масалалар ўша даврнинг илғор олимлари томонидан турли тарзда ўртага ташланган ва улар бу юксак маданият ва маърифатга етиш йўллари тўғрисида ўз фикр-қарашларини баён қилишган. Масалан, «Мана шу вақтдагина биз мустақил бўлурмиз ва бошқа маданий миллатлар қаторинда яшаб ўз ҳуқуқларимизни билурмиз. Йўқ эса айни шу юқорида ёзилган нарсалар бизда бўлмаса ёки бўлдирмоқ чораларига бу кундан бошлаб киришилмаса, биз мустақил давлат бўлиб яшай олмаймиз. Буни ватаннинг 15 яшардан 70 ёшга қадар билишга тегишдур»²⁴⁸, — дейилади «Бухоро ахбори»да чоп этилган «Мустақил бир мамлакат қандай бўлур» мақоласида. Ушбу «халқни уйғотиш» жараёни матбуотнинг ҳам долзарб мавзуларидан бўлиб, давомий тарзда ёритилиб борилган.

Маориф назорати ёзги таътил вақтларида бутун кучни келгуси ўқиш йили учун муаллимлар етиштириш ишига сарф этиш учун катта куч сарфлайди²⁴⁹. Вилоятларда ҳам маориф ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Чоржўйда 6 та ибтидоий мактаб бўлган. Чоржўйнинг бутун вилоятида мактабларнинг сони 9 та, Қарши вилоятида 12 та мактаб бўлиб, бундан 5 таси Қарши шаҳрининг ўзида, Карки вилоятида 3 та мактаб, Вобкент туманида 10 та мактаб, Ғиждувон туманида 8 та мактаб очилган. Кармана вилоятида ҳам 10 та мактаб бор эди.

²⁴⁷ Қори Йўлдош Пўлатов. Мустақил бир мамлакат қандай бўлур // «Бухоро ахбори», №107. 1922 йил 2 ноябрь.

²⁴⁸ «Бухоро ахбори». 107-сон. 1922 йил 2 ноябрь.

²⁴⁹ «Бухоро ахбори». 41-сон. 1921 йил 30 июнь.

Янги Чоржўйда 3 ойлик таълим-тарбия курслари очилган. Бағрикенг, халқсевар миллат, албатта, етим болаларни ҳам ҳар доим эъзозлаган. Улар учун махсус имтиёзлар яратилган. Чоржўй, Карки ва Кармана шаҳарларида етимхоналар бўлиб, улар яхши биноларда жойлашган²⁵⁰.

1920 йил 8 сентябрда халқ таълими-тарғибот ишларини ривожлантириш мақсадида раҳбарлик қилиш учун халқ таълими-тарғибот назорати барпо этилади ва жойларда унинг бўлимлари очилади²⁵¹. 1920 йил 27 октябрда БХСРда халқ таълим-тарғибот назоратига қарашли мактабдан ташқари бўлимнинг ҳам ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. Манбаларнинг маълумотига кўра, мактабдан ташқари бўлимда ҳам 4 та тўғарак ташкил қилинади. Илмий мусикий-театрчилик, тарихий-музейчилик ва кутубхона-ўқув клуби, маданий оқартув шаҳобчалари тузилади²⁵². Республикада маорифни ривожлантириш учун Бухорода 3 йиллик расм мактаби очмоққа қарор берилади. Расм мактабига ҳар вилоятдан 5 нафардан жами 50 нафар талаба олинади. Мактаб 5 бўлимга бўлинади.

Янги ислохотлар кундан-кун ривожланиб борди. Маориф назорати халқни уйғотиш учун кўплаб ўзбек хизматчиларидан бир қисмини ёзги бўш уйларда маориф ишларини йўлга солиш учун вилоятларга юборади. Бухорода қишлоқ ва ёзлик мукаммал 2 саҳна юзага чиқармоқ учун, маориф назорати 3 кишилик ҳайъат тузади. Бухорода такрор ва ҳозирлик бўлмоқ узра 2 таълим-тарбия курслари очилади. Бу курслар бутун жумҳурият чизигида (доирасида) бўлиб 3 ой давом этурлар. Бухорода Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг лойиҳаси бўйича, маориф назорати 30 кишилик кучли ва бир труппа тузишга қарор берди. Труппанинг ярми кўчиб юрадиргон (сайёр) ва ярми муқим Бухорода қоладиган этиб белгиланди²⁵³. Маориф назорати тарафидан эски мусиқа мактаби (консерватория) ислоҳ қилинди. Қаттиқ овозли (духовой) мусиқа

²⁵⁰ «Бухоро ахбори». 41-сон. 1921 йил 30 июнь.

²⁵¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 43-варақ.

²⁵² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 7-варақ.

²⁵³ «Бухоро ахбори». 41-сон. 1921 йил 30 июнь.

мактабининг шу пайтлардаги ишлари билан танишиб, уларни тузатиш учун маориф назорати ёнида 3 кишилик ҳайъат тузилди²⁵⁴.

Маориф назорати томонидан Бухорода асосли муаллимлар етиштириш мақсадида Дорул муаллимин очиш чораларига киришилди²⁵⁵. БХСРда маориф ишлари учун юқори иш ҳаққи ўрнатилиши кўзда тутилди. Ҳар бир мактаб ходими қўшимча даромад илинжида, четга қўшимча иш билан шуғулланса, давлатга катта зарар етказади. Айниқса, БХСРда халқ таълими жуда паст даражада турганда ота-оналар болаларни олий маълумот олишлари учун узок ўлкаларга жўнатишга мажбур бўлишади. Бунинг учун маориф назорати мактаб ходимлари тўғрисидаги низомни қайта кўриб чиқишга киришади, халқ таълими ривожини, бошқа қўшни давлатлардан ортда қолмаслиги учун барча зарурий шароитларни яратди²⁵⁶. Шу муносабат билан республика халқ таълимини ривожлантириш ва ташкилотларга раҳбарликнинг марказий аппарати яхшиланди.

1921 йил 12 ноябрда Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси БХСРда таълим-тарғибот бошқаруви аппаратининг таркиби тўғрисидаги қарорини ишлаб чиқди ва Маориф нозирлиги таркибида Мактаб бўлими, Мактабдан ташқари, Давлат нашриёти, Молия хўжалиги ташкил этилди²⁵⁷. Санаб ўтилган бўлимлардан фақат илмий кенгаш мустақил бўлиб, Назорат билан бевосита иш олиб боради, бошқа бўлимлар эса ишлаб чиқаришни ва ахборотларни ҳисобга олиш билан шуғулланади. Назоратнинг ҳамма иш олиб бориш ишлари Иш юритувчи бошқармаси томонидан бажарилган. БХСР маориф назоратининг таркиби янгилангандан кейин миллий низоларга барҳам бера бошлаган.

1923 йил 8 апрелда БХСРнинг маориф нозирлиги тўғрисидаги вақтинчалик низоми қабул қилинади²⁵⁸. Унинг тузилишига асос қилиб

²⁵⁴ «Бухоро ахбори». 41-сон. 1921 йил 30 июнь.

²⁵⁵ Маориф ишлари // «Бухоро ахбори». 41-сон. 1921 йил 30 июнь.

²⁵⁶ «Известия», 1920 йил 18 июль.

²⁵⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 47- фонд, 1-рўйхат, 136-иш, 25-варақ.

²⁵⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 57-иш, 160-варақ.

Туркистон АССР ва бошқа автоном республикаларнинг маориф халқ комиссари низомлари олинди.

БХСРда мактаб ислохотлари билан мактаб бўлими шуғулланган. БХСРда маориф назорати вилоятлардан, туманлардан келган ходимларга махсус мандатсиз ақча бера олмайди. Шунинг эътиборига олиб юбориладиган вакилларнинг мандатида неча сўм маош берилганлиги тўғрисида ёзиб, имзо ва муҳр қўйсин. Мазкур ёзув бўлмаса, назорат тарафидан ҳеч қандай ақча берилмайди²⁵⁹. Хуллас, маориф соҳасида болаларни ўқишга жалб қилишда, мажбурий тизим тўғрисидаги низомга қатъий амал қилиниши натижасида республикада халқ таълими янги ривожланишга ўтди.

Бухородаги янги усул мактаблари билан БХСРдаги мактабларни таққослаб қаралса, буларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари жуда кўп. Жумладан, 1909 йилда Истанбулда А.Фитрат бошчилигида «Бухоро таълими маорифи» хайрия жамияти ташкил этилиб, унинг ёрдамида бухоролик болалар учун алоҳида мактаб очилди. 1910 йилда Бухоро ёшлардан 30 та бола, 1911 йилда 15 та бола, 1912 йилда 20 та бола, 1913 йилда 16 та бола ўқишга юборилди²⁶⁰. Чунончи, Бухоро ҳукумати миллий ёшларни илғор хорижий давлатларда ўқиб замонавий билимлар олишга катта эътибор берди. 1921 йил А.Бурҳонов ва А.Фитратнинг ташаббуси билан 50 нафар бухоролик ёшлар Германияга ўқишга юборилди. Бухоро ҳукумати уларнинг ҳар бири учун 9-10 йилга етадиган маблағни Германия банкига ўтказди²⁶¹.

Хусусан, Бухоро амирлиги ҳудудида 57 та янги усул мактаблари фаолият кўрсатган. 1923 йилда Бухоро Республикасида янги типдаги мактаблар сони 40 та бўлган бўлса, 1924 йилда 69 умумтаълим, 4 мусиқий, 3 ҳунар мактаблари, 13 интернат фаолият кўрсатди²⁶². Демак, кўриниб турибдики, Бухородаги илғор фикрли кишилар мактабларининг афзаллигини аллақачон

²⁵⁹ Маориф назоратидан буюруқ // «Бухоро ахбори». 50-сон. 1921 йил 25 сентябрь.

²⁶⁰ Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида таълим тизими (XIX аср охири XX аср бошларида). Афтореферат, дисс...канд ист наук. – Тошкент, 2011. – Б.23.

²⁶¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-қитоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 247-бет.

²⁶² Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита қитоб. Биринчи қитоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррир: Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б.230.

англаб етган эдилар. Шунингдек, ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш каби омиллар ўша давр учун катта янгилик эди.

Хулоса қилиб айтганда, БХСРда маориф ва таълим соҳасида эришилган ютуқлардан бугунги кунда ҳам, фойдаланса бўлади. Масалан, касбга ўргатиш тизимига эътибор юқори бўлган. Яна ўқув жараёнини амалиётга тадбиғи яхши йўлга қўйилган эди. Шунингдек, мактабларда бепул овқат ташкил этилганлиги, бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фанларни яхши ўзлаштиришига сабаб бўлди. Хусусан, БХСРда 13 та интернат борлиги ҳам, ўқувчиларга бепул ётоқхона ва бепул овқат ташкил этилганлиги ҳам таълим сифатини ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Масалан, Шарқ мусиқа мактабида 50 нафар талабага ойига 15 минг сўм ойлик ва қишлик, ёзлик, ички ва ташқи кийим, бош ва оёқ кийимлари берилган. Мактабда Шарқ чолғуларидан бошқа Европа нотаси ҳам ўргатилган²⁶³. Хусусан, БХСР ҳукумати ўзининг тўрт йиллик тарихий даврида миллатимизни замонавий тараққиёт даражасига кўтариш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Бухорода мусиқа мактаблари, ҳунар мактаблари, аёллар мактаблари, I ва II поғонали мактаблар, интернатлар ташкил қилинди. Аммо Марказнинг тазйиқи туфайли тоталитар тартиб кучайтирилиб, кейинчалик миллатнинг маърифатпарвар инсонлари қатағон қилинди.

3.2. БХСРда миллий замонавий кадрлар тайёрлаш йўлидаги ҳаракатлар

Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардан бошлаб, миллий маданият соҳасида ҳам ҳукмрон давлат мафкурасига мос ўзгаришларни амалга оширишга киришилди. Шу асосида ўлкадаги мавжуд ўқув даргоҳлари ўрнига совет мактаблари ташкил қилина бошланди. Совет давлати томонидан бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, аввало, маҳаллий аҳоли

²⁶³ Маориф ишлари // Бухоро ахбори” 41-сон. 1921 йил 30 июнь.

орасидан чиққан халқ таълими ходимлари, маданият арбобларининг зўр бериб ишлаши натижасида XX аср 20 йилларининг биринчи ярмида республика ҳудудида маданий ҳаёт ҳукмрон мафкурага хос янги кўринишда қарор топа бориб, аҳолининг бутун ҳаётини қамраб ола бошлади.

1920 йил 30 октябрда Туркистон комиссияси (Турккомиссия)нинг қўшма мажлисида Бухоро Республикасидаги маориф масаласи муҳокама қилинади. Унда Бухоро Республикаси ҳудудида совет мактабларини ташкил қилиш, уларга болаларни жалб қилиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, саводсизлик мактабларини очиш масалалари кўриб чиқилди. 1921 йилнинг ўрталарида Бухоро Халқ Совет Республикаси қарамоғида бўлган вилоят ва туманларда, шу жумладан, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида ҳам маориф бўлимлари ташкил этилди. Халқ маорифи Комиссарлиги томонидан Шарқий Бухорода биринчи совет мактаблари очилган бўлса, 1922-1923 йилларда уларнинг сони 73 тага етди. Жумладан, Қаршида 10 та, Термизда 3 та, Шаҳрисабзда 5та, Ғузорда 5 та мактаблар фаолияти йўлга қўйилди²⁶⁴.

Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитасининг 1920 йил 20-октябрдаги қарорида республика ҳудудидаги барча анъанавий (эски) мактаблар ва мадрасаларни ислоҳ қилиш ва уларда дунёвий билимларни кенгроқ ўқитишни жорий қилиш кўзда тутилди. Шу билан бир қаторда, янги типдаги мактаблар ташкил қилиш, аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. 1923 йилга келиб БХСРда янги типдаги мактаблар сони 40 та бўлган бўлса, 1924 йилда 69 та умумтаълим, 4 та мусиқа, 3 та ҳунар мактаблари, 13 та интернат фаолият кўрсатди. Уларда жами 5604 нафар ўқувчи таълим олди. Бироқ бу рақам мактаб ёшидаги болаларнинг фақат 3,1 фоизини ташкил қилар эди холос²⁶⁵. Бухоро вилояти маориф шўбаси томонидан 1921 йилнинг январидан Эски Бухорода 5 та мактаб, бутун вилоят бўйича 15 та мактаб, битта хотин-қизлар мактаби, битта ҳунар мактаби мавжудлиги хабар қилинади. 1922 йилда

²⁶⁴ Тўраева М. XX асрнинг 20-40 йилларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида маориф тизими // «ҚарДУ хабарлари», 2019 махсус сон. 136-бет.

²⁶⁵ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. Масъул муҳаррир: Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б.160-163.

шу каби мактабларнинг сонини 80 тагача етказиш режаси қайд қилинган. Айни шу даврда беш жойда кечки курслар ҳам фаолият олиб бориб, улардан ҳар биттасида ўзбек, форс, турк, рус, немис тилларида таълим берилиб, 120 киши таълим олган экан.

1921-1922 ўқув йилидан бошлаб Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллимин очилган. Унда ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, аҳзори-сиртки бўлим ҳам мавжуд эди. Дорулмуаллимин тайёрлов бўлимига қабул қилинадиган ўқувчи-талабалар ёши 15 дан кам, 22 ёшдан катта бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. «Дорулмуаллиминнинг очилиши илм ва маориф йўлида биринчи одимдир. Бухоронинг истиқболи ва саодати учун дорулмуаллиминнинг яшамоғи лозимдир. Бунга ҳукумат аҳамият бериб, бунинг яшамоғини таъмин этиш керакдир»²⁶⁶, деб ёзилади «Бухоро ахбори» газетасида. Унда таҳсил олиш учун БХСР нинг 10 та вилоятидан ёшлар тўпланган.

1921-1922 ўқув йилида Янги Чоржўй шаҳрида иккинчи дорулмуаллимин ҳам иш бошлади. «Янги Чоржўйда собиқ амир ҳукумати тарафидан солинган Николай гимназияси (Россия подшоси Николай номи билан аталган) ўқув юрти биносида 1921 йилда дорулмуаллимин иш бошлаган эди. Бунга маориф назорати тамонидан Файзулло Хўжаев исми берилиб, очилиш маросимида ҳукумат бошлиқлари қатнашди»²⁶⁷ – дейилади газета хабарларида. Ўқув даргоҳига қўшни туркий республикалардан (Татаристон АССР, Бошқирдистон АССР, Туркистон АССР) педагог муаллимлар ишлаш учун таклиф қилинган. Бироқ БХСР маориф тизимида фаолият кўрсатган ушбу вакиллар турли сабаблар туфайли орадан кўп ўтмасдан ўз ватанларига қайтиб кетишган²⁶⁸.

Бухорода маорифни ривожлантириш учун РСФСР билан ўзаро иқтисодий ва маданий дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида

²⁶⁶ “Бухоро ахбори”, 1921 йил 5 ноябрь.

²⁶⁷ “Бухоро ахбори”, 1922 йил 10 декабрь.

²⁶⁸ Қаранг: Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч жилдлик. II жилд. – Тошкент: «Фан», 1976. 263-279-бетлар.

аҳамият берилди. Маданиятимиз ва халқ маорифининг чинакам жонкуяри бўлган Файзулла Хўжаевнинг 1923 йил мартда РСФСР Маорифи халқ комиссари Анатолий Василевич Луначарскийга ёзган тарихий бир мактубида бухоролик 11 нафар ёшни турли мутахассисликлар бўйича Москвага ўқишга юбораётганлиги, уларни ўзлари хоҳлаган ўқишларига жойлаштирилиб кўйишда, ётоқхона, кийим-кечак, озиқ-овқат ва ўқув куроллари билан таъминлашда ёрдам кўрсатиши сўралади. Бу вақтга келиб Бухоро хотин-қизлари ҳам ўқишга жалб қилина бошланди. Москвага ўқиш учун 22 нафар маҳаллий ўзбек хотин-қизлари юборилди. Бу тадбир Бухоро хотин-қизлар ҳаётида катта бир воқеа бўлди. Шунингдек, Москвадаги Шарқ аҳолилари Коммунистик университетига Бухородан 10 та қиз ўқишга юборилди.

Файзулла Хўжаев Туркистон ва Бухоро воҳасида илм-маърифатнинг, айниқса, маориф ва маданиятнинг тараққий этишига алоҳида аҳамият беради. Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев ташаббуси билан бухоролик, туркистонлик ва хоразмлик ёшлар 1922-1923 йилларда Москва, Кавказ, Тошкент ва хорижий мамлакатларда таҳсил олишлари учун ўқишга юборилди. Германияда таҳсил олувчи йигит ва қизлар учун Берлинда ўзбек тилида «Ковёний» босмахонаси ташкил этилиб, у ерда ёзувчи Садриддин Айнийнинг «Қиз бола ёки Холида», Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи» номли асари ва Абдулвоҳид Бурхоновнинг шеърӣ тўпламлари араб алифбосида ўзбек тилида чоп этилган²⁶⁹.

1920 йил ноябрда Бухорода қабул қилинган «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар» номли тарихий ҳужжатнинг «Мактаб ходимлари учун категориялар» бўлимида ўқитувчи мураббийларга маош тўлашда уларнинг малакаси, маълумоти, иш тажрибасига қараб йўл тутилиши таъкидланган. «Мактаб ходимларига 3 категория ва 5 даража орасинда мояна берилур, яъни 8000 сўмдан 6000 сўмга қадар.

1-даража: 8000 сўм;

2-даража: 7500 сўм;

²⁶⁹ Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. 64, 72-бетлар.

3-даража: 7000 сўм;

4-даража: 6500 сўм;

5-даража: 6000 сўм»²⁷⁰.

«Мактаблар ҳақида умумий қоидалар»даги бандлар билан танишар эканмиз, барча миллат вакилларининг таълим олишдаги тенглик ҳукуқи, миллий урф-одатларни ҳурмат қилиш, болаларни ёш хусусиятларига қараб дарс соатларини белгилаш, ўқувчи ва ходимларга таътил бериш каби масалаларга атрофлича эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

БХСР ҳукумати ўзининг тўрт-беш йиллик тарихи даврида миллатимизни замонавий тараққиёт даражасига кўтариш учун барча чора-тадбирларни кўрди. Маориф ва фанни ривожлантиришга жаҳонда ўз муносиб ўрнимизни эгаллашнинг тамойили деб қаралди. Кўпгина иқтидорли ёшларимизни хорижий мамлакатларга таълим олиш учун юборди.

БХСРнинг дастлабки давриданоқ ишлаб чиқилган «Мактаблар ҳақида умумий қоидалар» тарихий ҳужжатининг ўзида халқ маорифини юксалтиришга йўналтирилган орзу-умидлари акс эттирилган эди²⁷¹. БХСРда асосан, педагог кадрлар тайёрлаш масалалари ҳам маориф халқ нозирлигининг ишидан катта ўрин олди, чунки тегишли педагог ва маданий кадрлар бўлмаса, мактабларни кўпайтириш ҳамда кўпчилиги саводсиз аҳолини лоақал аста-секин бўлса ҳам ўқитиш вазифаларини мутлақо амалга ошириб бўлмас эди²⁷². Маориф ишини кенг ривожлантириш биринчи навбатда, етарли педагогик кадрларни тайёрлашга боғлиқ бўлиб, БХСР ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёж юқори эди. Баъзи вилоятларда ўқитувчилар умуман йўқ эди. Масалан, Шеробод вилоятида намунавий мактаблар учун ўқитувчиларнинг йўқлиги маълум бўлади. Бошқа вилоятларда ҳам ўқитувчи кадрлар жуда кераклиги айтилган²⁷³. Айниқса Чоржўй вилоятида ўқитувчи кадрлар етишмаслиги катта муаммо эди. Маориф бўлими у жойга камида 15 нафар тажрибали

²⁷⁰ Мактаблар ҳақида умумий қоидалар // «Бухоро ахбори», №10. 1920 йил 29 ноябрь.

²⁷¹ Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С., Рахмонов К.Ж. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. – Б.71-75.

²⁷² Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч жилдлик. II жилд. – Тошкент: «Фан», 1976. – Б.263.

²⁷³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 19-20-варақлар.

ўқитувчиларни сафарбар қилиш талаб этилишини хабар қилишган, ҳеч бўлмаганда РСФСР ва Туркистон АССРдан кадрларни таклиф қилишни вазифа қилиб қўйишади²⁷⁴. Бухоро ҳукумати бундай аҳволни енгиллаштириш учун «Раҳбарлик лавозимида ишламайдиган барча совет ўқитувчиларини ишдан бўшатиб, Маориф нозирлигига жўнатилиши» тўғрисида қарор қабул қилади²⁷⁵. Лекин бу тадбир масалани тўлиқ ечолмади.

БХСР ҳукумати ва давлат ҳокимияти органлари олдида янги ўқитувчиларни етиштириш жуда катта ва қийин масала бўлиб турар эди. Бироқ Бухорода оғир иқтисодий ва сиёсий шароитда, ҳокимият тўнтаришидан кейинги ҳолда, маориф органлари тезда ва кенг равишда педагогик таълимотни ташкил қилишга ожиз эдилар. Республикада бундай ишларни амалга ошириш учун ўқитувчиларни молиявий қурблари етарли эмас эди. Шунинг учун БХСРда педагогик ўқитувчиларни тайёрлаш учун қисқа курслар ва малака ошириш гуруҳларини тузишга тўғри келди²⁷⁶.

Москва ва Тошкентдан келтирилган мутахассислар ёрдамида 1920 йил сентябрида жойлардаги аҳолилардан намуна мактабига тўғри келадиган, талабгорларга жавоб берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида Холдорбегижон уйида Шамсилмаориф деган қисқа тайёрлов курси очилади. Унда 70 нафар одам ўқитилади. Улар 2 гуруҳга бўлинган ва маҳаллий аҳолининг фақат ўқиш ва ёзишни биладиган илғор фикрли сўз вакилларидан иборат эди. Бу курсларга ўқитувчи сифатида меҳнат мактабини ташкил этишнинг асосий тамойилларини билган маҳаллий педагоглардан фойдаланилган.

1920 йил октябрда 4 та ўқитувчилар тайёрлаш қисқа курслари очилди, улардан иккитаси ўзбеклар учун (200 киши), биттаси эронийлар учун (60 киши) ва биттаси яҳудийлар учун (40 киши) мўлжалланган. У курсларни 200 нафар ўқитувчилар битириб, баъзилари Бухорода қолдилар, қолганлари эса

²⁷⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 63-варақ.

²⁷⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 37-варақ.

²⁷⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 19-варақ.

барча вилоятларга жўнатилади²⁷⁷. БХСР маориф бўлими Бухоро шаҳарининг Сабзи-бозор маҳалласида икки йиллик педагогик курс очади. У курсларга намунавий мактабни яхши битирган ўқувчилар қабул қилинади ва улардан мактаб ўқитувчилари тайёрланади ва бутун республика мактабларига юборилади. Шундай курслар Шаҳрисабз ва Чоржўйда ҳам очилади²⁷⁸.

1921 йил охирида БХСР халқ таълими назорати томонидан 3 ва 9 ойлик 9 та курс очилди. Бу курслар янги тартибда иш юритувчилар, мактаб ва интернат раҳбарлари, ўқитувчилар малакасини оширувчиларга мўлжалланган эди²⁷⁹. Каркида 40 киши, Қаршида 90 киши, Шаҳрисабда 110 киши ва ҳоказоларга мўлжалланган курслар очилади²⁸⁰.

1921 йили Душанбеда ҳам 40 кишига мўлжалланган курслар очилади. Уларнинг ишлари ҳали суғ бўлиб, моддий аҳволи ночор бўлганлиги учун биринчи битирувчилар 25 кишинигина ташкил этади²⁸¹.

1921 йил Эски Бухорода 10 ойлик курсини 148 нафар киши битиради ва улар вилоятларга жўнатилади. Кейин ўқитувчилар тайёрлаш учун яна иккита курслар очилади²⁸². Шундай қилиб тараққиёт ва ривожланишдан орқада қолмаслик учун тез тайёрлов курслари ташкил қилинди. Бу вақтда Россия ва ҳатто, Туркистонда ҳам ўқитувчи кадрлар етарли даражада эмас эди. Ўқитувчилар ҳам ўқитиб, ҳам ўзлари ўқиганлар²⁸³.

Ўқитувчилик курсларининг энг асосий вазифаси умумтаълим фанлари бўйича ўқитувчиларнинг билим даражаларини оширишдан иборат эди. БХСР маориф нозирлиги мамлакатнинг ҳамма шаҳарларида ўқитувчилар учун курслар очилиб, уларда ўқитувчилар тайёрлаётганлиги учун бундай курсларни Когонда ҳам очишни ва Россиянинг марказий шаҳарларига ўқитувчиларни сафарга жўнатилишини сўрайди²⁸⁴. Бу мақсадни амалга оширишда керакли

²⁷⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 19-варақ.

²⁷⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, 210-варақ.

²⁷⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 20-варақ.

²⁸⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 19-варақ.

²⁸¹ «Известия Бухревком». 10 июля 1921 г. №20.

²⁸² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 34-варақ.

²⁸³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 19, 26-варақлар.

²⁸⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 76-иш, 28-варақ.

маблағ ажратилиб, иқтидорли ёшлар танлаб олинди. 1922 йил ёзида БХСРдан ўқиш учун Москвага 50 киши, Туркистонга 81 киши, Германияга 60 киши ва Туркияга 30 киши жўнатилади²⁸⁵.

Албатта, янги очилган мактабларнинг ўқитиш тажрибасида камчиликлар ҳам етарли эди. Буларнинг олдини олиш ниятида секин-аста ўқув курслари дастурига: ўзбек тили, арифметика, тарих, чизмачилик, қўл меҳнати ва ҳоказо фанлар киритилади. Бироқ у курсларда ўқитиш ишлари ҳали етарлича йўлга қўйилмаган, юқори малакали ўқитувчилар етишмас, ўқув-материал базаси етарли эмас эди²⁸⁶.

Қийинчиликлар билан курашиб, синфий курашлар алангасида Совет мактаблари учун биринчи гуруҳ ўқитувчилари тайёрланди. Муаллимлардан кўпчилигининг билими етарли даражада эмас, лекин улар ишга берилган, халқ орасида таълим ишларини олиб бориш учун бутун куч-ғайратини сарфлайдиган инсонлар эди. Улар ўқитувчилик жараёнида тинимсиз ўз билимларини ошириб борадилар. Республика мактабларини юқори малакали педагоглар билан таъминлаш учун Бухоро ўқитувчиларини Туркистон АССР, Москва ва РСФСРнинг турли шаҳарларига юбориб, малакасини ошириш тажрибалари ҳам ўтказилади²⁸⁷.

1921 йил Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси «Шошилиш вазиятда ўқитувчи кадрларни Бухоронинг ўзида ва чет давлатларда тайёрлашга киришиш тўғрисида» қарор қабул қилади²⁸⁸. Бунда асосий диққатни қишлоқ мактаб ўқитувчиларининг иши фақат ўқитувчилик билан чекланиб қолмай, балки улар оммавий саводсизликни бартараф этишдан иборат эканлигига урғу берилади. Яъни улар шаҳар билан қишлоқни боғлаш вазифасини бажарувчи куч эди. Бундан ташқари, ҳали БХСРда маданий қолоқликдан чиқмаган жойлардаги, қишлоқ ва овуллардаги халқ оммасининг хўжалигини кўтариш

²⁸⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 26-варақ; 38-иш, 104-варақ; 13-иш, 5-варақ.

²⁸⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 11-варақ.

²⁸⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 34-35-варақлар.

²⁸⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 136-иш, 27-варақ.

ишларида зиёли кадрларнинг хизмати катта бўлган. Бундай сиёсий талаблардан кейин педагог зиёлиларнинг миқдорини ошириш шарт эди.

БХСР мактабларини такомиллаштиришда РСФСР катта ёрдам берди. 1921 йил БХСР билан РСФСР ўртасида тузилган келишувга кўра жойлардаги тилни биладиган мутахассислар Россиянинг марказий шаҳарларидан Бухорога тажрибали ўқитувчилар сифатида кела бошладилар. Бу ишда айниқса, Татаристон АССР катта ёрдам кўрсатди, чунки Бухоро Республикаси ундан ёрдам сўраган эди.

БХСР ҳокимияти Татаристон АССРдан 120 нафар ўқитувчиларни Бухорога сафарбар этишни сўрайди. Бу илтимос бажарилади²⁸⁹. Яна маориф назорати четдан келган муаллимларнинг ёзги таътил чоғида ўз жойларига кетишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, сўнгра Шарқий Бухорода маориф ишларини йўлга солмоқ учун кўп маориф ишчилари керак бўлишлигини кўзда тутиб, четдан келган муаллимларни жумҳурият тупроғи ичидагина қолдиришга қарор берди²⁹⁰.

1923 йил охирида БХСР маориф нозирлиги “Туркистон билан келишиб, Бухоро ўқувчиларини ўқитиш учун ўқитувчилар сафарбар этишини сўраб қарор қабул қилади. Асосан, ўқитувчи кадрларнинг шароитини яхшилаш учун уларни уй-жой билан таъминлаш тўғрисида тадбирлар амалга оширилади²⁹¹.

БХСРда мактабларни тиклаш ва кадрлар билан таъминлашда Туркистон АССР ва бошқа республикаларнинг ёрдами катта бўлди. Янги ўқитувчиларни тайёрлаш билан биргаликда уларнинг малакаларини ошириш тадбирлари ҳам кўрилади, чунки вилоят ва тумандаги ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам етарли ўқитувчилик савиясига эга эмас эди. Ҳатто, ўқитувчилар орасида бошланғич синфларни битириб ўқитувчилик қилаётганлар ҳам бор эди.

БХСРда 1922 йил мактаблар тизимида қисқартириш ва тартибга солиш ишлари олиб борилди. Натижада энг яхши ўқитувчилар сараланиб, улар рағбатлантирилди. Бу янги тадбирлар мактаб қурилишида ўқитувчиларнинг

²⁸⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 89-варақ.

²⁹⁰ Бухоро ахбори”, 43-сон. 1921 йил 7 июль.

²⁹¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 37-варақ.

сонини ошириб қолмай, балки уларнинг сифатини кўтаришга олиб келди²⁹². 1920-1922 йилларда БХСР халқ таълими нозирлиги (назирати) ва раҳбарлар олдидаги асосий масала сифатида шаҳар ва қишлоқ ўқитувчиларининг ҳам сиёсий ҳам услубий жиҳатдан қайта тайёрланиши долзарб муаммо бўлиб турган эди.

Курсларни битирган ўқитувчилар ўзларининг сиёсий тафаккури ва билим доираларини доимий равишда ошириб бориш устида ишлаши талаб этилган. БХСРнинг диққат марказида ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш турарди. Бу масала кўп марта ҳукумат йиғилишларида кўрилади ва 1924 йил 22 майда ўқитувчи кадрлар масаласининг махсус ечими қуйидагича белгиланади:

1. Ёзги таътил вақтида ўқитувчиларни тайёрлаш курси ташкил этилсин.
2. Ўқитувчиларнинг сиёсий билимсизлигига асосий диққат қаратилсин.
3. Дастурга умумий ва шахсий гигиена элементларини киритиб, уларни ўқитувчилар жойларда ва мактабларда амалга оширсин²⁹³.

БХСРда маориф ходимлари бошчилигида Чоржўй, Карки, Қарши, Шаҳрисабз ва республиканинг бошқа шаҳарларида кенг миқёсда ўқитувчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари барпо этилади. Маориф назорати Туркиядан китоб олиб келиш учун борадиган илмий ҳайъатга яна бир киши қўшиб, форсий тилдаги адабиёт ва ўқув китоблари олдиришга ҳам қарор берди²⁹⁴. Мактабларнинг ўқитувчи кадрларга қаттиқ муҳтожлиги, БХСРда ўқитувчи кадрларни кўплаб тайёрлашга сабаб бўлди. Шунинг учун БХСР Маориф нозирлиги она тилида ўқитувчилар тайёрлаш 3 йиллик институтлари ташкил этиш тўғрисида янги низом ишлаб чиқди ва 1921 йил 14 ноябрда Халқ назоратининг қарори чиқди. Бундай институтлар Бухоро, Янги Чоржўй шаҳарларида очилди²⁹⁵. Бу қарорга биноан 1921 йил декабрь охирига келиб Бухоро шаҳрида ва 1922 йил январда Чоржўй шаҳрида ўқитувчилар тайёрлов

²⁹² Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 2-рўйхат, 4-иш, 38-варақ.

²⁹³ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 44-варақ.

²⁹⁴ Китоб келтириш учун // «Бухоро ахбори», 43-сон. 1921 йил 7 июль.

²⁹⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 74-иш, 41-варақ.

институтлари очилди²⁹⁶. Улар энг янги турдаги педагогик ўқув муассасалари бўлиб, ўқитувчилар ва тарбиячилар тайёрлаш учун мўлжалланган эди. Бу институтларда Туркистон АССРдан ташқари ишлаш учун Россия, Татаристон ва Озарбайжондан юқори малакали ўқитувчилар чақирилади.

Қарорда ҳамма вилоятларда чуқур билимга эга мутахассислар тайёрлаш мажбурияти таъкидланади²⁹⁷. Талабалар стипендия ва ётоқхоналар билан таъминланади. Жойлардаги етарли тайёрланмаган ёшлар аввал тайёрлов курсини битириб, кейин институтга кириши белгиб қўйилади.

1922 йил январида Чоржўй шаҳридаги институтга 60 нафар талаба қабул қилинади. Институтнинг қошида 3 ойлик ўқитувчилар тайёрлов курси ташкил қилинди ва бу курсларда 43 нафар (1 августгача) талаба ўқитилади, кейин улардан 16 нафари РСФСРга ўқиш учун юборилди, 18 нафари Чоржўйда, 9 нафари ўқишларини давом эттиришди²⁹⁸.

Бухоро шаҳрида олий педагогик мактабнинг очилиши Бухоро Республикаси халқларининг маданиятини ошириш учун катта қадам бўлди ва умумтаълим кадрларни тайёрлашдаги муаммолар ечилди. Жумладан, олий таълим соҳасида барча ўқув жараёнлари рус тилида олиб борилган, ўқув адабиётлари ҳам рус тилида бўлган. Шунинг натижасида маҳаллий ўқувчи ёшларни руслаштирилган мактабларга ўқишга жалб этилган.

1922-1924 йилларда БХСРда мактаб тизимининг яхшиланиши натижасида юқори малакали ўқитувчи кадрларни кўплаб тайёрлаш талаби юзага келди. Бухоролик иқтидорли ёшлар олий педагогик даргоҳларда, ўқиш ва ишлаш учун Туркистон ва Россиянинг марказий шаҳарларига юбориларди. Бу вақтда ўқитувчиларни тайёрлаш сифати анча ошди.

Ёш республикада ўқитувчиларнинг нуфузи баландлиги, ойлик маошларининг юқорилиги ва турли хил имтиёзларнинг борлиги, айрим солиқ ва мажбуриятлардан озод этилганлиги БХСР тараққиёт мўъжизасининг сирини бўлиб қолди.

²⁹⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 43-варақ.

²⁹⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 74-иш, 41-варақ.

²⁹⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 37-варақ.

1923 йил июлдан бошлаб Шарқий Бухорода ҳам педагогик кадрларни тайёрлашда яхши кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, 1924 йил Қоратоғда ўқитувчилар тайёрлаш курси очилди ва унга 30 нафар талаба ўқиди²⁹⁹.

1924 йил 10 майида Қоратоғда 3 ойлик педагогик курс очиш учун 6389 сўм 92 тийин ва Бухородаги 3 ойлик педагогика курслари учун (150 кишига) 11757 рубль 78 тийин (олтин сўм) ажратди³⁰⁰.

БХСРдаги ўқитувчилар институтлари ва ўқув курсларининг ишида баъзи камчиликлар учраб турарди. Институт ва курсларнинг ишларидаги энг катта камчилик – улар учун ягона ўқув режаларининг йўқлиги эди. Шунинг учун БХСР ҳукумати ёрдами билан уларни тузатиш йўлга қўйилди. Агар 1923-1924 ўқув йилида Чоржўй ўқитувчилар институтида 65 та талаба³⁰¹ ўқиган бўлса, 1924 йил охирига келиб, улар 83 нафар, Бухорода эса 107 та талаба ўқирди.

1923-1924 ўқув йилида Бухоро ўқитувчилар институтида 120 талаба, 9 педагог, 7 нафар техник ходимлар ишларди. БХСРнинг дастлабки йилларида мактаб ўқитувчи кадрлари бармоқ билан санарли бўлса, улар 1924 ўқув йилида 300 кишига етди³⁰². Республикада зиёли ўқитувчилар доимо ўз билимлари ва маданиятларини ошириб боришга, ҳамда ёшларнинг билими ва таълим-тарбиясига эътибор қаратдилар. Асосан, жойлардаги халқнинг таълим даражасини яхшилаб бордилар.

Мутахассис кадрларни тайёрлаш ва уларга керакли шароитларни яратиш учун БХСР Нозирлар Шўроси Маориф ва таълим назоратига Москвада таълим уйини очиш вазифасини юклади ва бу вазифани бажаришни Қори Йўлдош Пўлатовнинг зиммасига қўйди.

Қори Йўлдош Пўлатов Москвага бориб, у ерда ўқиётган бухороликларнинг аҳволлари билан яқиндан танишади. Уларнинг аҳволлари анча оғир бўлиб, алоҳида турар жой билан таъминланмаган эди. Ҳар қандай

²⁹⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 157-иш, 1-варақ.

³⁰⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 157-иш, 208-209-варақлар.

³⁰¹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 157-иш, 71-73-варақалар.

³⁰² Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 404-иш, 113-варақ.

кийинчиликларга қарамай Москвада Маориф (таълимот) уйи очишга имконият қидирилди³⁰³.

Бу ишни бажаришда РКП (б) МК секретари В.В.Куйбишев катта ёрдам берди. Унинг ташаббуси билан РКП (б) МК қуйидаги қарорни қабул қилди:

1) Москвада БХСР фуқароларининг болалари учун мактаб ташкил қилиш учун халқ комиссарлари Совети ҳамма ёрдамларни беришсин.

2) Москва Совети тезкорлик билан бино ажратсин³⁰⁴.

1923 йил 23 мартда БХСР Халқ Нозирлари Шўроси қуйидагича қарор чиқарди:

1. Москвада Маориф (таълимот) уйи очилиб, унга 100 нафар ўқувчилар, 25 нафар интернат қизларидан қабул қилинсин.

2. Маориф назоратидан қисқа муддатли тайёрлов курси ташкил қилиниши ёки керак эмаслиги масаласи ечилсин.

3. Маориф назоратидан Москвага ўқиш учун 25 нафар ўғил ва 25 нафар қизни сафарга жўнатиш сўралсин³⁰⁵.

СССР Халқ Комиссарлари Совети қарор қилади: «Бухоро Республикаси ҳисобидаги маориф уйи ташкил этилсин ва Халқ Комиссарлари бу ишларни ўз зиммасига олиб барча ёрдамларини беришсин»³⁰⁶.

Бухоро маориф уйининг расмий очилиши 1923 йил 1 май куни бўлиб ўтди³⁰⁷. Унинг асосий вазифаси Бухородан келганларни аввалида рус тилига ўқитиш ва кейин эса ўқув муассасаларига бўлиб юбориш эди. Бухоро Маориф уйи талабаларини ҳисобга олган ҳолда уларга барча ёрдамларини кўрсатиши таъкидланади.

1923 йил майида Бухоро Маориф уйида тарбияланганлар қуйидагича бўлинади: 12 нафари ёши катталар ишчилар факультетига, 7 нафари ишчилар

³⁰³ Бухоро тарихи масалалари. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1996. – Б.138.

³⁰⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 162-иш, 57-варақ.

³⁰⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 28-варақ.

³⁰⁶ Юбилейный сборник Бухарский дом просвещения. – Москва, 1924. – С.15.

³⁰⁷ Иноятлов С., Алаулов А. Бухарский дом просвещения в Москве. – Навои, 1996. – С.20.

факультетининг тайёрлов курсига, 11 нафари «Қизил Шарқ» босмахонасига ишга жўнатилади³⁰⁸.

1924 йил бошида Бухоро уйида 172 ўқувчи бўлиб, улар ўқув юртларига қуйидагича тақсимланади: ишчилар факультетига 20 нафар, ҚУТВ 6 нафар, Ҳарбий мактабга 7 нафар, Зарайской фабрикага 7 нафар, I ва II поғона мактабларига 5 нафар, (жами 45 киши). Талабаларнинг қолган 127 нафари Бухоро Маориф уйида ўқийдилар³⁰⁹. Талабаларнинг ўқув-тарбиявий ишлари Москванинг мактаб дастури билан мос бўлиши керак эди. Бухоро Маориф уйида ўқитиш ва тарбиялаш харажатлари БХСР ҳукумати томонидан қопланган.

Бухоро Маориф уйида сиёсий-таълимий ишлар олиб борилади ва 60 нафар пионерлар, 75 нафар комсомоллар таълим олади³¹⁰. Улар ҳамма фанларни аъло баҳоларга ўқиш учун тинимсиз меҳнат қилдилар. 1924 йил бошига келиб Москва, Ленинград ва Қозонда Бухоро Республикасидан 45 нафар талаба бор эди. 1924 йил май ойига келиб РСФСР олий ва ўрта ўқув юртларида ва Москванинг ўзида 59 нафар бухоролик талаба таҳсил олаётган эди. Шу жумладан: Москва давлат университетининг тиббиёт факультетида – 2 талаба, К.Маркс номли Халқ хўжалиги институтида-1, ВТУ-1, қўмондонлик курсларида-7, Ленинграддаги бешта ишчилар мактабида-4, Қозонда-1 талаба ўқиган³¹¹.

1924 йилда Тошкент, Кавказ, Истанбул ва Анқарадаги институтларга БХСРдан 558 киши, жумладан, 25 нафар қиз ва аёллар ўқиш учун борди³¹².

Ёш бухороликлар партияси ўз пайтида қуйидаги учта шиор билан майдонга чиққан эди: Мактаб, Китоб, Матбуот! Бу ҳолат Бухородаги маҳаллий матбуотда шундай изоҳланади: “Ёш бухороликлар ҳам энг олдин бош кўтариб чиққанларида, юрт ва эл учун кураш майдонига отилганларида шу 3 ғояни юксак товуш билан қичқирганлардур: «Мактаб, Китоб, Матбуот!».

³⁰⁸ Юбилейный сборник Бухарский дом просвещения. – Москва, 1924. – С.22.

³⁰⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 239-иш, 149-варақ.

³¹⁰ Юбилейный сборник Бухарский дом просвещения. – Москва, 1924. – С.22-23.

³¹¹ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 239-иш, 148-варақ.

³¹² Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 239-иш, 150-варақ.

Буни ёш жумхуриятнинг Нозирлар Шўроси раиси ва Ёш бухороликларнинг пирларидан бири бўлган ўртоқ Файзулло Хўжа, бухороликларнинг бир йиллик байрамида чиққан «Ахбор»даги «Хотирамдадир» мақоласида ёзиб пухталаб ўтади. Четдан келадиган ақчаларнинг 8%ни маориф комиссарлигига бериш тўғрисидаги масалани карамоқ учун айрим бир ҳайъат тузилган³¹³.

Бухородаги миллий матбуотда ёзилишича, Нозирлар Шўроси Бухорода Олий ўқув юртлари йўқлигини эътиборга олиб катта ва ёш шогирдларни Олий илм олиши учун Озарбайжон, Туркия, Арабистон ярим оролига юборишга қарор қабул қилган ва Бухородаги мактабларни яхши йўлга қўйиш учун четдан олий таҳсил кўрган мутахассис муаллимларни Бухорога келтириб, уларнинг маошларини тегишли равишда таъмин қилишга шарт қиладур. Шу кунларда маориф назорати томонидан Бухорода биринчи ўлароқ дорулмуаллимин очилиб, дарслар бошланди. Энди мамлакатга ёш муаллимларни тайёрламоқ учун маориф назорати асосли суратда дорулмуаллимин очадур. Дорулмуаллиминда ўқиш муддати икки йил бўлгусидир. Мамлакатда маълумотли талаба етишгунча вақтли ўлароқ дорулмуаллимин баробарида икки йиллик кечки синфи ҳам очилмишдур. Дорулмуаллимин кечалик бўлиб, талабалар интернати (ётоқхона)да ётиб ўқишади. Фақат арзи бор талабагина уйларида ётиб юради. Ҳозирлик синфига қабул қилинмоқ учун талабаларнинг ёши 15 дан кам 25 дан ортиқ бўлмаслиги шарт. Асосий синфга эса 16 ёшдан кам 25 ёшдан ортиқ бўлмаслиги шартдир³¹⁴.

Дорулмуаллиминда ўқитмоқ учун иқтидорли, тажрибали муаллимлар жалб қилинишидир. Бу дорулмуаллимин очилиши илм ва маориф йўлида биринчи одимдир. Бухоронинг истиқболи ва саодати учун дорулмуаллиминнинг яшамоғи лозимдир. Бунга ҳукумат аҳамият бериб, бунинг бош тамойилини таъмин этмоғи лозим³¹⁵.

³¹³ Китоб келтириш учун // «Бухоро ахбори», 52-сон. 1921 йил 12 октябрь.

³¹⁴ Ёзги мактаб // «Бухоро ахбори», 50-сон. 1921 йил 25 сентябрь.

³¹⁵ Бухорода биринчи дорулмуаллимин // «Бухоро ахбори», 54-сон. 1921 йил 3 ноябрь.

Бухоро амирлиги мавжуд бўлган даврда маҳаллий аҳоли туркий ва форсий тилда сўзлашар эди. Амирликнинг давлат бошқарувда иш юритиши асосан, форсий тилда бўлган. БХСР ташкил топиши билан мамлакатнинг давлат тили масаласи муҳим бўлиб турди. 1921 йил 11 мартда Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси ўзбек (туркий) тилни мамлакат ҳудудида давлат тили деб эълон қилди³¹⁶. БХСР Конституциясининг 11-моддасида ҳар бир инсон ўз она тилида таълим олиш лозимлиги белгиланган: Ҳар миллатнинг мактабларида ўз тилларида таҳсил олишга ва ўз она тилларида таълим бериладиган мактаблар очишга ҳақлари бўлганлигини эътироф этади. Бироқ мазкур конституцияда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни қонуний эътироф этилмади³¹⁷.

БХСРда тил масаласи оддий халқ ўртасида катта муаммога айланган, сабаб халқнинг муомала тили асосан форсий тил бўлганлиги эди. Муаллиф Абу Бакр сўзларига кулоқ тутинг: “Ўнгимми тушимми, билмайман сиз газетчилардек аҳволи оламни, йўл-йўриғни ҳам билмайман. Бироқ шу сохта инқилоб бошлангандан бери бир нарсани кўп ерда эшитдим, кўп ерда сайрадилар биласизми, ул нима эди? Ул, «Бухорода ҳукумат тили – туркий тил». Мен бу сўзнинг ҳам маъносига сира тушунмас эдим. Бир кун бир нима бўлди-да айланиб «Трөвтиский» клубига бориб қолдим. Кўрдимки мажлис бўлиб турганди. Бир оз томоша қилдим, йиғин, котиблар иттифоқининг умумий йиғини эди. Форсча сўзлагани учун кўп лаззат билан тингладим бироқ, ёнимда турган бир янги форма ягит қош ва қовоғини хўмрайтириб: «Қайда қолди ҳукумат тили бўлган турк тили?» деб ғудурланиб чиқиб кетди. Мен яна англамадим, яна тушунмадим. Ажабо, ҳукуматнинг бир тили бор эдида, йўқолдимми, ёки ул киши ўзи шунчаки айтдимми»³¹⁸.

³¹⁶ Қаранг: Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б.166.

³¹⁷ Рашидов О. Ўзбекистонда Совет бошқарув структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1918-1933 йил). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2018. – Б.14.

³¹⁸ Абу Бакр Тил масаласи // «Бухоро ахбори», 468-сон. 1921 йил 20 июль.

Афсуски, Бухорода ўзбек тили ҳукумат тили деб эълон қилинган бўлсада, амалда расмий ҳужжатлар рус тилида юритилди. Шу давр матбуотида келтирилган баъзи материалларда³¹⁹ давлат органлари ва муассасаларда йиғилишлар рус тилида олиб борилганлиги, ҳукумат тили турк тили деб қўп таъкидланаётган бўлсада, амалда бунга риоя қилинмаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Совет ҳокимиятининг давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсати бошқа миллий республикалар сингари БХСРда ҳам татбиқ этилади. 1923 йилнинг августида БХСР Марказий Ижроия Комитети ҳузурида маҳаллийлаштириш комиссияси тузилди. Аксарият архив ҳужжатларида ва матбуот материалларида ушбу комиссия «Идораларни мусулмонлаштириш комиссияси» номи билан, баъзиларида эса «Идораларни маҳаллийлаштириш комиссияси» деб юритилган³²⁰.

Бухоро Компартияси Марказий Комитети 1923 йил 23 августда бўлган пленумида партиянинг миллий масаласига оид қарорини амалга ошира бориб, БХСРда давлат идораларни маҳаллийлаштириш ва миллий мутахассис кадрлар билан республика ҳукумати таркибини ўзгартиришни тавсия этди. Натижада республика бошқарувида миллий кадрларнинг ўрни куйидагича бўлди: Порсо Хўжаев – БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси; Ахмаджон Абдусаидов – БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси котиби, Файзулла Хўжаев – Халқ Нозирлар Шўроси раиси; Ота Хўжаев – Ташқи ишлар нозири, унинг ўринбосари Комилжонов; Мухтор Саиджонов – Ички ишлар нозири, унинг ўринбосари Ғиёсиддин Ҳасанов; Саттор Хўжаев – Молия ишлари халқ нозири; Адлия халқ нозири – Юсуфзода ва унинг ўринбосари Азимжон Шарипов; Абдурауф Фитрат – Маориф халқ нозири ва унинг ўринбосари Масхоруддин Бурхонов; Чўли Наврўзов – Ер ишлари халқ нозири ва унинг ўринбосари Гулом Қодиров; Ҳожи Ҳамро Йўлдошев – Давлат назорати (Госкантрол) нозири ва унинг ўринбосари Непрокин; Муинжон Аминов – Халқ хўжалиги

³¹⁹ «Бухоро ахбори», 46-сон. 1921 йил 20 июль ва б.

³²⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат ,474-иш, 16,24,42,50-варақлар.

Олий Кенгаши раиси; Содик Мухаммедов – Бухоро Компартияси Марказий Комитети масъул котиби ва унинг котиблари –Позднишев ва Наимжон Ёқубзода; Қори Йўлдош Пўлатов – Меҳнат халқ нозири; Олимжон Оқчурин – Меҳнат халқ нозирлиги аъзоси, Раҳмат Рафиқов – Диктаторлик Комиссияси раиси, Мулло Болта – Фавкулудда Комиссиянинг Шарқий Бухоро бўлим бошлиғи; Султонбек – Бухмарказ иттифоқи раиси ва унинг ўринбосари Арслон Хўжаевлар қайд этилди³²¹.

Бироқ миллий мутахассис кадрлар тайёрлашнинг янги ғояларига эътибор берилмаган. Хусусан, ҳудуди, аҳолиси кам, ер майдони ихчам бўлган БХСРда бошқарув тизимини ихчамлаштириш ва миллий мутахассис кадрларнинг малакасини ошириш керак эди. Республикада буйруқлар эмас, қонунлар устувор бўлишини таъминлаш масаласига асосий эътиборни қаратиш лозим эди. Ёшларнинг асосан, илмий салоҳиятига эътибор бериб, уларни давлат бошқарув тизимига жалб этишни таъминлаш зарур бўлган.

1923 йилнинг 24 августида Бухоро Коммунистик партияси Марказий Кўмитасининг кўрсатмаси асосида давлат идораларини маҳаллийлаштириш мақсадида Бутун Бухоро МИК томонидан барча хат ва ёзишмаларни мажбурий равишда мусулмон тилида (ўзбек тилида) амалга ошириш тўғрисида 10-сонли буйруғи чиқарилган. Бироқ жорий йилнинг 25 декабрида Бутун Бухоро МИК Президиуми йиғилишида мазкур буйруқни амалга оширишда бир қатор қийинчиликлар юзага келганлиги, аксарият муассасалар томонидан бунга етарлича эътибор қилинмаётганлиги танқидий ўрганилган. Шунингдек, мазкур масалани ҳаётга татбиқ этишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, давлат муассасаларини миллийлаштиришнинг бутун Бухоро миқёсида амалга оширилиши ҳусусида қатъий чоралар белгиланган.

1923 йилнинг октябрида Идораларни маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан БХСРнинг барча муассасаларига бир хил мазмундаги буйруқ юборилади. Ушбу буйруқда идораларни бошқаришда европа миллатига

³²¹ Рашидов О. Ўзбекистонда Совет бошқарув структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1918-1933 йил). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2018. – Б.15.

мансуб ходимлар ўрнини маҳаллий миллат вакиллари билан алмаштириш ҳамда иш юритишни маҳаллий тилда олиб бориш лозимлиги таъкидланади³²².

Натижада БХСРда маҳаллий кадрлар салмоғини ошириш ва давлат аппаратини аҳолига яқинлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1923 йилдан эътиборан Бухоро Коммунистик партияси Марказий комиссиясининг қарори билан ҳукумат муассасаларини туб миллатга мансуб ходимлар билан тўлдиришга киришилди. Еропалик ишчиларнинг 8 фоизи ишдан бўшатилиб, 10-15 фоизинигина раҳбарлар сифатида қолдиришга қарор қилинди³²³.

БХСР ҳукумати илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантирмасдан туриб, уни мустақил ва ривожланган давлатга айлантириб бўлмаслигини яхши тушуниб етган эдилар. Файзулла Хўжаев ҳам мазкур ғояга таяниб, 1920 йил БХСР ташкил топган дастлабги кунларданоқ илм-фан, маданият, халқ маорифи тараққиётига алоҳида эътибор билан қаради. Чет давлатларда ўқийдиган иқтидорли миллий кадрларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 1922 йил 25 сентябрдан 25 октябрга қадар Германияга даволанишга борган Файзулла Хўжаев Германиянинг турли шаҳарларида илм-хунар олаётган юздан ортиқ туркистонлик йигит-қизлар билан мулоқотда бўлади. Уларнинг яшаш шароити, ўқишлари билан қизиқади. Файзулла Хўжаев Берлиндан туриб, БХСР МИК номига «Берлин мактублари» номи билан йўллаган хатлар «Бухоро ахбори» газетасида 1922 йил 19 ноябда чоп этилган³²⁴. Жумладан, ёш мутахассис кадрларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун 1924 йил 9 январда Файзулла Хўжаев раҳбарлигида БХСР Халқ Нозирлар Шўросининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш баённомасида Германияда ўқиётган бухоролик талабаларга қўшимча равишда 15 сўм олтин миқдорида

³²² Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-иш, 15-варақ.

³²³ Ғози Юнус Ҳукумат бошқарувини европалаштириш // «Туркистон», 1923 йил 22 сентябрь.

³²⁴ Ҳайитов У. Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда тугган ўрни: Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Бухоро: 2022. – Б.16.

ва 13 та олий таълим муассасасида таълим олаётган талабаларнинг ҳар бирига 75 сўм олтин миқдорида стипендия тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди³²⁵.

БХСРда миллий ҳарбий кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилиб, 1923 йилнинг декабрида Бухоро Марказий Ижроий Комитети ҳузуридаги Идораларни маҳаллийлаштириш комиссияси томонидан Бухоро ҳарбий кўмондонлигига маҳаллий кадрлар тайёрлаш бўйича 72-сон рақам остида топшириқ жўнатилган³²⁶. Натижада Бухоро ҳарбий нозирлиги билан Бухоро кизил армияси ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳамда ўзбеклардан ҳарбий мутахассис кадрлар тайёрлашга келишиб олинган³²⁷.

Ҳарбий соҳада мутахассис кадрлар тайёрлашда асосан, рус мактабларида таҳсил олган ва рус тилини яхши биладиган иқтидорли ёшлар жалб қилинган. Бу соҳада ўқув адабиётлари аксарияти рус тилида бўлган. Миллий кадрлардан ҳарбий мутахассислар сони анча камчиликни ташкил этган.

БХСРда маҳаллий ёшлардан ҳарбий кадрлар тайёрлаш ишлари ҳам ҳукумат олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланган. 1921 йил февралда ташкил этилган биринчи Бухоро ҳарбий мактабида таълим олиш истагида бўлган маҳаллий ёшлар учун қуйидаги тартиб жорий қилинган. Мазкур ҳарбий мактабга жалб этилаётганларнинг ёши 18 дан 26 ёшгача, расмий илтимосларга кўра, эса 30 ёшгача бўлиши, шубҳасиз, соғлом бўлиши ҳамда партия, иттифоқ ёки ҳукумат муассасаларининг тавсиясига эга бўлиши белгиланган. Жумладан, олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун ҳам, ҳукумат муассасасининг тавсияномасига эга бўлиши сўралган. Яна ҳарбий мактабларни мутахассис ўқитувчилар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши ҳамда ўқитиш мусулмон тилида амалга оширилиши тартиби белгиланган³²⁸. Шунингдек, давлат идораларини маҳаллийлаштириш комиссиясининг 1923 йил якунлари бўйича келтирилган ҳисоботида соғлиқни

³²⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 260-иш, 36-варақ.

³²⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-иш, 50-варақ.

³²⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 474-иш, 42-варақ.

³²⁸ Рашидов О. Ўзбекистонда Совет бошқарув структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917-1933 йиллар). – Б.61.

сақлаш тизимида муаммолар талайгина эканлиги қайд этилган. Шу мақсадда 1924 йил январь ойидан эътиборан, маҳаллий миллат вакилларида Эски Бухоро шифохонасининг 1-бўлими учун кичик тиббий ходимларни тайёрлаш курслари тўғрисидаги Низом қабул қилинган. Мазкур курсларда санитарлик, хамширалик, дезинфекторлик каби мутахассислар тайёрлашда Марказий амбулатория шифокорлари ўқитувчилар сифатида иштирок этиб, бепул маъруза ўқишлари белгиланган. Хусусан, БХСРда тиббиёт соҳасида анча муаммолар бўлиб, оналар ва болалар ўлими жуда кўп бўлган. Тиббиёт соҳасидаги адабиётларни аксарият қисми рус тилида бўлган, дори-дармонлар ҳам рус тилида бўлган³²⁹. Натижада аҳоли ўртасида тиббий маданият оғир аҳволда бўлиб келган. Демак, бундан кўриниб турибдики, БХСРда нисбатан санитария йўқлиги, уй-жой шароитининг ёмонлиги натижасида касалликлар кўпайиб бораётганлиги барча соҳаларда норозилик туғдирмоқда эди.

БХСРда европача илмий асосга қурилган медицина баъзи жойларда нуфузи кучли бўлган маҳаллий табиблар билан рақобат қилиб, уларни қишлоқлардан суриб чиқараётганлигини, БХСР ҳукумати раҳбари Файзулла Хўжаев ўз вақтида айтиб ўтади. Унинг ёзишича, Бухорода 1923-1924 йилдаги бюджетдан соғлиқни сақлашга 211 000 сўм сарфланди³³⁰. 1923 йил октябрга келиб БХСРда 240 ўринга эга бўлган 5 та касалхона ишларди, улар Бухоро, Қарши, Кармана, Когон ва Чоржўйда жойлашган эди. Шунингдек, 5 ўринли туғиш бўлимларига эга бўлган 2 амбулатория ва 8 фельдшерлик пункти аҳолига хизмат кўрсата бошлади. 1924 йил 1 январдан эса Бухоро тропик институти ўз фаолиятини бошлади. Шу мақсадда медицина ходимлари 150 нафарга етказилди³³¹.

Хуллас, Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий мутахассис кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, булар ходимларни турли юмушлардан, ортиқча қоғозбозликдан озод қилиб, таълим сифатига эътибор

³²⁹ Қаранг: Каромов Ғ.Ҳ. Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРда соғлиқни сақлаш соҳасининг йўлга қўйилиши. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) дисс. автореферати. – Бухоро, 2021. – Б.18-19.

³³⁰ Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч жилдлик. II жилд – Тошкент: «Фан», 1976. – Б.305.

³³¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Б.248.

қаратилган. Педагог ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалий ишлар бажарилган. Демак, бундан кўриниб турибдики, юқоридаги қоидалар ҳозирги замон руҳи билан ҳамоҳанг эканлигига гувоҳ бўламиз. Шу мақсадда ўтмишдаги таълим соҳасининг энг яхши томонларини бугунги ўқув жараёнига татбиқ қилса мақсадга мувофиқ бўлади.

3.3. Маданий-оқарту муассалари ва уларнинг фаолияти

БХСР ташкил топган дастлабки йилларданок маданият муассасаларидан театр, кутубхона, қироатхона, музей, клуб, чойхона, болалар боғчаси ташкил этиш билан боғлиқ амалий вазифалар бажарилган³³². Жумладан, жадидлар даврида ҳам «Таржимон» ва «Вақт» газеталари, «Мулла Насриддин» сингари сатирик журналлар катта роль ўйнади. Шу тариқа ҳур фикр ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳларидан дастлаб Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Самарқандда бир неча маданий-оқартув жамиятлари тарзида жадидлар ташкилоти вужудга келди. Бу ташкилот дастлаб мавжуд мактабларни ислоҳ қилиш, сўнгра дунёвий таълим системаси зарур деган ва унчалик катта бўлмаган ислохотлар талаб қилган ҳамда бу жамиятлар кейин ривожлана бориб Туркистонда маданий-оқартув характеридаги ошкора ҳаракатга айландилар³³³.

Шунингдек, Фитрат БХСРда партиянинг сиёсий иши билан алоқани гарчи расмий равишда узмаган бўлса ҳам, аммо маданий-оқартув ишларига бутун вужуди билан берилиб кетиб ва айни вақтда Афғонистон элчихонаси хизматига кириб, партияда актив ишламай қўйди³³⁴, дейилади хабарларнинг бирида. Натижада илм аҳлини партия ишларига жалб қилиниши, илм аҳли ижодига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

³³² Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррир: Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б.163.

³³³ Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч жилдлик. II жилд. – Тошкент: «Фан», 1976. – Б.83.

³³⁴ Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч жилдлик. II жилд. – Тошкент: «Фан», 1976. – Б.87.

Тадқиқ этилаётган даврда Бухорода фаолият кўрсатган Чўлпоннинг «Театр-томоша», «Адабиёт кечаси» мақолалари БХСРдаги маданий-оқартув ишлари ҳақида баҳс юритади. Муаллиф масалага танқидий ёндашади. «Адабиёт кечаси» мақоласида у устози Фитрат томонидан Бухорода ташкил этилган «Шарқ» чолғу асбоблари мусиқа мактабларнинг фаолияти таҳлил қилинади³³⁵.

Хусусан, маданий-маърифий ишларда асосан, вақф мулкларининг даромадларидан фойдаланилган, жумладан, мадрасалар, мактаблар, касалхоналар, етимакхоналар таъмирланиб, уларнинг хизматчилари таъминланган ҳамда вақфдан қолган бошқа даромадлар БХСРда янги ташкил қилинган халқ маорифи таъминоти учун ишлатилган³³⁶. Хусусан, Фитрат томонидан вақф даромадлари ҳисобидан масжид ва мадрасалар, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, мактаб таълим-тарбия курслари ташкил этиш, дорилмуаллимин, кутубхона, музей, касалхона, етимхона, хонақолар очиш, газета ва журналлар чоп этиш каби масалалар матбуотда батафсил баён қилинган.

Бухорода маданий оқартув шохобчалари ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. БХСРда аҳолини маданий ҳаётга кенгроқ тортиш учун 1923-1924 йилларда 5 та клуб ва 10 та қизил чойхона очилган. Қизил чойхона ва клублар турли вилоят ва туманларда ҳам ташкил қилинган. Бухоро тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганиш ва уларни муҳофаза қилиш мақсадида 1920 йил охирида БХСР Маорпиф нозирлиги ҳузурида тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш учун махсус шуъба ташкил қилинди. Ушбу шуъба ишида, айниқса, Абдурахим Юсуфзода фаоллик кўрсатди. Унинг ташаббуси билан 1924 йил 1 августда Москвада Бухородаги мавжуд тарих ва маданий обидаларни таъмирлаш бўйича шартнома тузилди. Шунингдек, Бухоро ҳукумати мамлакатда маданий оқартув муассасалари ташкил қилиш ва улар

³³⁵ Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С., Рахмонов К.Ж. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. – Б.98.

³³⁶ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррир: Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б.148.

фаолиятини яхшилашга ҳам эътибор қаратди. 1924 йилга келиб БХСРда 14 та кутубхона, драма театри, музей ва кўплаб клублар аҳолига хизмат кўрсатди. Ўзбек ва рус тилларида янги газета ва журналлар ҳамда бошқа адабиётлар чоп этиш ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек, Бухорода илк давлат кутубхонаси ҳам ташкил этилди.

Жадидчилик ҳаракати вакиллари ҳақида сўз борганда, албатта, унинг ҳам номи тилга олинади. Маърифатпарвар бу инсон Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний каби юрт фидойилари қаторида туради. Бу ўринда сўз ўлкашунос ва қадимшунос олим, таржимон, профессор Мусо Саиджонов ҳақида бораётир.

Мусо Саиджонов Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси ва ўлкашунослик музейини ташкил этишда, уларни қадимий маданий-маърифий манбалар-нодир қўлёзма асарлар, қимматбаҳо босма ва литографик китоблар, турли даврларда ёзилган ҳужжатлар, вақфномалар, осори антиқалар билан бойитишда жонбозлик кўрсатган. Кутубхона 1921 йилда очилган. Ўшанда у 187 нусха китоб фонди ва салкам 400 китобхонга эга эди. Бу маърифатпарвар инсон ўз даврининг зукко китобхони бўлиш баробарида, букинист-коллекционер ҳам саналади. Унинг ниҳоятда бой шахсий кутубхонага эга бўлганлиги шундан далолат беради. Олимнинг шахсий кутубхонасига тегишли айрим тошбосма китоблар Ўзбекистон Миллий архиви, ЎзФА Шарқшунослик институтида ҳам сақланмоқда. Ўз даврида Файзулла Хўжаев, Фитрат, Чўлпон сингари эл-юрт фидойилари маслакдоши сифатида Мусо Саиджонов ҳам қамоққа олинади. У 1937 йил 25 октябрда совет ҳокимияти томонидан отиб ташланди³³⁷.

Аммо «Яхшидан боғ қолади» деганларича бор. Бу элпарвар инсон ташаббуси билан ташкил ташкил этилган Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят ахбарот-кутубхона маркази халқимиз тафаккурини бойитишда битмас-туганмас чашма вазифасини ўтаб келмоқда³³⁸.

³³⁷ Қаранг: Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати унинг оқибатлари (1917 – 1991 й.). – Тошкент: Фан, 2022. – Б.227-228.

³³⁸ Ахмедов А. Бухородаги илк давлат кутубхонаси ташаббускори // Халқ сўзи, 2022 йил 23 февраль.

БХСР матбуоти ўз саҳифаларида республикадаги театр, музей, кутубхоналар маданий-оқартув фаолияти билан боғлиқ воқиаларга кенг ўрин ажратган. Бу мавзуда ёзилган хабар ва мақолалар ўзининг объективлиги, йўл қўйилган камчиликларни тўғридан-тўғри очиб ташлаши билан ажралиб туради. Шунингдек, БХСРнинг охириги йилида ҳам ҳукуматнинг уриниш ва ҳаракатларига қарамай, театр санъати оммавий томоша даражасига кўтарилишига эришилмаганлиги матбуот орқали очиқ баён қилинди. Демак, кўриниб турибдики, матбуот соҳаси республика халқ хўжалигини танқидий таҳлилий ўрганган. Айни шу йилларда БХСР қўшни республикалар ва бир қатор Шарқ мамлакатлари билан мустақил равишда иқтисодий, дипломатик-сиёсий, маданий алоқалар ўрнатиш йўлини тутди. Аммо республиканинг кейинги 2 йили (1923-1924) давомида Марказ таъсирининг кучайиши ва уларнинг ички масалаларига аралашуви, советлаштириш сиёсати барча соҳаларда коммунистик мафкуранинг кучайганлиги яққол кўзга ташланди³³⁹.

Кутубхона ишини умумдавлат миқёсида ташкил қилиш Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматининг асосий ишлари ҳисобланиб, кутубхоначилик халқ оммасининг маданиятини ошириш ҳамда аҳолини ижодкорлик руҳида тарбиялашда асосий восита сифатида қаралган.

Бухорода амирлик тартиби ағдарилгандан сўнг, турли мадрасалар тасарруфида фақатгина икки-учта кутубхона бўлиб, улардан зиёлий табақанинг айримларигина фойдаланганлар холос, лекин аҳолининг катта қисми китобдан баҳраманд бўла олмас эди. Бухоро Халқ Совет Республикаси ўрнатилгандан сўнг, дастлабки йилларда йирик шахсий китоблар коллекцияси давлат мулкига айлантирилди, маҳаллий аҳолининг сиёсий ва маданий билимини оширишга хизмат қилиш учун кутубхоналарга топширилган, шунинг учун ҳам кутубхоналар халқ оммаси орасида илмий билимларни тарқатишга хизмат қилди³⁴⁰. Бухоро ҳукумати кутубхона ишининг ташкил

³³⁹ Рахмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси: Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2009. – Б.126.

³⁴⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 18-19-варақлар.

қилишини тезлаштиришга ўз эътиборларини қаратиб, китоб ва илмни яхши кўрадиган барча аҳоли халқига ҳар томонлама хизмат кўрсатиш учун кенг кутубхона тармоғини жорий қилган ҳолда китоб бойликларидан фойдаланиш лозим бўлган. 1920 йил 27 октябрда Бухоро Халқ Совет Республикасида Халқ маориф нозирлиги қошида кутубхона бўлими очилди.

Бўлим Бухоро Халқ Совет Республикасининг бошқа шаҳар ва қишлоқларидан йиғиб келинадиган китобларнинг муҳофазаси билан шуғулланган. Бўлимнинг мутасаддилари тугатилган ташкилотларнинг кутубхоналарини, давлат тасарруфига ўтган шахсий китоблар мажмуасини (амир ва девонбеги фондидаги китоблар) муҳофаза қилишни таъминлаганлар. Биргина қозикалон ҳовлисида 2000 та китоб олиниб, уларнинг 25% қўлёзма бўлган. Қўлёзмаларнинг таркиби турли-туман бўлган, уларнинг қадимийлиги ҳам жуда эски ҳисобланган, уларнинг ичидаги энг эски қўлёзма Чингизийлар ҳукмронлиги даврининг сўнгги йилларига тегишли бўлган³⁴¹.

1920 йили ҳокимиятнинг қарорига мувофиқ бешта кутубхонадан биттаси, яъни Марказий давлат кутубхонасини Минораи Калон олдидаги мадраса биносида очишга қарор қилинган, кутубхона учун 10 минг жилддан иборат мусулмон ва Европа адабиётидан китоблар жамланган (турли хилдаги эски қўлёзмаларни ҳисобламаганда). Бу кутубхонанинг фонди амир ва унинг яқинлари кутубхонасидаги китоблар ҳисобидан тўлдирилган. Марказий кутубхонага Абу Али Ибн Сино номи берилган³⁴².

1924 йили апрелда бу кутубхонада 50 мингта китоб бўлган. Барча адабиётлар тизимлаштирилиб, 11 та бўлимга бўлинган ва китобхон ўзи хоҳлаган китобни тезда топиб олиб фойдаланиши учун қулай қилиб қўйилган³⁴³. Кутубхона ҳузурида шарқ қўлёзмаларини сақловчи бўлим мавжуд бўлиб, у ерда ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китоби, Алишер Навоий, Фирдавсий ва Ўрта Осиёдаги бошқа файласуф, шоирларнинг қўлёзмалари

³⁴¹ «Известия Турк ЦИК», 26 октября 1920 г.

³⁴² Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 120-иш, 19-варақ.

³⁴³ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 120-иш, 19-варақ.

сақланган. Кутубхона вилоят ва туман кутубхоналари билан китоб алмашиб турган³⁴⁴.

Кейинчалик маориф халқ нозири Қарши вилоятига Бухоро қадимги археологиясининг билимдони бўлган Саидмахмуд Махмудовни юбориб, у ердаги қадимий маданий обидаларида тадқиқот ўтказишни, шу билан бирга айрим вилоят ташкилотларида сақланадиган турли хилдаги қўлёзмаларни йиғиб келишни буюради. 1921-1922 йилларда БХСРнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида оммавий халқ кутубхоналари очила бошланди. 1921 йил сентябргача республиканинг вилоят ва туманларида 16 та кутубхона очилди³⁴⁵.

Бухоро Республикасида кутубхона ишини ривожлантиришни давом эттирганлар, республиканинг оммавий кутубхоналари ўзининг функциясини муваффақиятли тўла бажарган, илм ва техниканинг турли соҳаларини ўрганиш учун халқ кўмаклашган китобларни кенг халқ оммасига етказган.

1922 йили БХСРда мавжуд кутубхоналар тизими ҳолатини қуйидаги жадвалдаги рақамлар ифодалайди. Бухоро Республикасида мавжуд кутубхона ташкилотлари тизими барча кутубхоналарнинг ягона умумхалқ фондини ташкил қилиб, унда ҳар бир китобхон қаерда яшашидан қатъий назар, ўзига яқин бўлган кутубхонадан керакли бўлган китобни олиши мумкин бўлган.

1-жадвал

БХСР шаҳарларидаги кутубхоналар ва китобхонлар миқдори (1922 й.):

Шаҳарлар	Кутубхоналар	Китобхонлар сони	Китоблар сони
Эски Бухоро	5	11500	26349
Ғузор	1	1900	1778
Қарши	1	1750	1685
Кармана	1	1615	1225
Эски Чоржўй	2	1565	1395
Термиз	1	3570	5120
Бойсун	1	-	-

³⁴⁴ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 24-варақ.

³⁴⁵ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 36-варақ.

Карки	1	-	2000
Шахрисабз	1	-	
Когон	1	4785	15526
Жами	16	26576	66078

Оммавий халқ кутубхоналари органик тарзда барча мактабдан ташқари маданий-маърифий ташкилот ва муассасалар билан боғланган бўлиб (ўқув хоналари, клублар, халқ уйлари, музейлар, катталар учун мактаблар), янги ҳокимият ўрнатилгандан сўнг бу ташкилотлар бутун республика бўйлаб тузилди. Айрим вилоят мактаблари ҳам (Чоржўй, Кармана, Когон, Карки ва б.) ўзларининг кутубхоналарини ташкил қилдилар. Карманадаги мактабда кутубхона ташкил қилиниб, 1312 жилдлик китоб бўлган, шундан 35 таси болалар китоблари, 300 таси дарсликлардир³⁴⁶. Ғузурда жойлашган кутубхонада 1778 та китоб мавжуд бўлиб, у ерга 1500 катталар ва 400 нафар ўқувчилар китобхон сифатида қатнашганлар³⁴⁷.

Вилоят кутубхоналарида ўртача 1500-1600 та китоб бўлган. Янги ҳокимиятнинг ўсиб келаётган ёшларни тарбиялаш борасидаги ишлари БХСРда болалар кутубхоналари тизимини яратиш ва такомиллаштириш ҳисобланиб, у ердаги ишлар халқ таълими органлари билан ҳамкорликда олиб борилган. Масалан, Янги Чоржўй шаҳар халқ таълимига тегишли кутубхона мавжуд бўлиб, унда тахминан 10 минг китоб бўлган³⁴⁸. У кутубхона ҳақида шундай хабар берилади: “Ўқувчилар кутубхонаси яхши фаолият олиб борди ва бошқа кутубхоналар билан ҳар ойда ўртача 300-350 та китоб алмашади”³⁴⁹.

Болалар ва ўсмирлар кутубхоналари ходимларининг асосий вазифаси болаларни китоб ўқишга жалб қилиш ва буни бошқариш ҳисобланган. БХСРда кутубхона ишида ғоявий-сиёсий даражани кўтариш учун қаттиқ кураш олиб борганлар, бу иш халқ оммасининг ижодий ва ўз фаолияти борасидаги

³⁴⁶ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 102-варақ.

³⁴⁷ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 41-варақ.

³⁴⁸ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 64-иш, 209-варақ.

³⁴⁹ Ўзбекистон миллий архиви, 56-фонд, 1-рўйхат, 149-иш, 90-варақ.

ташаббусни ошириб, маҳаллий интеллигенция кадрларни қайта тарбиялаш, уларни фаол оммавий тарғибот ишларига жалб қилиш ҳисобланган³⁵⁰.

БХСРда кутубхоналар ишини ривожлантиришда бир қатор тўсиқлар мавжуд бўлган. Масалан, кутубхона фондларини тўлдириш учун республика ҳукумати Тошкент, Боку, Қозон ва бошқа шаҳарлардан катта ҳажмда китобларни харид қилган. Лекин бу режани амалга ошириш вақтида керакли пул ва зарурий китобларнинг йўқлиги билинди. Шу билан бирга, республикада тайёр кутубхоначи кадрлар ҳам етишмасди. Масалан, Қарши вилоятида олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики, кутубхоналар бўйича ишлаш жуда ёмон аҳволда бўлган. Барча китоблар тарқоқ ҳолда бўлиб, китобхонларга ёмон хизмат кўрсатишган. Бундай кутубхоналарга ойида атиги 12 китобхон борган, холос³⁵¹.

Миллатимизнинг жонкуяр фидойилари, истиқлол курашчилари бўлган Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Отаулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Қори Йўлдош Пўлатовлар БХСР фаолият юритган йилларда бой маданий ва маънавий меросимизни асраш, келажак авлодларга етказиш йўлида озмунча куч сарфламадилар. Бухоро Республикаси ҳукуматининг дастлабки кунларидан бошлаб, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эски китоблар ва осори-атиқаларни тўплаш, уларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар кўрилди ва бир қатор буйруқлар чиқарилди. 1920 йил 17 сентябрдаги Бухоро Нозирлар Шўросининг буйруғида айтилганидек, «Бутун Бухоро мамлакатадаги эски ҳукумат маъмурларидан қолган эски ва янги китоблар маориф назоратига топшириладур. Шул китобларни кўрмоқ ёки сотиб олмоқчи бўлганлар маориф назоратидан ижозат олмоқлари керакдур. Хусусий кишиларда эски китоблари бўлиб сотмоқчи бўлсалар четга чиқмасдан маориф назоратига келтириб, ўз баҳосида ақчасини олсунлар ва шул юқоридаги ёзувларга қарши келганларга жазолар ила ҳукмга бериладур»³⁵².

³⁵⁰ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 182-иш, 40-варақ.

³⁵¹ Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 140-варақ.

³⁵² Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 30-варақ.

Ҳукумат ўтмишдан мерос бўлиб қолган мадрасаларга, китоб ва ўқув-ёзув асбобларига, асори-атиқаларга эгалик қилиш, уларни бир жойга тўплаш вазифасини маориф нозирлиги зиммасига юклаб қўйганди. Шунинг учун ўлка маданиятига оид асори-антиқа ва санъат асарларни тўплаш мақсадида маориф нозирлиги қошида «тарихий асори-антиқа шўбаси» ташкил қилинганди.

Маориф нозирлигининг 1920 йил 20 декабрдаги буйруғида «Агар Бухоронинг ўлка маданиятига оид осори-антиқа ва нафис мусиқа асбоблари бўлса, маориф назоратидаги тарихий асори-антиқа шўбасига келтириб топширсинлар. Маориф назорати ҳар асбобнинг қимматида қараб пулни берадур. Бундай асбобнинг қўлдан – қўлга ўтиб, сотилиб юрилиши қатъий мумкин эмас!»³⁵³ – деган фикрларни ўқиймиз.

Маориф нозирлигидаги «тарихий осори-антиқа шўбаси» икки йил давомида ғайрат билан самарали ишлади. 1920-1922 йиллар давомида бир музей ташкил қилиб, унда намоёниш қилишга арзирли, етарли бўлган кўҳна тарихимиздан садо берувчи ашёвий материаллар тўпланди. 1922 йил 8 ноябрда РСФСР ҳукуматининг БХСРдаги ваколатхонаси бошлиғи Цоколов ҳамда халқ вакиллари иштирокида Бухоро музейининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Музейни очиш маросимида Ато Хўжа (Отаулла Хўжаев) қуйидагича фикр билдиради: «Бухоро бир музахона (музей) очилишини кўрмак, илк буюк тилакларимиздан биридир. Бу кун шу муқаддас тилагимизнинг вужудга чиқишини кўриб жуда хурсанд бўлдик»³⁵⁴. Маориф нозирининг муовини М.Махзум эса: «Музахона бир тарихдир, Музахона бир дарсдан иборатдир. Бир миллатнинг авлоди шуни томоша қилиб боболарнинг аҳволидан дарс ўқур. Бир мамлакатнинг тарихини билмоқ учун музахонани томоша қилмоқ керак, десак хато қилмаймиз»³⁵⁵.

БХСР Маориф халқ нозирлиги Қори Йўлдош Пўлатов осори-антиқаларни тўплаш учун республика ҳудудини кезиб чиқди, халқимиз орасида уларни

³⁵³ Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 7-варақ.

³⁵⁴ «Бухоро ахбори», 1922 йил 10 ноябрь.

³⁵⁵ «Бухоро ахбори», 1922 йил 10 ноябрь.

хайрли ишга жалб этишга қаратилган нутқлар сўзлади. У ҳақиқий миллатпарвар эди. 1924-1929 йилларда Ўзбекистон ССР ҳукуматида молия вазири лавозимида ишлаган Қ.Й.Пўлатов ўзига берилган енгил машинани сотиб, пулига ўзбек молия ходимлари учун махсус курслар ташкил этган. «Менга машина эмас, миллий кадрлар керак!» – деган. 1937-1938 йиллар катағони туфайли бу табаррук инсон 10 йил Магаданда (1937-1947), беш йилу саккиз ой (1949-1955) Красноярск ўлкасининг Игорка қамоқхонасида тутқунлик азобларини бошдан кечирди. Қамоқдан қайтгандан кейин Чиноз туманидаги (Тошкент вилояти) 15-совхозда қоровул бўлиб ишлади. Унинг фарзандлари кўрқув ва исканжага олиниши туфайли ўз оталаридан воз кечди. Умрининг сўнгги йилларини Каркида касалманд укаси билан бирга ўтказиб, 1965 йилда ҳаёт билан видолашди. Қ.Й.Пўлатовни эса «ўз тўшагида ўлган бирдан-бир жадид» дейдилар. Лекин советлар давридаги тутқунлик ва қамоқ азоблари, озодликка чиққандан кейинги хўрликлар унинг учун «тирикликдаги дўзах»да умр кўриш бўлди, десак хато қилмаймиз³⁵⁶.

Истиклолимиз шарофати билан ноҳақ катағонга учраган ва шаҳид кетганларнинг муборак номлари тикланди. Қ.Й.Пўлатовнинг ҳаёт йўли ва фаолияти, айниқса, бухороликлар учун кадрлидир. Чунки Бухоро тарихи матбуоти, халқ маорифи, музейшунослиги соҳалари ривожига бу ватанпарвар, элпарвар инсоннинг хизматлари беқиёсдир. Қ.Й.Пўлатовлар Бухорода яшаб ишлаган ўша суронли йиллардан ҳам кейин орадан қарийб бир аср ўтаяпти. Қ.Й.Пўлатовнинг саъй-ҳаракати билан олиб келинган синография (Мусулмонча ҳарф териш машинаси) ҳам музейларимизнинг биридан жой олса, миллат ўтмиши ва маданиятидан хабар берувчи осори атиқага айланса, деган истагимиз бор. Бу эса бир пайтнинг ўзида юртдошларимизга тарихимиздан хабар бериш билан бир қаторда Қори Йўлдош Пўлатовнинг ҳам ёрқин хотирасини эслатиб туради.

³⁵⁶ Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С., Рахмонов К.Ж. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. – Б.83-84.

БХСР Маориф халқ нозирлиги ҳузурида ташкил қилинган тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш учун махсус шуъба бу даврда катта ишларни амалга оширди. Ушбу шуъба ишида, айниқса, Абдурахим Юсуфзода фаоллик кўрсатди. Унинг ташаббуси билан 1924 йил 1 августда Москвада Бухородаги мавжуд тарихий ва маданий обидаларни таъмирлаш бўйича шартнома тузилди. Бухоро ҳукумати 1920-1924 йилларда доимо мамлакатда маданий оқартув муассасалари ташкил қилиш ва улар фаолиятини яхшилашга ҳам эътибор қаратди. 1924 йилга келиб БХСРда 14 та кутубхона, драма театри, музей ва кўплаб клублар аҳолига хизмат кўрсатди. Ўзбек ва рус тилларида янги газета ва журналлар ҳамда бошқа адабиётлар чоп этиш ҳам йўлга қўйилди³⁵⁷.

1924 йил 18-20 сентябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакилларининг В курултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)ни Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди³⁵⁸. Аслини олганда БССРнинг тузилиши юқорида туриб сунъий равишда амалга оширилган ҳодиса эди. Натижада Бухорода ҳам худди Туркистон ва Хоразмда бўлганидек, тараққиётнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиш танланди.

1924 йил 18 ноябрда Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССР Марказий Ижроия Қўмиталари қўшма қарор қабул қилиб, унга биноан ўз ваколатларини Ўзбекистон ССР Советларининг Таъсис курултойига қадар иш кўрувчи Файзулла Хўжаев раислигида янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР Муваққат инқилобий комитетига топширдилар. Шундай қилиб, 1924 йил ноябрь ойи охирида Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида Бухоро ССР ҳам тугатилиб, унинг ҳудуди янги ташкил қилинган Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ва Тожикистон АССР (1929 йилдан Тожикистон ССР)га киритилди.

³⁵⁷ Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррир: Қ.К. Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2019. – Б.163-164.

³⁵⁸ Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.172-173.

ХУЛОСА

Монографияда Бухоро Халқ Совет Республикасидаги маданий ҳаёт ва ундаги ўзгаришлар (1920-1924 й.й) тарихининг тадқиқи натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

БХСРни ташкил этилиши билан мамлакатни тубдан сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ўзгариши учун шароит яратилиб, маданий қурилиш учун моддий техника базаси яратилди. БХСР халқларининг ўз она тилларида таълим олишга, миллий зиёлилар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар, клублар, халқ уйлари барпо этиш, адабиёт ва санъат, соғлиқни сақлаш ва ҳоказолар ривожига йўл очилди. БХСРда маданиятнинг ривожланиши халқ ҳаётининг моддий шароити ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимига боғлиқлигини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берган муҳим ҳужжат БХСР Конституцияси ҳисобланади. БХСР ҳокимиятининг кучлилиги шундаки, унда халқнинг кенг кўлами давлат бошқарувида фаол иштирок этди. Аммо, омма сиёсий онгининг ўсиши кўп жиҳатдан маданий даражага боғлиқ бўлганди.

БХСРда маданий сиёсатда янги тамойиллар жорий этилди, жумладан, Бухорода бошқа давлатларга нисбатан телефон, телеграф, кинотеатрлар, клублар, кутубхоналар сони камроқ бўлсада, лекин шуни унутмаслигимиз керакки, ўша йилларда Бухорода синфий кураш айниқса шиддатли тус олди. Мамлакатда янги маданият асосларини қуриш қийин бўлиб қолган, миллий кадрлар кам сонли эди. Миллий тилда дарсликлар йўқлиги, молиявий-иқтисодий таъминотнинг заифлиги, давлат ҳокимияти бошқарув органларининг тажрибасизлигини қўшсак маданий қурилиш етакчилари ҳамда Файзулла Хўжаев ҳукумати кенг халқ оммасининг фаол қўллаб-қувватлаши билан ниҳоятда қисқа муддатда халқ хўжалигининг шаклланишига пойдевор қўйишга муваффақ бўлди.

Янги йўналишларнинг юзага келиши деҳқон ва ҳунармандларнинг фарзандлари тарихда илк бор ўз она тилларида ўз маданиятини ривожлантириш, балки ҳаёт ва табиат учун зарур бўлган билим ва ягона

хукукий илм-фанни берувчи замонавий илмларни ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Бухородаги янги усул мактаблари эски анъанавий мактаблардан устун жиҳатини кўрсата бошлади.

Минглаб катта ёшдаги эркаклар ва аёллар ҳаётларида биринчи марта жаҳон цивилизацияси ҳазиналари ҳақидаги билимларни ўргана бошлаган. Ўша йиллардаги турли хил таълим дастурларининг БХСР учун аҳамиятини ортиқча баҳолаш қийин, бу ерда турли миллат халқларининг беғараз ёрдами ҳал қилувчи роль ўйнади. БХСР ҳукумати Туркия ва Германия каби давлатлар ҳамда Туркистон АССР ва Озарбайжон билан кадрлар тайёрлаш жараёнида ҳамкорликни амалга оширди, янги республикада қисқа муддат давомида катта ишлар амалга оширилди.

Бухорода советлаштириш ва руслаштириш жараёнлари маданий-маърифий ишларнинг жадал ривожланишига тўсиқлик қилди. Қисқа вақт ичида ёш республикада даврий матбуот йўлга қўйилди, бу оммага таъсир қилишнинг энг кучли воситаси бўлиб, маданий оқартув шоҳобчалари кўпайди, халқ орасидан чиққан ўнлаб ва юзлаб истеъдод эгаларига адабиёт ва санъат соҳасида ўз қобилиятларини намоён этиш имконияти яратилди.

Бухоронинг кўп асрлик тарихида илк бор оддий халққа бепул хизмат кўрсатувчи замонавий тиббиёт муассасалари очилди. Шундай қилиб БХСР мавжуд бўлган 4,5 йил давомида ҳам иқтисодиётни, ҳам маданиятни ўзгартириш йўлида дастлабки ҳал қилувчи қадамлар қўйилди. Бироқ мамлакатда мустақил иқтисодиёт асосларини яратиш йўлидаги ҳаракатга Марказ ва большевиклар кучли тазйиқ ўтказган.

Бухоро халқининг маданий даражаси ва сиёсий онгининг ошиши уларнинг ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқариш муносабатларига кенгроқ жалб этишга имкон яратди. Хусусан, аёллар ва қизлар айнан республика йилларида таълим ва маориф ишларига кенг жалб қилинди. Улар эркаклар билан бир қаторда маданият жабҳасида собитқадам туриб, Бухорода замонавий маданият асосларини яратишда жонбозлик кўрсатдилар.

БХСРдаги маданий ҳаёт доимий равишда Марказдан юборилган турли комиссия, бюро ва большевик комиссарлари назорати остида бўлди. Кремль раҳбарияти Хоразм ва Туркистонда бўлгани сингари Бухорода ҳам мазкур даврда совет маданиятини қарор топтириш, коммунистик мафкурани халқ онига сингдириш, советлаштириш ва руслаштириш жараёнларини кучайтиришга ҳаракат қилишди. Бухоро тупроғида турган босқинчи қизил армиянинг ўз мустақиллиги учун курашаётган истиқлолчиларга қарши ҳарбий амалиётларидан ташқари, совет давлати агитация ва пропаганда (тарғибот ва ташвиқот) ҳамда маданий-оқартув масалалари фаолиятини кучайтиришга интилди. Бунинг учун Туркистон ва Бухорога юборилган «Қизил Шарқ» агитпоезди сиёсий ходимлари ва комиссарлари (уларнинг кўпчилиги татарлар ва бошқирдлар бўлган), чекистлар коммунистлардан унумли фойдаланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

I.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган). – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 48 б.

I.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида (2022 йил 28 январь) // «Янги Ўзбекистон» (Тошкент). 2022 йил 1-февраль.

I.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши: Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида (2020 йил 8 октябрь) // «Халқ сўзи», 2020 йил 9 октябрь.

I.4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – 440.б

II. Эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари

1. История Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: «Фан», 1976. – 484 с.

2. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924гг.). Сборник документов. – Ташкент: «Фан», 1976. – 376 с.

3. Материалы по раёнированию Средней Азии. Кн. 2. Территория и населениэ Бухары и Хорезма. Част 2. Хорезм. – Ташкент: Изд. Комиссии раёнированию Средней Азии, 1926. – 141 с.

4. Первая экономическая конференция. Средне — Азиатских республик – Туркестана, Бухары и Хорезма. 5 – 9 марта 1923г. Стенографический отчёт. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – 80 с.

5. Съезды Советов Союза ССР, Союзных и автономных Советских социалистических республик. Сборник документов в семи томах. 1917 – 1936

гг. Том ВИИ (1917-1922). – Москва: Госиздат юридической литературы, 1965. – 616 с.

6. Ўзбекистонда XX асрнинг 20 – 30 йилларидаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар (Архив ҳужжатлари ва бошқа материаллар асосида) [ўзбек ва рус т.]. Масъул муҳаррир ҳамда нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изох ва шарҳлар муаллифи Қ.К.Ражабов. – Тошкент: “Наврўз”, 2014. – 293 б.

III. Архив ҳужжатлари ва материаллари

III.1. Ўзбекистон Миллий архиви

1. Р-46-фонд – Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий инқилобий қўмитаси (БХСР Ревкоми).

1. Р-47-фонд – Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси.

2. Р-48-фонд – Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар Шўроси.

3. Р-56-фонд – Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф Нозирлиги.

4. Р-548-фонд – Бухоро вилоят давлат архиви.

IV. Хотира ва эсдаликлар

1. Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим/Асарлар. 8 томлик. Том 1. – Тошкент: Ўз дав адабий нашр, 1963. – 17-104 б.

2. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи Форсийдан А. Ирисов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1991. – 32 б.

3. Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар / Бошқирд тилидан Ш.Турдиев таржимаси. – Тошкент: Адолат, 1997. – 280 б.

4. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотиралар / Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 294-310.б.

V. Даврий матбуот материаллари

V.1. Газеталар:

1.1. «Бухоро ахбори» (Бухоро; 1920-1923).

1.2. «Известия», орган ТуркЦИК, (1919-1922 гг.).

1.3. “Известия Всебухарского ЦИК” и ЦК Бухарской Компартии (Новая Бухара, 1922).

V.2. Журналлар:

В.2.1. “Бухарская жизнь” (Москва; 1924).

В.2.2. «Учкун» (Бухоро; 1923).

В.2.3. «Тонг» (Бухоро; 1923).

В.2.4. «Восток» (Москва, 1922).

В.2.5. «Вестник просвещения и коммунистической культуры» (Москва, 1921).

V.3. Бюллетенлар:

1. Бюллетень Первой Экономической Конференции Средне-Азиатских республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). №5. 8 марта 1923 г. (Тошкент).

VI. Илмий адабиётлар

6.1. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва: СССР халқлари Марказий давлат нашриёти, 1926. – 360 бет.

6.2. Алиев А. Великий октябрь и революционизирование народов Бухары. – Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1958. – 48 с.

6.3. Алиев А. Чўлпон назарида Бухоро // «Бухоро ҳақиқати», 1997 йил 20 декабрь

6.4. Алимова Д. Жадидчилик феномени. – Тошкент: Академнашр, 2022. – 272 бет.

6.5. Алимова Д., Голованова А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. 1917-1991 йиллар. – Тошкент: Ўзбекистон 2000. – 70 б.

6.6. Алимова Д., Мустафаева Н., Ражабов Қ. Тарихга мурожаат холисликни талаб этади // Ўзбекистон тарихи, 2004. №3. – Б.70-81.

6.7. Алимова Д., Рашидов У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухородаги сиёсий ҳаракатлар ва курашлар. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2009. – 116 б.

6.8. Алимова Д., Маҳкамова Н. Файзулла Ходжаев истории и государственный деятель // История и Историки Узбекистана в XX веке – Тошкент: «НАВРЎЗ» 2014.-150-181.б.

6.9. Алимов И. Аграрные преобразования в Народных Советских Республиках Хорезма и Бухары (1920 – 1924 гг). – Ташкент: Узбекистан, 1970. – 80 с.

6.10. Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917 – 1929 й.). – Тошкент: «Фан», 2009. – 224 бет.

6.11. Аминов У. «Бухоройи шариф» рўзномасини ўқиб... // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2007. №1. – Б. 50-51.

6.12. Аҳад Андижон. Туркистон учун кураш. Биринчи жилд. – Тошкент: Тафаккур, 2017. – 512 бет.

6.13. Бобожонова Ф. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида мадраса тизими // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2007. №2. – Б.32-33.

6.14. Бухоро тарихи масалалари // Мақолалар тўплами. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1996. – 125 бет.

6.15. Бухоро тарихи масалалари // Мақолалар тўплами. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 1999. – 184 бет.

6.16. Бақойев М. Файзулла Хўжаев журналист ва публицист.. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.-80 б.

6.17. Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. №7. – С.39-53.

6.18. Дўстқораев Б. Бухорода миллий матбуотнинг юзага келиши // Маърифат. 2008 йил 21, 25, 28 июнь, 2 июль.

6.19. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги яизгилар). Даврий тўплам. №1. – Тошкент: Университети, 1999. – 218 бет.

6.20. Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: Мухаррир, 2020. – 168 бет.

6.21. Иноятлов С. Бухорои Шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси. – Бухоро: Дурдона, 2022. – 180 бет.

6.22. Иноятлов С., Алауов А. Бухарский дом просвещения в Москве. – Навои, 1996. – 42 стр.

6.23. Иноятлов С. Сааков В. Жизнь отданная народу (к 100-летию Ф.Ходжаева) Наваи, 1996. 64. с.

6.24. Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. – Душанбе, 1993. – 760 стр.

6.25. История Бухары с древнейших времён до наших дней. Под редакцией академика И.М.Мўминова.-Тошкент: Фан, 1976.-384 с.

6.26. Касымов Ф. Драма революции и правда истории (формирование историографии советизации Бухары и Хорезма). – Бухара, 1996. – 89 стр.

6.27. Махмуд Саид Ахрорий. Танланган асарлари / Тўплаб нашрга тайёрловчи Холида Ахророва. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 112 бет.

6.28. Муртазоев Ж., Соҳибов Х. Фитратга қарши фитна // Жаҳон адабиёти. 1997. 3-сон. – Б.97-114.

6.29. Мухамеджанова Л. Бухорода жадидчилик ҳаракати тарихидан. – Бухоро: Дурдона, 2019. – 152 бет.

6.30. Наимов Н. Бухоро жадидлари. Тошкент; Фан, 2000.-48б.

6.31. Орзиев М. «Бухорои шариф» ва «Турон» газеталари тадқиқотчилар нигоҳида // XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро” мавзусида республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2010. – Б. 22-24.

6.32. Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920 – 1924 й.). – Тошкент: «Янги нашр», 2015. – 168 б.

6.33. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920 – 1924 й.). – Тошкент: «Маънавият», 2002. – 144 бет.

6.34. Ражабов Қ.К. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 йиллар). – Тошкент: «Ўзбекистон», 2000. – 32 бет.

6.35. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев. – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2011. – 48 бет.

6.36. Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918 – 1924 йиллар). – Тошкент: «Янги нашр», 2015. – 240 бет.

6.37. Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Бодомзор инвест, 2021. – 92 бет.

6.38. Ражабов Қ. Ўзбекистон ССРда совет режимининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари (1917 – 1991 й.). – Тошкент: Фан, 2022. – 400 бет.

6.39. Ражабов Қ. Иброҳимбек қўрбоши ва сафдошлари фаолияти. – Тошкент: Фан, 2022. – 400 бет.

6.40. Ражабов Қ. Туркистон қўрбошилари. – Тошкент: Фан, 2022. – 400 бет.

6.41. Ражабов Қ., Рахматов М. Туркистонда совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсати ва очарчилик даҳшатлари (1917 – 1924 й.). – Тошкент: Фан, 2022. – 176 бет.

6.42. Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши истиқлолчилик ҳаракати ва моҳияти (1918 – 1935 й.). – Тошкент: Фан, 2022. – 432 бет.

6.43. Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2011. – 36 бет.

6.44. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: «Тафаккур», 2016. – 460 бет.

6.45. Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашр. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2015. – 460 бет.

6.46. Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Учта китоб. 2-китоб. (1795 – 1960 йиллар). Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2015. – 288 бет.

6.47. Раджабов К., Замонов А. История Узбекистана (1917 – 1991) 1-издание. – Тошкент. Издательство-полиграфический творческий дом имени Гафура Гулямова, 2017. – 144 стр.

6.48. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 – 1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2002. – 168 бет.

6.49. Ражабов Қ., Бекмуратов Х. Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихидан. – Тошкент: Тафаккур, 2017. – 168 бет.

6.50. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикасида монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1920 – 1924 йиллар) // Ўзбекистон тарихининг дастлабки муаммоларига янги чизгилар /Даврий тўплам. №2. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 149-158.

6.51. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Республикаларидаги қуролли муҳолифат кураши // Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 249-270.

6.52. Ражабов Қ. Бухоро Халқ Республикаси // ЎЗМЕ. 2-жилд. – Тошкент, 2001. – Б.299-302.

6.53. Ражабов Қ., Эргашев О. Бухоро воҳасида яшовчи бойлар ва уламоларнинг қатағон қилиниши// БухДУ илмий ахборотлари. 2008. №3. – Б. 13-18.

6.54. Ражабов Қ., Раҳмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталарида маориф масаласининг ёритилиши // Ўзбекистон тарихи ва

маданият (Республика илмий-амалий анжуман материалари). – Тошкент, 2011. – Б.154-160.

6.55. Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқарув структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917 – 1933 й.). – Тошкент: Наврўз, 2020. – Б.168 бет.

6.56. Рашидов О. Файзулла Хўжаев миллий манфаатлар ва сиёсий курашлар майдонида. – Тошкент: Мухаррир, 2021. – 196 бет.

6.57. Рашидов О. Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши (1917 – 1938 й.). – Тошкент: Мухаррир, 2022. – 280 бет.

6.58. Рашидов У., Рашидов Ў. XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлар. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2011. – 13 бет.

6.59. Рашидов У. Бухоро инқилоби: қаршилик ҳаракатларнинг биринчи босқичи (1920 – 1924 й.) Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). – Бухоро, 1996. – Б.95-123.

6.60. Рашидов У. Бухоро инқилоби: у қандай бўлган эди // Бухоро ҳақиқати. 1995 йил 23 август.

6.61. Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2003. – 100 бет.

6.62. Рашидов У., Рашидова Л. Бухоро амирлигида жаидчилик ҳаракати ва унинг шаклланиш омиллари // Из истории культурного наследия Бухары. (10-выпуск). – Бухара: Изд. «Бухара», 2006. – Б.81-84.

6.63. Рашидов У. Бухоро босқини ва совет тузумига қарши кураш. – Бухоро, 2008. – 64 бет.

6.64. Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2012. – 176 бет.

6.65. Раҳмонов К. «Бухоро ахбори» газетаси – Бухоро Республикаси матбуот органи // Жамият ва бошқарув. 2004. №2. – Б. 44-46.

6.66. Раҳмонов К. Файзулла Хўжаевнинг Берлиндан Бухорога мактуби // Бухоро мавжлари. 2008. №1. – Б. 34-35.

6.67. Раҳмонов К., Ҳайитов Ж. Бухорода маҳаллий матбуотнинг вужудга келиши тарихидан (XX асрнинг биринчи чораги) // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2008. №3. – Б. 24-28.

6.68. Раҳмонов К. БХСРдаги қишлоқ хўжалиги муаммоларининг даврий матбуотда ёритилиши // Ўзбекистон тарихи ёш тадқиқотчилар ғиёҳида (Ёш тарихчи олимларнинг илмий мақолалари тўплами). – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 53-57.

6.69. Раҳмонов К. Матбуотда дунё мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий муаммолар талқини // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2011. №1. – Б.4-8.

6.70. Ризайёв Ш. Жаид драмаси. – Тошкент: «Шарқ» 1993. – 116 бет.

6.71. Сафаров О., Сафарова Ҳ. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – 188 бет.

6.72. Сафаров О. Шашмақом Ватани оҳанглари. – Тошкент: «Фан», 2009. – 20 бет.

6.73. Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. – Бухоро: Дурдона, 2015. – 180 бет.

6.74. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Тошкент: Академхизмат, 2006. – 256 бет.

6.75. Уралов А. Из истории развития Народного образования в БНСР (1920-1924 гг) Иобщитвенные Ноуиев Узбекистане. 1961-№3. 46. 56.с.

6.76. Файзулла Хўжайёв. Танланган асарлар. 3 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1976. – 535 бет.

6.77. Файзулла Хўжайёв. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: Фан, 1997. – 176 бет.

6.78. Фитрат. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – Ҳамидулла Болтабойёв). Т.И. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 255 бет; Т. ИИ. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 204 бет; Т.Ш. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 255 бет.

6.79. Файзулла Хўжаев-Инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси Республика илмий-назарий конференция (Халқаро миқёсидаги олимлар иштирокида) материаллари бўлаги (2018 йил 12 май).Бухоро 2018.

6.80. Файзулла Хўжаев-Мутадамир, маърифатпарвар ва ислҳотчи Республика илмий-назарий анжумани материаллари (2021 йил 21 декабрь). Бухоро, 2021.

6.81. Холбойёв С. Бухоро амирлигининг олтин хазинаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 180 бет.

6.82. Шодмонова С. Туркистон матбуотида ҳунар таълими масалалари // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2009. №3. – Б.21-23.

6.83. Эшонов О. Файзулла Хўжаев (Ҳаёти ва фаолияти ҳақида очерк). – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. – 116 бет.

6.84. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Илмий муҳаррир М. Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 бет.

6.85. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: «Шарқ», 2001. – 224 б.

6.86. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт томлик. Том ИИИ. (1917 – 1937 й.). Бош муҳаррир И.М. Мўминов. – Тошкент: «Фан», 1971. – 712 б.

6.87. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 бет.

6.88. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 й). 10-синф ўқувчилари учун дарслик. / Масъул муҳаррир Д. Алимова. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 416 бет.

6.89. Ўзбекистон тарихи солномаси / Тузувчи муаллифлар: Ражабов Қ., Ҳасанов Ф. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 230 бет.

6.90. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917 – 1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, А.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: «Ўзбекистон». 2019. – 560 бет.

- 6.91. Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1969. – 840 бет.
- 6.92. Эшонов О. Файзулла Хўжаев (Ҳаёти ва фаолияти ҳақида очерк). – Тошкент: Ўзбекистон, 1973. – 116 б.
- 6.93. Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1956. – 514 бет.
- 6.94. Қосимов Ф., Рашидов У. Бухоро амирлигининг тугатилиши / Бухоро тарихи масалалари. – Бухоро, 1996. – Б. 69-93.
- 6.95. Қосимов Ф. Бухоро Республикаси тарихшунослиги. – Бухоро, 1997. – 70 бет.
- 6.96. Қосимов Ф. Бухорода миллий демократик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятлари / Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт учун кураш. – Тошкент, 2001. – Б. 115-118.
- 6.97. Ҳайитов Ш. Биринчи муҳаррир // Бухоронома. 2003 йил 10 сентябрь.
- 6.98. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920 – 1924 й.). – Тошкент: Фан, 2004. – 101 бет.
- 6.99. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. – Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2005. – 154 бет.
- 6.100. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917 – 1991 йиллар). – Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2008. – 207 бет.
- 6.101. Ҳайитов Ш., Орзиев М. Садриддин Айний асарлари – Бухоро матбуоти тарихидан маълумот берувчи муҳим манба // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. 2009. № 4. – Б. 3-6.
- 6.102. Ҳайитов Ш.А. Раҳмонов К.Ж. Бухоро Халқ Республикаси даврида театр саъати (1920-1924 йиллар). Из истории культурного наследия Бухары (10 выпуск), Изд Бухара, 2006.- 76-80.с.
- 6.103. Ҳайитов Ш.А. Татар зиёлилари Бухорода. Жамият ва бошқарув, 2007 №3-125-126.б.

6.104. Ҳайитов Ш, Раҳмонов К, Ахмадов О. Бухоро ва бухорийларнинг жаҳоний шухрати. Тошкент: «Наврўз»2020-204 б.

6.105. Ҳасанов М. Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев. Тошкент: Ўзбекистон КП Марказий Камитетининг Бирлашган нашриёти, 1968. 40 б.

VII. Хорижда чоп этилган адабиётлар

1. Баймирза Ҳайит. Туркистан Руся иле Гин арасинда. –Истанбул: Отас яйинлари, Анкара.1997. – С. 367.

2. Меҳмет Сарай. Мулли Мусфделе Йилларинда Бухара Гумҳуриетинин Туркие Юрдими /// Туркистонда Енилик Ҳарекетлери ве Ихтилоллар. 1900-1924. Осман Ҳоса Анисин Инеэлемерлер. Ҳазирлаян Тимур Косаоглу (турк, инглиз, ўзбек тилларида) – Ҳаарлем, 2001. – С. 339-347.

VIII. Диссертация ва авторефератлар

1. Алланазаров М.М. Бухоро Халқ Совет Республикасида миллий раҳбар арбоблари ва кадрлар фаолияти (1920 – 1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Термиз, 2022. – 54 б.

2. Астанова Г.О. Историография политических процессов в Бухаре в 1920 – 1924 гг. Автореф.дис. ... канд.ист.наук. – Ташкент, 2008. – 30 с.

3. Ахматов А.Ҳ. Бухоро адабий муҳити тарихи (XX аср). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Бухоро, 2022. – 57 б.

4. Бобожонова Ф. Бухоро Амирлигида таълим тизими (XIX аср охири XX аср бошларида). Тарих фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Тошкент, 2011. – 30.б.

5. Гафаров Н.У. Культурно-просветителской деятельности джадидов в Бухарском эмирате (начало XX века). Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Душанбе, 1999. – 23.с.

6. Жунаев З.Б. Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар (1920 – 1924 й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Бухоро, 2022. – 56 б.

7. Маҳмудов А.М. Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Фарғона, 2022. – 52 б.

8. Раҳмонов К. «Бухоро ахбори» ва «Озод Бухоро» газеталари-Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси Тарих фанлари номзоди ... диссертация автореферати. – Тошкент, 2009. – 32 б.

9. Темиров Ф.У. Садриддин Айнийнинг Бухородаги жадиличлик ҳаракатида тутган ўрни ва ижтимоий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2020. – 49 б.

10. Ҳайитов У. Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда тутган ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Бухоро, 2022. – 56 б.

ҲАМЗА ЖҶРАЕВ

**БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МАДАНИЙ
ҲАЁТ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1920 – 1924 йй.)**